


R 496

2004/6

**Guliston**

2004/6



2004/6



*Дўстлар учрашганда*



# ЎЗ ЭЛИМ БУ, ЎЗ ҚАЛЪАМ

Мустақилликнинг ҳаётбахш ҳавосидан нафас олаётган, азиз Ўзбекистонимизнинг узвий бўлаги — Қорақалпоғистон Республикаси кундан-кунга яшнаб, обод бўлиб бормоқда.

Муҳтарам президентимиз Ислам Каримовнинг навқирон шаҳар Нукуснинг 70 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «... Ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди деб ҳисоблаш менга доим куч-қувват ва қанот бағишлайди», деб айтган сўзлари ҳар бир қорақалпоғистонликнинг, ҳар бир нукусликнинг қалбидан чуқур жой олди.

Дунёнинг ривожланган давлатларига хос бўлган эркин демократик фуқаролик жамияти қуриш ҳамда кучли ижтимоий ҳимояга асосланган янги иқтисодий йўл танлаб олинди. Мустақиллик туфайли Она дийримибизга ўз тилимиз, миллий қадриятимиз билан бирга озод ва обод Ватанда яшаш бахти қайтди. Бутун дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланаётган мамлакатимизнинг ривожланиш йўли ўтган ўн уч йил давомида мислсиз даражада ютуқлар олиб келди. Замонавий корхоналар, йирик иншоотлар барпо этилгани, иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришлар, ёнлиги энергетикаси ва галла мустақиллигига эришилгани ана шу йўлнинг нақадар тўғрилигини очик-ойдин кўрсатиб турибди.

Кейинги йилларда республикада олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар экологик қийин шароитларда яшаб, фидокорона меҳнат қилаётган қорақалпоқ халқининг турмуш фаровонлигини оширишда ўз самарасини кўрсатмоқда.



Қорақалпоғистон иқтисодиётининг асоси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги сезиларли даражада ривожланиб бормоқда. Ердан унумли фойдаланиш, экинлар структурасини тақомиллаштириш, уруғчилик ва селекция ишларини тубдан яхшилаш, қишлоқ хўжалигида ишлаб

чиқаришга алоҳида эътибор бериш, янги технологиялар олиб келиш билан ҳосилдорликни ва аҳоли фаровонлигини муттасил ошириб боришга эришилмоқда. Мисол тариқасида, шу йили давлатга пилла, галла, пахта сотиш шартнома режаларининг ортиги билан бажарилганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Аграр соҳада қўлга киритилаётган ютуқларнинг аксарият қисми фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Ҳозирги кунда республикада 6657 та фермер хўжалиги ташкил қилинган. Шундан 5711 таси деҳқончиликда, 708 таси чорвачиликда, 187 таси боғдорчиликда фалоят кўрсатиб, уларда 46,4 минг нафар одам меҳнат қилапти.

Истиқлол шарофати билан иқтисодиётимизда янги соҳа — тadbиркорлик ва ишбилармонлик шаклланди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш борасида ҳам бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, 2004 йилнинг биринчи ярмида 24 та объект хусусийлаштирилиб, белгиланган режа 100 фоизга бажарилди ва биржа савдолари орқали 20 та акциядорлик жамиятининг 153,6 млн. сўмлик 143057 та акцияси сотилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг асосий омилларидан бири чет эл инвестицияларини жалб қилиб, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришишдир. Марказий Осиё минтақасидаги XXI асрнинг йирик қурилиши ҳисобланган Кўнғирот сода заводи Хитойнинг «Ситик» фирмаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Йилга 100 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилиши жадал суратларда олиб борилапти. Шу йили «Ийгиликгаз» қўшма корхонаси томонидан бензин ва техник керосин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Элтекс» тўқимачилик акциядорлик жамияти базасида чет эл сармосини жалб қилган ҳолда иккита қўшма корхона иш бошла-



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Муассис:

**Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт ишлари  
вазирлиги**

**Бош муҳаррир  
Азим СУЮН**

Тахрир ҳайъати:

**Бобур АЛИМОВ  
Нилуфар АЛИХОНОВА  
Бахтиёр ГАНЖАМУРОД  
Неъматилла ИБРОҲИМОВ  
Жалолбек  
Йулдошбеков**

(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)

**Абдусайд КҮЧИМОВ  
Отаназар МАТЁҚУБОВ  
Муҳаммаджон ОБИДОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Шухрат РИЗАЕВ  
Ўктамхон ХОЛДОРОВА  
(масъул котиб)  
Рустам ШОҒУЛОМОВ  
Эркин ЭРНАЗАРОВ  
Жуманазар ҲУСАНОВ**

**Бўлим муҳаррири  
Манзура ШАМС**

**Саҳифалаш ва дизайн  
Шахло ҲОШИМОВА**

**Мусаҳҳиб  
Ёрбек ИСКАНДАР**

**Фотомухбир  
Дмитрий КУРЬЯКОВ**

**Навбатчи муҳаррир  
У.ХОЛДОРОВА**

## Ушбу сонда:

**ОНА ТУПРОҚ — МАДАДИ ВА ҚУДРАТ** ..... 5

Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ

**«ҚОРАҚАЛПОҚМАН, ТАВАККАЛЧИМАН»** ..... 10

Гулистон МАТЁҚУБОВА

**СИРЛИ ОЛАМ СОҲИБИ** ..... 16

**ХАЛҚ ХИЗМАТИГА  
КАМАРБАСТАМИЗ**

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

**От йили** ..... 28

**ДУҲИЯТ ҒИРОҒИ** ..... 44

**Ҳорманг, азиз геологлар!** ..... 45

*Ўзимнинг кўнгилма сўзлашман,  
Мен ярақда яшар нисонман* ..... 46

Босишга 23.12.2004 да топширилди. Қоғози: 60x84 1/8. Ҳажми: 6 босма табоқ,  
Буюртма №324.

Тахририят манзили: 700029, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Телефонлар: Қабулхона: 136-56-01. Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57  
Масъул котиб: 133-07-94. Факс: 133-08-57

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент, Ҳадича Сулаймонова кўчаси, 33 - уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 091 — рақам билан рўйхатга олинган.

ди. Жорий йилда «КарБалт-Пром-сервис», Қорақалпоғистон-Литва «КазКарпи», Ўзбекистон-Қозоғистон «Меркур-ДЖД», Қорақалпоғистон-Германия «Анкор-Бозташ» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхоналари ташкил қилинди.

Қўшма корхоналар республика иқтисодийетини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб, ташқи бозорга маҳсулотлар чиқариш салоҳиятини янада орттиради.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданок, ёш авлод тарбиясига юртимизнинг келажаги сифатида алоҳида эътибор қаратилди ва бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳар томонлама етук, соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиш, юқори билимга эга инсонни шакллантириш, унинг фаровонлигини таъминлаш озод юртимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг асосини ташкил қилиб келмоқда.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси»нинг ташкил қилиниши жисмонан баркамол ва ақлан соғлом авлодни тарбиялашда кенг имкониятлар яратиб берди. Шаҳар марказларидан узоқда, қишлоқ жойларда ўқиб, билим олаётган ёшларнинг спорт билан шугулланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, айнқиса, ўрта мактаблардаги жисмоний тарбия залларининг спорт инвентарлари билан таъминланиши яхшиланди. Шу йилнинг ўзида Кегейли ва Амударё туманларида болалар спорт мажмуаси ишга туширилди ва Нукус шаҳрида Олимпия захиралари коллежи қурилиши битказилиб, мустақилликнинг 13 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди.

Болалар спортини ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор амалий ишларнинг олиб борилганлиги сабабли республикада спортчиларидан Р. Казаков, Ф. Уразимбетов, А. Ортиқбоевалар спортнинг қаратэ тури бўйича Швецияда ўтказилган жаҳон кубогиди 2-ўринни эгаллашди.

Жорий йилнинг шу кунигача республикада спортчилари 30 дан зиёд турли халқаро мусобақаларга қатнашиб, 34 та олтин, 32 та кумуш, 34 та бронза медалларининг соҳибдорлари бўлишди.


«Кадрлар тайёрлаш миллий Дас-

тури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ республика маорифчилари томонидан келажак авлодни давримизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдек шарафли вазифа сидқидилдан бажарилмоқда. Ҳозирги кунда замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, олий ва ўрта маълумотли кадрларни тайёрлаш, уларнинг ҳаётий тажрибаларини ошириш асосий мақсад бўлиб қолмоқда. Ушбу мақсадларни амалиётга жорий қилишда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Ажинияз номидаги Нукус педагогика институти, Тошкент тиббиёт-педиатрия институтининг ва Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиаллари, 73 та касб-хунар коллежи ва академик лицей, 763 та ўрта мактаб фаолият кўрсатмоқда.

Мустақил юртимизда яшовчи инсонларнинг дунёқарашини, онгини, маданий савиясини оширишда алоҳида ўринга эга бўлган маданият ўчоқларида ҳам ислохотлар ўтказилиб, давр талабларига мос равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Нукус шаҳрининг 70 йиллиги арафасида Қорақалпоқ давлат санъат музейи қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театри қайта таъмирланди. Бу зиё масканлари кишилар онгини, маънавиятини янада юксалтиришда, халқимиз анъаналари ва урф-одатларини дунёга танитишда беқиёс хизмат қилмоқда.

Бугун халқимиз истиқлолимиз барқарорлигини кафолатловчи муҳим сиёсий мавсум ҳавоси билан нафас олмоқда. Барча жойда бўлгани каби, республикада меҳнаткашлари ҳам шу йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва халқ депутатлари шаҳар, туман кенгашларига сайловларга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу сайловлар фуқароларни буюк мақсадлар йўлида бирлаштиради, уларнинг сиёсий фаоллигини оширади ва истиқлолимизни кўз қорачигдек асрашга чорлайди.

**Ғафуржон РАЖАБОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Жўқорғи Кенгеси  
раиси ўринбосари



# КЕЛАЖАК ОЛДИДА МАСЪУЛИВИЗ

Инсоннинг энг катта бойликларидан бири тинчлик бўлса, бири саломатликдир. Одамларга сихат улашувчи шифокорлар эса бу оламнинг фаришталарига ўхшайди. Шифокор учун умид билан тикилиб, нажот сўраб турган кўзларни яна ҳаётга қайтаришдан ва бемордан: «Раҳмат, кўлингиз дард кўрмасин», — деган самимий сўзларни эшитишдан ортқ бахт бўлмаса керак.

Инсон саломатлигини сақлашда нафақат шифокорларнинг, балки соғлом мухитнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Кейинги йилларда Орол минтақасида юзага келган экологик вазият оналар соғлигини ва улардан дунёга келаётган болалар тақдирини таъшишли ҳолатга солиб қўйди. Туғиш ёшидаги аёлларнинг кўпчилиги камқонлик ва экстрагенитал касалликларга чалинишлари оқибатида носоғлом болалар туғилишига сабаб бўлмоқда. Ундан ташқари, ҳомиладорлик жараёнидаги муайян етишмовчиликлар она-бола соғлиғига таъсир кўрсатаётганлиги ҳам ачинарли ҳолдир. Бундай муаммоларни олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдами билан Нукус шаҳрида Акушерлик ва Гинекология илмий-текшириш институтининг Нукус филиали, «Она ва бола скрининги» маркази ташкил этилиб, Нукус шаҳри ва барча туманларда уч босқичли туғруқ комплекслари ишга туширилди.

Республика туғруқхонаси базасида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастури талаблари асосида ташкил этилган туғруқ комплекси нафақат тузилиши билан, балки хизмат кўрсатиш даражасининг юқорилиги жиҳатидан ҳам аввалгилардан тубдан фарқ қилади.

Бугунги кунда Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Нукус филиалида 110 нафар олий маълумотли шифокор,

300 га яқин ўрта ва 200 дан зиёд кичик тиббиёт ходимлари хизмат қилмоқдалар. Бу ерда аввало, республикадаги туғиш ёшидаги аёллар рўйхатга олинади. Тиббий кўрикдан ўтказилиб, камқонлик ва экстрагенитал хасталиклар аниқланган ҳомиладорлар алоҳида гуруҳга ажратилиб, жойлардаги поликлиникалар, туман марказий шифохоналари таркибига кирувчи туғруқ комплексларида, аёллар маслаҳатхоналари ҳамда қишлоқ врачлик пунктларида уларнинг саломатлиги қатъий назорат қилиб борилади. Ҳомиладор оналар муайян муддатларда акушер-гинеколог кўригидан ўтказилиб, туғруқ жараёнигача онанинг ҳам, ҳомиланинг ҳам соғлиғи назорат остида бўлади. Айниқса, экологик вазият ўта мураккаб ҳудудда профилактика ишлари мунтазам олиб борилиши шарт. Тизимда амалга оширилаётган ислохотлар оналар ва болалар ҳаётини муҳофазалаш, ҳомиладорлик жараёни ва болаларнинг бир ёшгача бўлган даврдаги кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш имконини бериди.

2003 йилдан бошлаб жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг «Хавфсиз оналик» дастури ҳаётга татбиқ этила бошланди. Ушбу дастурга кўра, туғруқнинг оғриқсиз ўтиши, боланинг соғлом туғилиши ва она руҳининг тетик бўлиши, ўзини бардам тутишига эришиш бош вазифа ҳисобланади.

«Хавфсиз оналик» принципларига ўтилиши муносабати билан клиникамизда туғруқ жараёнида ишлатиладиган дори-дармонлар, операция усулларини қўллаш кескин камайди. Ҳомиладор аёллар учун ўзлари хоҳлаган ҳолатда туғиш имкониятлари яратилди.

Яқинда Япония ҳукуматининг гранти бўйича 1 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорига энг ноёб аппаратуралар олиб келиниши натижасида ҳомиладор аёллар соғлиғини муҳофазалаш, туғилажак болаларнинг ривожланиши, уларда

учрайдиган касалликларни она жисмидалик чоғидаёқ бартараф этиш учун шароит яратилди.

Бу борада 1997 йилнинг сентябр ойида фаолият бошлаган скрининг маркази ҳақида ҳам алоҳида тўхталмоқ лозим. Марказнинг асосий вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» жамғармасининг фаол ёрдамида туғма гипотиреоз, ФКУ ва бошқа туғма касалликларни аниқлаш ва даволашдан иборатдир. Илгари бу хасталикларни вақтида, сифатли даволаш учун шарт-шароит етарли эмас, муолажалар эса касалликнинг клиник кўринишлари пайдо бўлганидан кейин бошланар эди. Лекин бу усул яхши натижа бермасди. Чунки бунда касалликни даволашни чақалоқ ҳаётининг илк хафтасида бошлаш талаб этилади. Ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаган тақдирда, ақлан заиф болалар туғилиб, умрбод ногиронликка маҳкум бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолат эса нафақат она, балки бутун жамият учун фожиядир.

Бугунги экологик қийинчилик шароитида миллат таянчи ва юртимиз келажаги учун масъул бўлган аёлларнинг соғлиғини сақлаш, туғиш ёшидаги ҳар бир онани назоратга олиб, болаларнинг бениқсон, соғлом дунёга келиши, баркамол фарзанд бўлиб етишишлари барчамизга катта масъулият юклайди. Шу жумладан, бизнинг комплексимиз ҳам, республика Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институтининг Нукус филиали, «Она ва бола скрининги» маркази ҳамда бошқа профилактика-даволаш муассасалари ҳам бу муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

**Онесия СЕИТОВА,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
АВГИТИ Нукус филиали  
туман бўлимининг мудири

Халқ орасида атоқли шоир И.Юсуповнинг ҳар бир фикри порлаган нурдек инсон қалбидинг туб-тубига сингиб борувчи зиёдир. Ибройим-жон баъзилар билиб, баъзилар билмай у таратган нурдан бахраманд бўлувчи, зиёлилар шеърятидан парчалар ёдлаб юрувчи, яратган образлари китобхонлар шуурига сингиб, ёмонликдан нафратланиш, эзгуликдан шодланиш ҳиссини ўргатувчи шоир сифатида танилди. Адиб шеъряти билан ошно бўлган одам бир умр у билан ажралмай яшайди, чунки унинг мундарижаси — инсон.

Шунингдек, унинг асарлари инсоннинг кўзини очиб, шу кўз билан ўзига, ҳаётдаги ўрнига назар ташлашга чақиради ва унинг кичкина, ажойиб бир ҳилқат, ўзига хос бир дунё эканлигини уқтиради.

Яқинда шоирнинг «Ватан тупроғи» номли поэмасини ўқиб, унинг сер-

лиги, мусулмон одоби, халқлар дўстлиги ва донишмандлик афзаллигини тараннум қилувчи «Ватан тупроғи» номли поэмасига назар ташламоқчиман. Поэма тоталитар тузум авжига минган давр бадий талқинига бағишланган.

Турумуш сабоқларидан доноликни эгаллаган Ибройим оға мустақилликнинг шарофати билан битилган ажойиб поэмасини ўз отаси Юсуф Охуннинг руҳига бағишлаб, унга алоҳида эҳтиром кўрсатди. Тоталитаризм замонида Ибройим оға катта талант эгаси, халқнинг севимли шоири бўлишига қарамасдан, фақат отасининг охун бўлганлиги учун бошига қўп маломат тошлари ёғилганлиги ва ёзувчилар уюшмасига ҳам кира олмай юрганлиги кўпчиликка маълум.

Поэма тўрт бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлим саз сеҳри ка-

га, тўхмат балосига йўлиққан ким эди? Бу саволга жавоб сифатида шоир воқеани бошидан баён қилади:

Чеккандаги қорақалпоқ элида,  
Қўхана тоғининг отақларида  
Овул бўлган эди «Қирғ садоқ» деган.  
Шу овулда бўлди Абсамае охун.

Бу «ўртаҳол, инсофли инсонни» охун деб қора рўйхатга олиб, молмулкни хатлайди. Абсамаед кун келиб, бошқалар каби қамалиб, қатагонга учрашини сезиб, вафот этган абли қабридан бир сиқим тўпроқ олиб:

Тўққиз яшар Азимасин сўйди-да,  
Жўнатди катта қизин уйига.  
Ҳуфни хайралишб қариндошлар-ла,  
Ўғлини ертиб қочди ажан элига.

## ОНА ТУПРОҚ — МАДАД ВА ҚУДРАТ

мазмунлиги, тарбиявий аҳамияти, ниҳоят, шоирнинг инсонийлик позициясига, Ватанга чексиз садоқатига яна бир бор тан бердим.

Чиндан ҳам, бизлар Ибройим оғанинг ҳар бир ижод маҳсулини ўқиган сайин уларнинг ўткир таъсир кучини, ғоясини тан олиб, поэзиясининг сўнгги янгиллиги сифатида баҳолар эдик. Унинг «Доим севиб яшасин бир одамни одам» деган қақриғи, «Кўнгил кўнгилдан сув ичиши» каби мотивлар орқали одамзотнинг дунёга келишдан мақсади меҳр-шафқат кўрмоқ ва кўрсатмоқ эканлигини назидида маҳорат билан тасвирлаб берилади.

Яқинда Нукусдаги «Қорақалпоғистон» нашриётида шоирнинг «Хар кимнинг ўз замони бор» номли кисса ва шеърлар тўплами эълон қилинди. Китобдан ўрин олган шеърларнинг бадий ва ғоявий қиммати ҳақида фикр юритишдан тийилиб, тўпламдаги бугунги миллий мафураимиз қон томирига тегishi, мустақилликни мустаҳкамлашга даъват қилувчи, эркинлик муқаддас-

би ўқувчини бирдан ўзига жалб қилиб кетадиган қилиб бошланган. Ўрта ёшлардаги «қиров тушган қирма соқол, зиёлича кийинган бир мўйсафид» «бисмилло» деб самолёт трапидан тушиб, Ватан ҳавосидан тўйиб ютди:

Тириккай қиргандай бешиг бонга, даллас уриб  
Аэропортдан чизиб бурнида боғга  
Қаторлаб қора тол эзилган ёғга,  
Тоза ерга жойнамоғини сўйди-да  
Пешини ўзаш учун юкундан қалга.

Намоз изидан «Кўк майса ўсган қора ерни ўпиб, йиғлаб сўлиган босиб, эсин йиғиб ёнбошига қараса, ўк халтаси ва костюм йўқ бўлиб қичди».

Ҳафа бўлиб, талмоқсираб турганда,  
Уч меласа етди-ку бу томонга.  
Қўлга қизан янвирдин шунда.

Одоб-ахлоқ бузилган, «ётсираш» ва темир қуршов, умуман, гумон ус-тушлик қилган элга келиб, ота-мақо-нига тоғонга талкан, қайғу-ҳасрат-

дея асар юзини усталик билан очиб, Абсамаедининг ўз элидаги синчков ва узокчи кўра биладиган инсон эканлигини тасвирлаб, сабабсиз бузилаётган оилаларига ҳасратланиб, аянчли ҳақиқатга реал қаршилиқ кўрсатган мардона ва ибратли сиймонинг қиёфасини ярата бошлайди. Кейинги ҳикоятлар саккиз яшар Мамурт тилидан берилиб, уларнинг кўрган қийинчиликлари, туркман ичидан Хурросонга ўтиб, Гавҳаршод-бегим масжидида паноҳ тоғни, Ҳажга йўл олган қочоқларга қўшилгани ва йўлда вабо касали тарқалганини эшитиб, Туркияга интилганлари тасвирланади.

Абсамаед Хива мадрасасида таҳсил олган, кўпни кўрган, тажрибали кишидир. У Туркия сафарига Чимбой, Мангит, Гурландан келган ўнлаб кишиларга бош бўлиб, қарвон билан кетаётганда «Шатли» деган жойда қароқчиларга дуч келади. Улар билан сафарда бир махсум йигит ва унинг севган ёри ҳам бор эди. Бахтга қарши, қароқчилар йигитни бўғизлаб, ёрини олиб қочадилар.

Шоир буни таърифлаб бундай ёзади:

Қайси овул, қайси уруғ эди ул?  
Кўзни дамаштирар сулув эди ул,  
Менга опачамдек меҳрибон эди,  
Отнинг ким деганда, «Арув» деди ул.

дея инсон умрининг бир лаҳзасида  
тўсатдан учрайдиган шодлик ва  
қайғу унинг кўнглини бузади.

Уларнинг кейинги турмуши ҳам  
даҳшатли кечади:

Ҳеч нарса қолмади бизда кўйилдан,  
Жудо бўлди кийим, оёқ-туяндан.  
Ўз йўлга кетди талаиб қарвон,  
Юравердик хайр сўраб турдан.

деб тақдир тошини кўриб, охун  
энди тариқат йўлини тутиб, ҳасса  
ушлаб, дарвеш қиёфасига кирди:

Ғазаллар тўғриб ярак тўрдан,  
Тинглаганинг бағри муздай эриган.  
Ғоҳо Баҳоуддин, ғоҳо Машраб бўлиб,  
Ўғир пир Хожа Аҳмад ҳикматларидан.

Тонгда элни қоралаб кетаётган  
ота-болога бир эшак минган киши  
йўлиқади. У ғариб бир мусулмоннинг  
дунёдан ўтганлиги, жаноза ўқийди-  
ган имом йўқлигини айтганда, «биз  
ўқиймиз» жавобини олади. Охун бори-  
риб биладими, марҳумни кафанлаш-  
га ҳам ҳеч нарса йўқ экан:

Охун ўз пулига чит келтирди,  
Марҳумни поклади ва кийингирди.  
Жанозасин ўғиб, қўтауг масканга,  
Қўндириб марҳумни ерлаб ҳам берди.

Инсоний муносабат, ақл ва билим-  
лилик хонадон эгасига ҳам маъқул  
тушиб, охун билан бирга тирикчилик  
ўткази бошлайди. Мамат эса шу уй  
ўғлони билан дўтор чалиб, қўшиқ  
айтиб овул оралаб, обрў топа бош-  
лайди. Абсамад хафта сайин одам-  
лар орасида иззат топди, тил ўрган-  
ди ва улар дастурини тутди. Унинг  
хат-саводини кўрган халқ охунни  
имом қилиб сайлади. Абсамад энди  
эл орасида «қалпоқ мулла» деб ата-  
ла бошлади.

Поэманинг иккинчи бўлимида  
охуннинг камтарлиги, холислиги ва  
билимдонлигини эшитган катта  
обрў ва иззатга эга ишбилармон Ну-  
риллабей уни уйга тақлиф қилади  
ва «Туркистондан келган қардош  
қўноқ», деб дўстларига таништира-  
ди. Хонтахта кенг, даструхон ўртага

ёзилиб, тотли таомлар тортилиб,  
меҳмонлар кайфу сафо сураётганда  
маҳаллий бахшилар созини тўхтати  
ва Абсамад охундан Хожа Аҳмад  
пирнинг ҳикматларидан айтиб бе-  
риш сўралганида:

Яраш қалбада дардлар уйғонди,  
Ҳикмати сўз кўнглилардан жой олди,  
«Мусофир эфенди, сағ ол, даҳа», деб,  
Турклар қулоғ бериб, жағга таянди.

Шундан кейин Нурилла бей ва  
унинг меҳмонлари: «Қалбингизга  
тангрим ўз нури куйган», «сизнинг  
билимингиз, маърифатингиз қойил  
қилди бу жамоатни» деб унинг бар-  
ча қилганини, элнинг ишончига  
эришганлигини айтиб:

Алов оқ эманнинг остида турган,  
Кичкина жой сизга атаб кўйлаган,  
Ўғлингиз иккинчиз яшайверасиз,  
Кийим-кечак, овқат бизданмур мудон.

деб Нуриллабей охунни ўз чор-  
боғида олиб қолади.

Бир куни Нуриллабейнинг ёзги  
саройи аланга ичида қолганидан ха-  
бар топади. Бейнинг француз хоти-  
нидан турилган, булар билан дўстона  
яшаб келаётган, Жанна балконда  
олов исканжасида қолиб, аламли  
фарёд тортарди:

Чирқираган овоз йиттудай жонни,  
Пастда она эса осдан тонди.  
Миңди ёнаётган зинага охун,  
Сувга босиб устидаги чопонни.

«Яхшиликка яхшилик мард киши-  
нинг ишидир» дегандай Абсамад  
охун Жаннани ўлимдан кутқариб  
қолади, ўзи эса оғир аҳволда касал-  
хонага тушади. Шунда ўғли Меҳмед-  
ни (турклар уни шундай атарди) Ну-  
риллабейга топшириб, ўглининг пе-  
шонасидан ўйиб:

Биз ўтирган жойда тоқчада турган,  
Қўтида туяроқ бор туғиб кўйилган.  
Уна туяроқ ўғлим, сенинг онангнинг  
Эсингдами, габридан олинган?  
Шу туяроқни соч устимга кўмарда  
Ва онангнинг тумори бор шу ерда...

деб жон топширади.

Поэманинг муқаддимасидаги  
Меҳмеднинг Ватан тупроғига келиб,  
уни кўзига сурма қилиб, қувончи  
ичига сиймай турганда буюм халтаси  
ва костюмининг ўғирланиши элдаги  
одобнинг даражасини кўрсатса, ми-

лициянинг уни қамаб, азоблаб, она-  
сининг туморидаги:

«Сенинг дардинг менга дармондан ортиқ,  
Сенга қул бўлганим султондан ортиқ»

деб ёзилган Ҳаким ота ҳикматла-  
ридаги мисраларни сенинг  
айғоқчилик онтинг деб ҳулоса  
чиқариши озод ва эркин эл тузуми-  
га бутунлай қарама-қарши адолат-  
сизлик эканлиги тасвирланган.


Поэма катта гоёвий яқунга эга. Ун-  
да шўролар ҳукмронлигининг  
«сўлларча сиёсати», «айниқса, тур-  
кий эл бўлсанг, ёқтирмасди ёвдон  
қолган боладай» деб тасвирланади.

Поэмада бош масала инсон қад-  
ри, унинг яшаш ҳуқуқи масаласи-  
дир. Яъни жамият маданияти ва бу  
маданиятнинг ривожланганлиги, ин-  
сон ҳуқуқларининг амалга ошиши  
билан белгиланадиган инсонга  
муҳаббат ва ҳурмат, дўстлик, меҳри-  
бонлик каби тушунчаларнинг ри-  
вожланганлик кўрсаткичи эканлиги  
ни одам онгига сингдириш масала-  
сидир. Ушбу нуқтага назардан по-  
эмада Абсамад образи ёқимли  
қахрамон сифатида бекаму кўст  
берилган. Унинг ички ва ташқи дунё-  
си, руҳий кечинмалари юқори ба-  
дийликдан яратилган «қалпоқ мул-  
ла» поэмада миллатнинг барча  
ажойиб хусусиятларини ўзига синг-  
дирган имонли, ҳалол, раҳмдил, жа-  
сур, ақл-фаросатли, доно ва камтар  
сиймо сифатида берилиб, қорақал-  
поқ адабиётида охун образини тўла  
ва ажойиб қилиб тасвирлаган би-  
ринчи поэмадир.

Ҳурматли Президентимиз И.А.Ка-  
римовнинг «Ватан ҳисси, Ватан  
туйғуси, барча нарсалардан қадри-  
роқ, Биз фарзандларимизнинг онги-  
га ва қалбига ана шу туйғуни синг-  
диришимиз керак», деган  
чақириғи шoirимиз И.Ю.Супов-  
нинг «Ватан тупроғи» асари бевоси-  
та ва билвосита жавоб бера олади,  
деб дэвил айта оламиз.

Асар ёзувликдан нафратланиш,  
яхшиликни ардоқлаш, инсон қадри-  
ни ҳурматлаш, эркинликнинг қим-  
матини англашга, ёшларни мус-  
тақиллик руҳида тарбия қиладиган  
йирик бир кинофильмнинг жонли  
асоси ва материали бўла олар, де-  
сак ҳам муболага бўлмайди.

**Ж.БОЗОРБОЕВ,**  
академик



# Миллий қадриятлар

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги аҳоли орасида маънавий-маърифий, маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш орқали қорақалпоқ халқининг миллий қадриятларини тарғиб қилиш, халқимиз маънавий дунёсини миллий-маънавий мерос асосида бойитишдек ишларни амалга оширмоқда.

Нукус шаҳрида «Ғаразсизлик — иқболим, бахтим» мусиқий хореографик композицияси бўйича тайёрланган театрлаштирилган томошалар бир қатор шаҳар, туман маданият ишлари бўлимлари халқ бадиий жамоалари, иқтидорли эстрада хонандалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари иштирокида баланд руҳда ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан баҳши-жировлар, ёш эстрада ижрочиларининг «Қорақалпоғистон ёш талантлари» номли республика танловида истеъдодли ёшлар Ватан, Мустақиллик, она ерни асраб-авайлаш, севиш, унга садоқат, меҳр-мурувватга чорловчи мусиқий асарлар билан иштирок этишди. Унда Қораўзақ туманидан Ширин Ўтаганова бахшчилик бўйича 1-уринни, Мўйноқ туманидан Жанна Елмуратова, Тахиятош шаҳридан Тилеумуратовалар эстрада ижрочилиги бўйича 1-уринни эгаллашди.

С. Хўжаниязов номидаги Қорақалпоқ давлат ёш томошалар театрида К. Раҳмоновнинг «Тўқиз тўнқиллоқ, бир чийиллоқ» комедияси, М. Оғамирзаев, Л. Бобоҳоновларнинг

«Овчи» спектакллари қайта кўйилиб, драматург П. Айтмуратовнинг «Тўнғич муҳаббат» номли янги спектакли сахналаштирилди. Ушбу асар ёшларга ўрнак бўладиган, қалби меҳр-оқибатга тўла халқимизга хос ажойиб образлар орқали томошабинларни зғулки сари бошлайди.

«Ўзбектеатр» бирлашмаси томонидан Тошкентда уюштирилган замонавий мавзудаги спектаклларнинг I Республика танлов-фестивалида Гулолим Турсунованинг «Муҳаббатим — умрим» спектакли иштирок этиб, «Оила ва жамият мавзусининг энг яхши талқини» ҳамда «Энг замонавий сценарий» совринларига сазовор бўлди. Актриса К. Шомуратова эса «Энг яхши аёл образи» номинациясининг ғолиби деб топилди.

Шунингдек, Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри «Олтин жўжа» спектакли, кўғирчоқлар шоу-концерти билан туманларда гастролда бўлди. Карлар жамиятига қарашли мактаб-интернатда бепул спектакл, Хўжайлидаги 1-сонли республика Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига «Олтин жўжа» спектакли ва хайрия концертлари намойиш этилди. Театрда сахналаштирилган П. Айтмуратовнинг «Отам айтган афсона» спектаклида одамлар ўртасида бир-бирига меҳр-мурувват, уй ҳайвонлари, қўшлар, жониворларга меҳр назари билан қараш, табиатни муҳофазалаш ғоғларини болаларга ёшлигидан сингдириш мақсад қилиб кўйилган.

«Айқулаш» ансамбли Тошкентда ўтказилган Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти Саммитига аъзо мамлакатлар Президентлари ва бошқа қатнашчиларга бағишланган катта тантанали концертда қатнашди. Унда Ўзбекистон халқ артисти М. Сапаева «Дембермес» қорақалпоқ халқ қўшиғини ижро этди. Балет гуруҳи «Шағалай» рақсини намойиш этди. Ансамбл Жанубий Кореянинг Кангин шаҳридаги Халқаро фольклор, Хитой Халқ Республикасидаги VII Халқаро фольклор фестивалларида қатнашиб, қорақалпоқ урф-одатлари, аъналарини, қўшиқ, рақс ва куйларини томошабинларга инъом этиб, хорижий томошабинлар олқисини қозонди.

«Аму тўлкини» ансамбли Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида ўтказилган халқаро «Бойсун баҳори» фестивалида «Келин келди» номли мусиқий композицияси билан қат-



# эътибори шизда

нашди. Жиров Б. Есемуратов, баши Е. Акимовлар ушбу фестивал лауреати бўлишди.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат ўлкашунослик музейи биносиди қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, бир қатор хоналар, фойе кенгайтирилди, иш шароитлари яхшиланди. Коллеж ва гимназияларда «Қорақалпоқ миллий либослари ва тақинчоқлари», «Ўлкамиз турихини ўрганамиз» номли кўча кўргазмалар уюштирилди.

И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг Австралиядаги Пауэр-Хаус музейида сентябр ойида бошланган «Bright Fijwers» номли кўргазмасида таникли рассом, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Б. Айтмуратовнинг «Туй» картинаси намойиш этилди, қорақалпоқ амалий санъати намуналари Москвада бўлиб ўтадиган кўргазмага юборилди. Чимбой, Кегайли, Хўжайли туманлари, Тахиташоқ шаҳри мактабларида кўчма кўргазмалар, Тахтақўлир, Чимбой, Кегайли туманлари кам таъминланган оилалари болаларига музей ҳисобидан экскурсия, Музейлар кўнига аталган фотоқўргазмалар ўтказилди.

«Меҳр ва муруват йили»га бағишланиб Бердак номидаги театрда Ўзбекистон халқ артисти Н. Абдуллаева, Қорақалпоғистон халқ артисти К. Сержанов, М. Турғунбоева номидаги «Баҳор» ансамбли рақосаси Г. Курбонбоева, Ўзбекистон Республикаси «Еш истеъдодлар» камер оркестри кватрет гуруҳи ихрочилиари ва қорақалпоғистонлик танкили санъат арболари иштирокида хайрия концерти ўтказилди.

Хозирги кунда театрларнинг давр талабига мос фаолият кўрсатиши учун уларни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Масалан, Бердак номли театрда 515 млн. сўмлик қайта қуриш ишлари амалга оширилиб, 31 млн. 922 минг сўмлик овоз кўчайтирувчи ускуналар, умумий нархи 5 млн. 329 минг 200 сўмлик компьютер техникаси олинди. С.Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри, қўғирчоқ театрларига Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ҳар бири 22 млн. 990 минг сўмлик 3 та «Отайўл» автобуси, компьютерлар ажратилди. Ёш томошабинлар театри залига 17 млн. 857 минг сўмлик янги ўриндиқлар ўрнатилиб, 12 млн. 756 800 сўмлик янги сахна жиҳозлари тиктирилди. Янги сахна асарлари яратиш учун Ёш томошабинлар театрига 2 млн. 738 минг 500 сўм, Қўғирчоқ театрига 1 млн. 600 минг сўм миқдориди маблағ ажратилди.

Ж.Шамуратов номидаги Нукус санъат коллежи, ва Қ. Ойимбетов номидаги Нукус маданият коллежларида таълим тарбия ишлари мамлакатимиз томонидан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлашининг Миллий дастури» асосида амалга оширилмоқда. Нукус санъат коллежида катта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, янги ўқув биноси, ётоқхона қуриб битказилди, маданият коллежи ҳам қайта таъмирланиб, ўқув хоналарининг ҳолати яхшиланди, ўқув дарсликлари, қўлланмалар, дастурлар, айрим халқ чолғу асбоблари билан таъминланди, лингвифон, компьютер, физика, химия хоналарига чет элда ишлаб чиқарилган ўқув жиҳозлари, техник воситалар олиб кели-

ниб, ўқувчиларимизнинг чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинмоқда.

Юксак қобилияти, самарали ижодий меҳнати ва ютуқлари билан халққа танилган санъат ва маданият ходимларига Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларининг мукофотлари тақдим этилмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги байрами арафасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, марҳум О. Шомуратова «Буюк хизматлари учун», И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи директори М. Боназарова «Фидокорона хизматлари учун» орденларига муяссар бўлдилар. «Айқулаш» Қорақалпоқ миллий рақс ансамбли балетмейстери Ю. Абипов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист», Нукус тумани болалар мусика мактаби ўқитувчиси К. Нуриллаев «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», С.Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актёри Ж.Абдимовларга «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» унвонлари берилди.

2001 йили ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси кутубхоналар Ассоциацияси томонидан кутубхоналар ишини яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Республика кутубхонасида ҳуқуқий ахборот, компьютер маркази, «Хуқуқ», «Норма» юридик ахборот базалари, «Интернет» тармоғи орқали ҳуқуқ ахборотларини олиш, электрон почта алоқаси йўлга қўйилди. Компьютер ўқув марказида кутубхона жамғармаси электрон каталоги тузилиб, ўқувчиларга компьютерлардан фойдаланиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. «Компьютерлаштириш — замон талаби», «Кутубхона ва компьютер», «Интернетда ўқиш жараёни» ва бошқа мавзуларда ёшлар кўргазмалари, «Республикаимиз кутубхоналари китоб жамғармалари ва каталогларини замон талабига жавоб берадиган даражада қайта ривожлантириш ва ташкил этиш» мавзуларида амалий семинарлар ўтказилди.

Вазирлик жойларга танлов, фестивалларнинг режалари, методик қўлланмалар, кўрсатмалар юбориб, семинарлар ўтказиш, амалий-методик ёрдамлар кўрсатиш, маданият ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, ижодий фаолиятини янада яхшилаш ишларига ҳам алоҳида эътибор берапти.

Б.Темирбоев «Ўзбекистон — ватаним маним» кўшиқлар танлов-фестивалининг Тошкентда ўтказилган янқунловчи босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Фаргона ва Қўқон шаҳарларида ўтказилган қизикчи ва аскиячилар танловида Амударё тумани маданият ишлари бўлими ходими, қизикчи Н.Ҳасанов қатнашиб, фахрли 2-ўринни эгаллади. Бошқирдистон Республикаси пойтахти Уфада ташкил этилган «Урал-Моно» туркийзабон халқлар миллий фольклор санъати бўйича танлов-фестивалида эса эстрада хонандаси М.Утамуродов 1-ўринни қўлга киритди. М.Турғунбоева номидаги Республика рақс танловида Нукус санъат коллежи талабаси Г.Аскарова фахрли диплом билан тақдирланди. Бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилиш, маданий-оқартув ишларини яхшилаш, жамоатчиликка маданий хизмат кўрсатишининг савиясини ошириш каби ишларда доимо камарбаста бўлаверамиз.

**Тамара ДАУЛЕТМУРАТОВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Маданият ва спорт ишлари вазирини



Тўлапберган ҚАИПБЕРГЕНОВ  
Ўзбекистон қахрамони

## «ҚОРАҚАЛПОҚМАН, ТАВАККАЛЧИМАН»

(асардан парчалар)

— Қорақалпоқлар ўз фарзандларига қандай муносабатда бўлишади?

— Фарзандлари 5-6 ёшга киргунча уларни эркалаб, бошларига кўтариб ўстиришади. 5-6 ёшдан 16-17 ёшгача бўлган даврда фарзандларига жуда қаттиққўл бўлиб, ҳар бир босган қадамни текшириб юришади. 16-17 ёшдан сўнгги даврда ота-она уларга худди ўз тенгдошлари каби муносабатда бўлишади. Онлави ишларда улар билан бамаслаҳат иш олиб боришади.

...

— Одамлар орасидаги қандай муносабатларни хуш кўрмайсиз?

— Қадимги юнон файласуфи Сукротнинг «Донолар ҳокимларга салом беради. Аксинча, ҳокимлар доноларга салом беришлари керак», — деб ҳаётнинг ишларидан норози бўлиб айтган фикрларини далилловчи воқеаларга дучор бўлсам, мен ҳам ҳаёт ўйинларидан норози бўлардим.

...

— Эл орасидаги: «Бу дунёга тўйимлик йўқ», «Бу дунё — одамларни бир тарафга ташиндиган поезд» деган тushunchаларга қандай қарайсиз?

— Қисқача айтганда, ёшроқ бировдан «Нега бувча кўп меҳнат қиласан?» — деб сўрасанг, у «Катта бўлганимда қийналмай, яхши яшашим учун», — дейди. Катта бўлганда, яна шу саволни берсанг: «Кексайганимда нафақани кўпроқ олишим учун», — дейди. Кексайганидан кейин: «Ҳалигача нега тинмай ишляяпсиз?» — деб сўрасангиз, «Болаларимни қатордан кам қилмаслик учун», — дейди. Орадан вақт ўтиб, энди фарзандлари вояга етди-ку, деб излаб борсанг, отаси ҳаётдан кўз юмган бўлиб чиқади. Мана шу ҳаёт фалсафасига асосланиб, юқоридаги фикрлар пайдо бўлган, менимча.

...

— Эрназар олакўз айтиб ўтган қайси васиятларни эс-

лай оласиз?

— Эрназар олакўзнинг қуйидаги уч васияти доим эсимда: «Биринчи, онамни, иккинчи, киндик қоним томан муқаддас Ватанимни, Обизамзамнинг қароматли суви каби доим чучук сувга тўлиб оққан Амударёни, учинчи, ҳар қандай қийин вазиятда ҳам халқимни, шу билан бирга балиқлари билан одамларимизни таъминлайдиган Орол денгизимни асраб қолишингизни ўтинам».

...

— Энг хасратли ўлим, деганда қанақа ўлимни тушуна-сиз?

— Оила аъзоларингдан бирининг ёш бўлишидан қатъий назар навбатидан олдин ҳаётдан кўз юмиши.

...

— «Тақдирингда азалий нима ёзилса, шунини кўрасан» деган сўзнинг маъноси нима?

— Афсона: Бир куни Сулаймон пайғамбар эшигининг олдида турганда «Ёрдам беринг! Кутқаринглари!» — деб қочиб келаётган бир одамни кўради-ю, уни орқасидаги қувғинчига ушлатмаслик мақсадида, ўзининг қаромати билан довул турғазиб, қочқинини осмонга учуриб юборади. Шу орада қувғинчи Сулаймон пайғамбарга: «Раҳмат, Сизга! Бу одам Тангри таолонинг азалий ёзмишида сувга чўкиб ўлиши керак эди. Бугун яшаш муддати тугагани учун уни мажбурлаб денгиз томонга қувсам, менга қулоқ осмай, сиз томонга қочган эди. Мана, Сиз эса Тангри таолонинг азалий ёзмишини амалга оширишга ёрдам бердингиз. Узоқ яшанг! Довул тўхтаган лаҳзада унинг ўзи денгизга қулаб ўлади», — дебди.

Ана, азалий тақдирга нима ёзилса, уша амалга ошади, дегани шу бўлса керак.

...

— Бировлар: «Китобга оёқ босма, у жонли зот» дейди. Ишонайми?

— Ишонинг! Китоб чиндан ҳам қаттиқ уйқудаги ин-

сон каби нарса. Агар уни ётган жойидан кўлингга олиб, саҳифаларини очиб қарасанг, у аста уйғонади ва сен аввал эшитмаган, билмаган воқеаларни, доноликларни ўзи сенга гапирга бошлайди...

...

— Бошқа давлатда яшайдиган бир дўстим менга «...тўғрилиб ўсган маконимни, жўра-ўртоқларимни соғиндим, маслаҳат бер», деб ёзибди. Нима дей?

— «Ташқарига чиққанда сендек бўлиб ватанини соғинишни ҳар ким ҳам билади. Агар чин элсевар бўлсанг, ўз Ватанингда қайтиб келиб, ҳар кунни эрталаб ўз элинигга, дўстларингга, атрофингга катта соғинчлар билан уйғониб, яшасанггина ҳақиқат одами бўла оласан!» деб ёзақол.

...

— Афсона Маманбийнинг кучи — асло узилмайдиган бир арқоннинг уч тили каби кўриниш, дейди. Буни қандай тушунас бўлади?

— Ўша узилмас кучнинг биринчиси, барча туркийзабонларга соқчи навкар бўлишдан ҳаёт йўлини бошлаган боболаримизнинг руҳи. Иккинчиси, ўз замонда ҳаққини шавкатли қилишга бўлган ниятининг руҳи. Учинчиси, келажак авлодларининг ўзидан ҳам ақлли бўлишига ишончларининг руҳи бўлган.

...

— Бу оламин бировлар нима учун кенг, иккинчилар нима учун тор, деб атайдилар?

— Қайси бир инсоннинг ички ўй-фикрлари бир-бирига мос келса, унга олам кенг, агар мос келмаса, олам унга жудаям тор кўринади.

...

— Дунёда қайси миллатга мансуб одамлар ақллироқ деб тахмин қилинади?

— Бундай савол бир пайтлар шоир Бердаққа ҳам берилган экан. Шунда шоир икки кўлига икки қисим тупроқ олиб, савол берган одамга қараб: «Қайси кўлимдаги тупроқ афзалроқ?» деганида, ўша киши жавоб беролмагани учун шоир кўлидаги тупроқни бир-бирига қўшибди-да: «Мана кўрдингизми, тупроқ қайси кўл қафтида бўлишидан қатъий назар, бир-бирига қўшилса, барибир тупроқ бўлиб қолаверади. Одамзод ҳам худди шундай. Инсон қайси миллатдан ва дунёнинг қайси бурчагида яшашидан қатъий назар, инсон бўлиб қолади. Унинг ақлли бўлишига миллати эмас, балки билимга чанқоқлиги, нитилиши сабабчи», — дебди.

...

— Амаддор учун энг оғир вазият нима?

— Хушомадгўй билан камчиликлари ҳақида очиқ-ойдин гапирадиган чин дўстнинг фарқи бормаслик.

...

— Мамлакатнинг кучи нимада деб ўйлайсиз?

— Бу саволга эрализгача яшаб, ижод этган Рим олим Цицерон «Фуқаролари қонун-қондаларга тўлиқ амал қиладиган давлат энг кучли давлат» деб жавоб берган. Мен ҳам шу фикрдаман.

...

— Хасис, зиқна кишиларнинг белгиларини айтиб бера оласизми?

— Бундай кишиларнинг ўзини сўксанг, хафа бўлмайди, лекин мол-мулкидан гап очсанг, шартта ёқангдан ушлайди.

...

— Раҳбар сўзининг кўчма маъноси?

— Кўл остидагилар учун ҳам ота, ҳам она деганини аниқлатади. Ҳаммага маълумки, Ота ва Она ўз фарзандларига барча нарсани тенг улашадиган энг олий меҳр эгалари.

...

— Бу дунёни қандай тушуниш мумкин?

— Бу дунё ҳар бир инсон учун ечими жуда мушкул сирли жумбоқдир. Уни ечишга нитилиш — бош билан тош йўниш кабидир. Бошингни аямай, уни ўринли ҳаракатга келтирсанггина, дунёни тушунас бўлади.



А. Сейтимбетов. «Хайкирик».  
ёгондан ишланган

# ЙИГИТ ОМОН бўлса...

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буйруғи бўйича ходимлар билан яқка тартибда тарбиявий ишлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Умумхалқ байрамларида ходимларнинг оила аъзоларини байрам тадбирларига таклиф этиш, шодиёнларни бирга ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган.

Шу билан бирга «Меҳр ва муруват йили» Дастури асосида ҳам кенг қўламли тадбирлар амалга ошириляпти. Масалан, ўтаётган йилнинг биринчи ярмида 568 нафар ходимга 7 миллион 520 минг сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди. Саломатлигини тиклаш учун ёрдамга муҳтож бўлган 73 нафар ходимга тегишли моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, вазирликнинг «Соғломлаштириш маркази»да 95 нафар ходим даво-ланиб қайтди.

Наврўз байрами, Хотира куни муносабати билан ички ишлар вазирлиги тизими фахрийлари ва хизмат вази-фасини бажариш вақтида ҳалок бўлган, саломатлигини йўқотган ходимларнинг оила аъзоларига бай-

рам дастурхони ёзилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдамлар кўрсатилди. Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар тизими фахрийларининг уйларига борилиб, ҳар бирига қимматбаҳо совғалар топширилди.

ЎЗР ИИВ ички қўшинлар Бош бошқармасининг «Турон юлдузлари» ашула ва ракс ансамбли, Тошкент

олий ҳарбий техника билим юртининг хонанда, созандалари, бадиий сўз усталари ҳарбий хизматчилар ҳамда ички ишлар идоралари ходимларининг маданий ҳордиқ чиқариш ва маърифий савиясини янада ошириш мақсадида ҳарбий қисмларда ижодий сафарларда бўлдилар.

Хизмат вази-фасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ёки ногирон бўлиб қолган ва ик-

кинчи жаҳон уруши фахрийларидан жами 28 нафар ходимга хайрия концертларидан тушган пул маблағлари ҳисобидан тўрт юз йигирма минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги шахсий таркибнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигига катта эътибор қаратган. Вазирлик тизимларидаги жами 22 та ўқув-машғулот синфларида шахсий таркиб назарий машғулотлар, 16 ўқ отиш тирида, эътилли ўқ отиш майдонларида жанговар машғулотлар ўтказишмоқда. Спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича 9, қўл жанги машғулотларини ўташга мўлжалланган 11 та спорт зали халқимиз осойишталиги посбонлари ихтиёрида. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ жамоасининг 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг XII чемпионати голиби бўлганликлари ҳам тизимда спортга юксак аҳамият берилётганидан далолатдир.



Хозирги кунда вазирлигимиз спорт залида милиция ходимлари ҳамда уларнинг фарзандлари учун «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий» Турдимурат Утегенов, эркин кураш бўйича спорт устаси Бахром Алланиёзов ва қўл жанги бўйича спорт устаси, милиция кичик лейтенанти Бериклар Жусипбеков бокс, кураш, қўл жанги, эркин кураш бўйича спорт тўғаракларини бошқаришмоқда.

2003 йилда вазирлигимизнинг Ўзбек кураши бўйича терма жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси Кураш федерацияси томонидан ўтказилган Телетурирда 1-ўринни эгаллаб, мусобақанинг олтин медалларини қўлга киритди.

Футбол бўйича 2003 йилги Қорақалпоғистон Республикаси чемпионати 1-лигасида «Динамо» жамоаси 1-ўринни қўлга киритди. Милиция подполковниги Абдулла Қутибаев устоз бўлган «Динамо» болалар ва ёшлар футбол мактаби командаси Қорақалпоғистон Олий футбол лигасида муваффақиятли иштирок этмоқда.

«Динамо» спорт жамияти 2003 йил якунларига кўра Қорақалпоғистон Республикасида «Энг яхши спорт жамияти» номинациясига эга бўлди.

ИИВ тизимидаги идораларда спорт бўйича республикамизга та-

нилан милиция ходимлари ишлаб келмоқда. Масалан, вазирлик ЖҚБ ва ТККБнинг тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Қувонбой Чимбергенов бокс ва қўл жанги бўйича спорт устаси. У бир неча бор бокс, қўл жанги бўйича халқаро турнирлар ғолиби бўлган. ППХ ва ЖТСБнинг Махсус отряди сардори, милиция кичик лейтенанти Берик Жусипбеков кураш ҳамда қўл жанги, турон кураши, эркин кураш бўйича спорт устаси бўлиб, 2002 йили Ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон Республикаси чемпиони бўлди. ЎзР ИИВ ЖООБнинг 9-сонли тергов изоляторининг спорт бўйича инспектори, ички хизмат старшинаси Тўлибой Қўчқоров эркин кураш ва қўл жанги бўйича спорт устасидир. ППХ ва ЖТСБ махсус отрядининг бўлим сардори, милиция старшинаси Тўрабай Ҳазимбетов кураш, дзю-до ва қўл кураши бўйича спорт устаси.

Халқимиз маънавиятини юксалтиришда, ички ишлар ходимларининг ватанга садоқатини эл-юрт осойишталигини таъминлашдаги иштирокини янада кучайтиришда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ички ишлар вазирликлрининг тарихини ҳамда бугунги кунини кенг тарғиб қилишда Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг «Жанговарлик ва меҳнат шухрати» музейи-

нинг ўрни алоҳида. Музей 1975 йил 7 май кунини очилган бўлиб, ҳозирги пайтда 854 та экспонат ва 2181 захира фондига эга. Шунингдек, бу ерда фахрийларнинг шахсий буюмлари, куроллари, орден-медаллари ва ҳужжатлари ҳам сақланаяпти.

Музейнинг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди, фахрийлар кенгаши бошлиғи Науризбой Тамуратов репрессия йилларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлаб, қатагон қурбони бўлган инсонларнинг тақдири ҳақида илмий излаНИШлар олиб бораёпти.

Давлатимиз хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик-тотувлик, миллатлар ва фуқаролар орасида бардамликни сақлаш, диний-экстремистлик оқимларга қарши тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадида фахрийлар иштирокида мунтазам учрашувлар ўтказилиб турилибди. Уларда бебаҳо бойлигимиз — тинчликни таъминлаш, аҳолини сергақликка қақриб, фаллигини ошириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилаяпти.

**Ж.ОТАНИЕЗОВ,**  
**Қорақалпоғистон Республикаси**  
**Ички ишлар вазирлиги**  
**матбуот гуруҳи катта**  
**инспектори,**  
**ички ишлар майори**



Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли «Орол болалари» ўқув-соғломлаштириш ва дам олиш маркази 1991 йилнинг апрел ойида Эллиққалъа туманидаги «Оқчақул» манзилида иш бошлаган эди. Ушандан бери марказда йил сайин республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларидан ҳар сменада 100 нафардан 300 нафаргача бола дам олиб, ёзги таътил мавсумини мазмунли ўтказиб келади. Кейинчалик марказ

мавсумда дам олувчилар орасида «Истеъдодларни излаймиз», «Эртақлар — яхшиликка етаклар», «Балли, қизлар!» каби турли хил кизиқарли кўрик-танловлар, саҳнавий ўйинлар ўтказилади. Булардан ташқари, болалар ўртасида шахмат-шашка, футбол, воллейбол, баскетбол, стол тенниси, югуриш ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ҳам мунтазам ўтказиб турилади. Дам олувчилар доимо тўйимли ва мазали таомлардан

## МЕҲР-МУРУВВАТ МАСҚАНИ

Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчи-ёшларининг сеvimли дам олиш масқанига айлана бориб, бу ерда дам олувчиларнинг сони ҳам ортиб бормоқда. Халққара «Экосан» хайрия жамғармаси ҳамда республика ҳукумати келишувига асосан ўқув-соғломлаштириш масқанини янада кенгайтириш мақсадида янги иншоот ва машғулот хоналарини қуриш ишлари бошланиб кетди.

1999 йил, ёзги дам олиш мавсумида АҚШнинг «Тинчлик корпуси» ташкилоти аъзолари ушбу масқанга ташриф буюриб, бир ой давомида бу ердаги болалар билан турли тадбирлар ўтказдилар, тажриба алмашиб қайтидилар. 2003 йили ушбу марказ ҳаётида яна бир қувончли воқеа содир бўлди: Эллиққалъа тумани ҳокимлиги ташаббусига кўра мазкур масқанга теплоход тўхфа қилинди. Худди шу йили Андижондаги табиий захиралардан фойдаланиш USAID дастури бўйича иш олиб боровчи компания (раҳбари Д.Жессико хоним) ходимларидан бир гуруҳи ҳам ушбу масқанда меҳмон бўлдилар. Компания ходимлари иштирокида сув, ҳаво ва экология муаммоларига бағишлаб, асфалтга сурат чизиш, акварелда расм ишлаш бўйича мусобақалар ўтказилди, голибларга турли мукофотлар тақдим этилди. Умуман, ушбу мусобақалар дам олувчилар орасида яхши анъанага айланиб қолди. Ана шундай мусобақаларнинг бири — «Орол: кеча, бугун, эртага» суратлар кўрик-танловида Нукус шаҳридаги 9-сон мактаб-интернатнинг 8-синф ўқувчиси Замира Тенгелова ҳаммининг тилига тушди. Ёш истеъдод эгаси фотоаппарат билан тақдирланди.


Ушбу масқанда ўқувчи-ёшларнинг ёзда кўнгилли дам олишлари учун барча шароит яратилган. Эллиққалъа туман ҳокимияти дам олувчиларнинг аҳволидан мунтазам хабардор бўлиб туради. Шу йилнинг ўзида Хўжайли туманидаги «Меҳрибонлик уйи»дан келган, боқувчисини йўқотган, меҳр-мурувватга муҳтож болаларга «Элтекс» акциядорлик жамиятида тикилган 300 минг кийим-бош тарқатилди. Ушбу масқан раҳбари Қурбонназар Қаляндаровни «Орол бўйи болаларининг отаси» дейишади. Устоз марказда олиб бораётган намунали ишлари учун «Қорақалпоғистон Республикаси ёшлари устози», «Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган муаллим» унвонларига сазовор бўлди.

Марказда ёшларга меҳр улашаётган мураббийлар кўпчиликни ташкил этади. Устозлардан бири — Нукус шаҳридаги 12-мактаб муаллими Мирзагул Асанова бир неча йиллардан бери ёзги таътилин шу ерда ўтказди. Мирзагул опанинг саъй-ҳаракатлари билан ҳар

бахраманд бўлишлари учун эса опа-сингил ошпазлар Марина ва Ольга Цой бор маҳоратларини намойиш этишмоқда.

2004 йилда «Орол болалари» номли ўқув-соғломлаштириш марказида ишлар 4 сменада ташкил қилиниб, 1000 нафар бола дам олди. Улар ҳаммаси ҳам меҳр ва мурувват йилида чинакам ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб, ота-оналари ва мактаб кучоғига кўтаринки қайфият билан қайтдилар.

**Жамила АЁЗБОВА,  
Мария РАИМБЕТОВА.**



# Қутлуғ билим даргоҳи

Нукус педагогика институти республикадаги энг кекса олий ўқув юртиларидан бири ҳисобланади. Институнинг 70 йиллик фаолияти давомида бу ерда кўплаб кадрлар тайёрлаб берилди. Улар орасида республика, туман ва шаҳар миқёсидаги раҳбар ходимлар,



олимлар, шоир ва ёзувчилар бор. Шунинг билан айтиш мумкин, собиқ битирувчиларимиздан уч киши: ўқитувчи Олганиёз Ҳаниёзов, ёзувчи Тўлаберген Қайипбергенов ва шоир Ибройим Юсуповлар «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий унвонга сазовор бўлдилар.

Билим даргоҳимизда ҳозирги кунда жами 5501 талаба таҳсил олмақда. Уларга 420 дан ортиқ профессор-ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда.

Институтимизда 22 та бакалаврият йўналиши ва 3 та магистратура мутахассислиги бўйича педагог кадрлар тайёрланмоқда. Ҳозирги кунда 11 та факултет, шу жумладан, сиртки ва махсус сиртки факултетлардаги 35 кафедрада ўқув-тарбия, маънавий-маърифий ва илмий тадқиқод ишлари олиб борилаёпти.

Таълим тизимини замонавий ахборот ва компютер технологиялари билан таъминлаш бўйича ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилган. Ҳозир институтда 236 компютер мавжуд

бўлиб, 7 та интернет синфи ташкил қилинган, бу синфлардаги 83 та компютер электрон почта ва интернет тармоғига уланган. Бундан ташқари «Электрон кутубхона» ҳам ташкил қилинган бўлиб, ундаги 10 та компютер БМТ истиқбол дастурининг UZSCINET лойиҳаси ёрдамида Интернетга бепул уланган. ДТС билан бевосита боғланган «Масофавий таълим» тармоғи ҳам ишлаб турибди.

Институт фан кабинетлари, ўқув ва илмий лабораториялар зарур жиҳозлар ва ашёлар билан тўлиқ таъминланган. Физика, касбий таълим, биология, химия йўналишлари бўйича 21 та ўқув лабораториялари, ёғоч, темир ва тикувчилик устахоналари, тажриба-ишлаб чиқариш ва археология майдончалари талабаларнинг назарий билимларини амалга татбиқ этишларида муҳим аҳамиятга эга.

Институт профессор-ўқитувчилари чет эл жамғармалари билан ҳамкорликка ҳам катта эътибор бермоқдалар. «Устоз» фонди орқали профессор-ўқитувчиларимиз Канада, Буюк Британия, АҚШ, Исроил, Россия каби давлатларда малака ошириб қайтдилар. Шу йилнинг 15 июнидан 15 июлига қадар FOCUS халқаро ташкилоти ёрдамида АҚШнинг турли ўқув юртиларидан 9 нафар талаба институтимиздаги тенгдошлар билан ҳамкорликда амалий дарслар, тренинглар ўтказдилар. АҚШ тинчлик корпусининг волонтери Пол Файгенбаум талабаларимизга инглиз тилидан сабоқ бермоқда. Умумий физика кафедраси ўқитувчиси, физика математика фанлари номзоди Б.Явдов 2003 йили НАТО грантига сазовор бўлди ва Англияда бир йиллик илмий ама-

лиётни ўтаб келди. Уларнинг илмий-тадқиқод ишлари каторида Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар марказининг фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқод гранти ҳисобидан бажарилаётган илмий ишлар ҳам борлиги қувончлидир. 2000-2002 йиллар давлат бюджетидан 3 та лойиҳа бўйича умумий нархи 6.392000 сўмлик илмий-тадқиқод ишлари бажарилган бўлса, 2003 йили фан ва технология маркази танлови ғолиби бўлган 8 та мавзу бўйича ҳар йилига 21000000 сўмлик илмий-тадқиқод ишлари олиб борилди. Мавзуларнинг 7 таси 2003-2005 йилларга ва 1 таси 2003-2007 йилларга мўлжалланган. 2004 йили НДПИ ёш олими т.ф.н. М.Сарибаевнинг тадқиқод лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фан ва технология маркази танлови ғолиби бўлди. Мавзу 2004-2006 йилларга мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури»да белгиланган вазифалар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 157-сонли қарорини бажариш юзасидан ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, институтда 30 та талаба иктидорли ҳисобланиб, алоҳида ўқув режаси ва дастури бўйича таълим олмақда. Аспирант Гавҳар Патуллаева 2000-2001 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиаси соҳибаси бўлди. 2003-2004 ўқув йилида ҳам 1 нафар талаба Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиасини олиб бошлади.

Талабаларимиз республика миқёсида ўтказиладиган турли кўрик-танловларда мунтазам қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Институт ходими Мақсод Утемуратов Ўзбекистон ёш

эстрада хонандаларининг «Нихол» танловида иштирок этиб, голиб чиқди ва Қорақалпоғистонда бу мукофотнинг биринчи совриндори бўлди. Дилфуза Беқимбетова ҳам «Нихол» мукофотини олишга эришди.

Институтимизнинг «Турон» жамоаси 1999-2000 ўқув йилида олий ўқув юртлири орасида ўтказилган «Кувноқлар ва зукколар» танловида биринчи, 2003 йили Жиззах шаҳрида ўтказилган финал баҳсида эса иккинчи ўринни эгаллади.

Ўқув юртимизда малакали спортчиларни тайёрлашга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда институтимизда 3 та спорт устаси, 9 та спорт усталигига номзод, 6 та Ўзбекистон чемпиони, 38 та Қорақалпоғистон чемпионлари таълим олмақдалар. Талабаларимиз Ўзбекистон, Қорақалпоғистон миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. 2004 йили «Талаба» спорт уюшмаси томонидан ўтказилган волейбол мусобақасида спортчи қизларимиз фахрли учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали соҳиби бўлдилар.

Институтимиз жамоаси ватанизмнинг келажаги бўлган ёшларни комил инсонлар қилиб тарбиялаш учун бор имкониятларини ишга солиб фаолият кўрсатмоқда.

**Гулмирза ҚУРБОННЇЗОВ,**  
маънавият ва маърифат  
ишлари бўйича проректор,  
доцент



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Бердак номли Давлат мукофоти совриндори, ҳайкалтарош, академик Жўлдосбек оға Қуттимуродов ҳақида гапирганда унинг қиёфаси ва кўнглини, ҳаёти ва ижодий фаолиятини унвонлар орқали эмас, Қорақалпоғистон деб аталувчи қадим тупроқда туркий ажодларнинг кўз илгамас кентликларида, тошқин Амударё, кўз ёшларидан туз майдонларига айланган Орол денгизи, бағри алам ва армонлардан чандикларга тўла Ер курраси, дарогон Қуёш, қумушланиб, юлдузлар оламига бобгон бўлгандай тўлишаётган Ой орқали яхшироқ таний оламин.

Истеъдод... Илоҳий истеъдод унинг руҳиятида ўзи туғилмасдан олдинроқ пайдо бўлган бўлса, ажаб эмас...

Қорақалпоғистонда 1960 йилларда илк намуналари пайдо бўлган замонавий ҳайкалтарошлик илдиизи аслида халқ хаваскорлиги санъатида бориб тақалади. 1969 йили Тошкентда кўрғазмага қўйилган асарлар орасида, айниқса, Жўлдосбек Қуттимуродовнинг ёғочдан ишланган ҳайкаллари ўзига хослиги ва борлиқни шоирона ҳис қилишдаги бетакрорлиги билан ажра-

## СИРЛИ ОЛАМ СОҲИБИ

**Жўлдосбек Қуттимуродов 70 ёшда**

либ турарди.

Қуттимуродов яратган ҳайкаллари кузатар экансиз, чинакам мўъжизага дуч келгандай ҳис этасиз ўзингизни. Ёғочдан йўниланган инсон вужудининг турли хил шаклларидан ҳосил бўлган туйғулар уйғунлиги бутун борлигингизни гўё шеърият сеҳри каби қамраб олади. Қуттимуродов асарларидаги образлар туйғуларнинг ҳайратомузлиги, ўзига хослиги билан сизни маҳлиё этиб қўяди.

Жўлдосбек оға ва унинг ажодлари кўчманчи ўтган. Ота уруғидан бобосининг исми Жонтой, она томонидан бобосининг исми Орзи оға эди. Орзи дуррадгор уста бўлиб, кегай ёғочидан аравалар ясарди. Она уруғидан бўлган бувиси Болмон — уста гиламдўз, наматга бетакрор нақшлар битарди. Жўлдосбекнинг отаси Қуттимурод асли Қозоғистоннинг Оқтўба вилоятида туғилган.

1930 йили бўлажак рассомнинг ота-оналари Қорақалпоғистонга кўчиб келишади. Ана шу ерда, Кегайли туманида 1934 йили Жўлдосбек дунёга келади. У расм чизиб бўйича илк сабоқни мактаб деворий газеталарини безаш жараёнида олди. 1956 йили Жўлдосбек Тошкентга келади ва республика рассомлик билим юртига ўқишга қиради. Бўлажак ҳайкалтарош тасвирий санъат бўлимини муваффақият билан тугаллайди.

У педагог А.П.Лунев раҳбарлигида «Уч илҳом» деб номланган диплом ишини яратди. Оппоқ ҳарир кийимдаги уч қиз тасвирий санъат, шеърият ва мусиқани рамзий маънода ифода қилади.

«Шеърият» ва «Мусиқа» ўтирган кўйи, «Тасвирий санъат» эса бор бўй-бас-ти билан тик турган ҳолда акс эттирилган. Уларнинг юз кўринишлари ҳам ўзига хос — осийча.

Жўлдосбек Қуттимуродов Тошкент театр ва рассомлик институтининг тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва кулолчилик бўлимида таҳсил кўрди, сўнгра Нукусга қайтди. Маҳаллий нашриётда бадий муҳаррир бўлиб ишлади. Қизгин ижодий иш унга тинчлик бермас, доимо ҳаёли шу билан банд эди.

1985 йилда Тошкентдаги Фафур Фулом номидаги нашриётда «Замондошимиз» туркумида босилиб чиққан баённомада таъкидланганидек, Жўлдосбек Қуттимуродов дастлаб тасвирий санъатда ўз кучини синаб кўради, қорақал-

поқ қизларининг туркум портретларини ва қатор табиат манзарасдан композицияларини яратади. У яратган қизлар портретларида боқий гўзалликнинг теран лирик ифодасини ҳис этиш мумкин.

Илк машғулотлар чоғидаги муваффақиятсизликларга қарамасдан, Жўлдосбек ҳайкалтарошлик соҳасида ҳам тинимсиз ишлайверди. Унинг «Ёш аёл боши» деб аталган ихчамгина ёғоч ҳайкали Тошкент кўрғазмасига жўнатиладиганда, Ўзбекистон Давлат санъат музейи ҳайкални сотиб олади. Бу муваффақият санъаткорнинг ўзига бўлган ишончинчи мустаҳкамлайди. Қорақалпоғистон санъат музейининг директори И.В.Савицкий унга ёғочдан бир неча совға буюмлар тайёрлашни топширади ва уларни музей фондига сотиб олади.

1966 йили Жўлдосбек Қуттимуродов Қорақалпоғистон Давлат санъат музейига таъмирчи-рассом бўлиб ишга киради ва ҳозиргача шу ерда фаолият кўрсатмоқда.

80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, у ҳар йили Қорақалпоғистон ва Ўзбекистон санъат кўрғазмаларида мунтазам иштирок эта бошлайди ва бошқа истеъдодли ҳайкалтарошлар билан қардош республикалар ва мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги санъат кўрғазмаларида она юрти санъати муваффақиятларини тарғибташвиқ этади. Тошкентда бўлиб ўтган Қорақалпоғистон адабиёти ва санъати кунларида намойиш этилган ёғоч ҳайкаллар туркуми учун Жўлдосбек оғага 1969 йилда Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти берилади. 1974 йилда эса, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвони билан тақдирланади. 1977 йил Жўлдосбек Қуттимуродов Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг Қорақалпоғистон бўлими раиси лавозимига тайинланади. 1979 йилда саломатлиги туфайли у уюшмадаги маъмурий ишни қўйиб, музейга қайтади ҳамда бутун кучини ижодий ишга сафарбар этади.

Жўлдосбек Қуттимуродов ижоди халқчиллик руҳи билан йўғрилган. Унинг қорақалпоқ ва ўзбек маданияти, этнографияси ва халқ ижоди заминидан пайдо бўлган ижоди миллий муҳит таассуротлари ва образларидан озиқланади.

Мен Жўлдосбек оғанинг истеъдоди, санъатга муносабати, эстетик диди ва идеаллари тўғрисида кўп ўйлар эдим. У яратган қиз ва аёллар образларида мажозий маъно мужассамлашиб, маҳаллий табиат манзаралари билан уйғунлашиб кетгандир («Амударё», «Шамол» ҳайкаллари). Унинг тасаввурини эпик ҳикоятлардаги қаҳрамонлар ҳаяжонга солади. Санъаткорнинг ёғоч асарлари ҳамиша ўзига хослиги, қиёфаларнинг бетакорлиги билан ажралиб туради.


Олтиминчи йилларнинг охирларида Жўлдосбек ҳайратангез асарлар яратади. «Орзу» ёки «Қизнинг боши» аундай асарлардандир. Мазкур ҳайкалда санъаткор қаҳрамон кўзларини аялти кесма тарзда, чуқур ўйимтиқ ҳолатда ифодалади. Қизнинг қатта-қатта ва бир оз гамгин кўзлари тубсиз кўриниши ҳамда маънодорлиги билан томошабинни лол қолдиради. Қадимий ҳайкалтарошлар қаҳрамоннинг кўз қорачиларини қимматбахо тош қадаш ниётида чуқурроқ олишарди. Қуттимуродов қимматбахо тошлар қадамаган ҳолда кўз қорачиларининг таъсири ифодасини кашф этишга муваффақ бўлади.

1970 йили рассом «Ниҳол» деб аталган ҳайкални ниҳоясига етказди. Бу Қуттимуродов ижодида яланғоч аёл қиёфасини беришда илк ижодий тажриба эди. Ҳайкал ўлчамларининг мутаносиблиги, чеҳраси, гуллаб-яш-

наган онларининг бетакорлиги билан ниҳоятда гўзал. Образ гўё кўк сари, қуёш сари, нур сари талпинаётгандай туюлади. Санъаткор бундан кейин яратган аёллар образларида ҳам гўзаллик ва улғуворлик туйғуларини уйғун тарзда талқин этади.

Жўлдосбек Қуттимуродовнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳали тўла ўрганилмаган, танилмаган, топилмаган, тадқиқ қилинмаган бир ҳазина. Мен шундай улғу истеъдод соҳибни, ҳам оддий, ҳам буюк инсон билан замондош эканимдан фахрланаман.

**Гулистон МАТЁҚУБОВА,**  
**Қорақалпоғистон халқ шоири**



**Иброҳим ЮСУПОВ**  
**Ўзбекистон қаҳрамони**

**Айт, сен Ажиниёз қўшиқларидан,**  
**Илғасин ёр ишқи бағрин тешганлар.**  
**Бўзасин юртидан айро тушганлар.**  
**Айт, сен Ажиниёз қўшиқларидан.**

**Созин сабо ёдлаб, сўзин ел билган**  
**Бир шoir дунёга келди-ю кетди.**  
**Мажнунтоғ ортидан ойга термулган**  
**Бир дилбар тушимга кирди-ю кетди.**

**Қўшиқ дарё-дарё нур бўлиб оқсин,**  
**Севгисиз қалбларга ишқ ўтин ёқсин.**  
**Қиз ингитга жилва-ноз билан бексин.**  
**Айт, сен Ажиниёз қўшиқларидан.**

**Айт, сен «Бўзатов»ни нағмага солиб,**  
**Дил ёнмаганининг бағри тош бўлсин.**  
**Қорақалпоқнинг кўхна дарди кўзголиб,**  
**Бу кунга боққани сари маст бўлсин.**

**Шoir кезган чўлда бўстонлар қатор,**  
**Бекор бўлиб кетди замон нобакор.**  
**Бир илҳом парисин қўшқларим нишакор.**  
**Айт, сен Ажиниёз қўшиқларидан.**

**Мен уни тингласам — қолмай тоқатим,**  
**Кўнглимда сайраган мастона булбул.**  
**Мен уни тингласам — туққан элатим**  
**Ер жаннат бўлиб кўрингай буткул.**

**Ёндузларни ерга қаратмоқ бўлсанг,**  
**Ёмон шoirларни уялтмоқ бўлсанг,**  
**Агар мен ўлганда тирилтмоқ бўлсанг,**  
**Айт, сен Ажиниёз қўшиқларидан.**

**Абдулла ОРИПОВ таржимаси**

Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқида «...Халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда аввало уларнинг ҳаҳон та-

йналиши бўйича бакалавр, 26 мутахассислик бўйича магистрлар тайрланаяпти.

Мустақиллик йилларида кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берила бошлади. Дунё стандартлари даражасига мос мутахассисларни тайёрлаш учун замон талабларига жавоб бера оладиган бой моддий-техник база вужудга келтирилди. Ҳозирги кунда университети-

## Мақсадимиз — етук мутахассислар тайёрлаш


лаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият зами-нида қурилганига асосий эътибор бериш керак», деб таъкидлаган эди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоасининг асосий мақсади — дунё стандартлари даражасига мос мутахассисларни тайёрлаш. 1997 йили қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири олдига катта вазифаларни қўйди. Ушбу масалалардан келиб чиққан ҳолда бугун университетимизда таълимнинг узлуксизлиги тўла таъминланди, деб айта оламиз. Бу масалалар академик лицей, бакалаврият, магистратура, аспирантура ва докторантура орқали тўлиқ амалга оширилаяпти.

Ҳозирги кунда университетимизда 16 та факультет ва 1 та бўлим, 49 та кафедра, 2 та академик лицей, бизнес мактаб мавжуд бўлиб, таълим жараёнига 600 га яқин профессор-ўқитувчилар жалб қилинган. Улардан 4 та академик, 40 нафар фан доктори ва профессорлар, 170 дан ортиқ фан номзодлари ва доцентлар илмий-педагогик ишларни олиб бормоқдалар.

Университет ўқув жараёнига Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг олимлари, республикамиз олий ўқув юртлирининг профессор ва доцентлари, ишлаб чиқариш корхоналарининг етакчи мутахассислари жалб қилинган.

Бугунги кунда университетимизда таълимнинг 36



мизда 583 та компьютер бўлиб, улардан талаба ёшлари-миз ўқув жараёнида самарали фойдаланмоқдалар. Бу-нинг учун 24 та компьютер хонаси жиҳозланган бўлиб, 298 компьютер интернет тармоғига уланган.

Дарсларни илғор педагогик ва информацион техноло-гиялар асосида ўтишни ташкил қилиш учун тинмай из-ланиш олиб бораямиз. Муаммоли маърузаларни ин-терактив усулда амалий ва компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтилмоқда. Амалий машғулотлари-ни олиб бориш услублари бўйича тренерлар раҳбарли-гида амалий-услубий, мавсумий семинарлар ташкил қилинаяпти.

Ўқув жараёнини Болонья Декларацияси принципла-рига босқичма-босқич мослаштириб бориш, келажакда унга қўшилиш, яъни ўзимиз тайёрлаган мутахассислар дипломлари, илмий унвонларининг бошқа мамлакатлар-да тан олиншига эришиш борасида мунтазам иزلана-яямиз. Шу мақсадда хориж олимларини университети-миз ўқув жараёнига жалб қилмоқдамиз, профессор-ўқитувчиларимиз малакасини ошириш, дунё таълим тажрибаларини ўрганиш учун чет эл сафарларига юб-оришни мунтазам тарзда йўлга қўйганмиз.

Университетимизда талабаларнинг дасрлик ва қўллан-малардан самарали фойдаланишлари учун қўлай шаро-итлар яратилган. Айни вақтда университет фундаментал кутубхонаси фонди 477200 дан ортиқ адабиётга эга. Кейинги йилларда халқаро жамғармалар ёрдамида ку-тубхонамизга турли соҳалар бўйича 4298 нусxada ада-биётлар олинди. Электрон кутубхонамизга 298 та ма-гистрлик диссертацияси, 1035 бакалавр мутахассислиги бўйича битирув малакавий иши, 23118 электрон адаби-ётлар каталоги ва фанлар бўйича 7538 нусxada маъруза матнлари киритилган. Хар бир талаба ўзини қизиқтир-ган масала бўйича кутубхонамизнинг ўқув залларидан, кафедра, факультет компьютер хоналаридан, мавжуд интернет тармоғидан бемалол фойдаланиш имконияти-га эга.

Фан ва таълимнинг чамбарчас боғлиқлиги — уни-верситетимиз ўқув жараёнини ташкил қилувчи асосий принципларининг бири. Олийгоҳимизда илм-фаннинг ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган. Кейинги йилларда университет олимлари томонидан 20 дан ор-тиқ монография, 23 та илмий тўплам, 1270 дан ортиқ ил-мий мақолалар эълон қилинди. Университет кафедрала-



рида халқаро муносабатларни кенгайтириш ва таълим соҳасида чет эл грантлари бўйича илмий ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Евразия, Сорос жағфармалари, ЮНЕСКО, НАТО, Япониянинг ЛСА ташкилоти ва INTAS дастурлари асосида 26666 экю ва 134994 АҚШ доллари миқдоридида илмий назарий ишлар олиб борилди. Бу ишларнинг натижалари ишлаб чиқаришда фаол қўлланилмоқда. Сўнги 5 йил ичида университетимизнинг 9 нафар профессор-ўқитувчиси докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Бир гуруҳ олимларимиз «Устоэ», ДААД, АКСЕЛС, «Истеъдод» жағфармаларининг қўллаб-қувватлаши билан АҚШ, Буюк Британия, Канада, Швеция, Исроил, Германия, Туркия, Хитой, Корея, Малайзия ва бошқа хориз жағфармалари олий ўқув юртлири ҳамда илмий марказларида ўз мутахассислиги бўйича малакаларини ошириб келдилар. Шунингдек, бу жағфармалар олий ўқув юртлирида талабаларимиз ҳам билим олмақдалар. Университетимизнинг меҳнат жамоаси АҚШнинг Мичиган, Германиянинг Бонн ва Киль, Россиянинг Москва, Красноярск, Санкт-Петербург шаҳридаги И.П.Павлов номидаги РИА физиология институти, Украина миллий университети, Кибернетика ва Математика институтлари каби 20 га яқин олий ўқув юртлири, илмий марказлар билан шартнома асосида ишлаб келмоқда.

Кадрлар тайёрлашнинг энг зарур соҳаларидан бири бўлган маънавият ва маърифат ишларига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.

Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги аҳамиятли саналарни нишонлаш, юрт мустақиллиги учун курашган тарихий шахсларнинг, илм ва маърифат ривожланганига юксак ҳисса қўшган фидойи инсонларнинг юбилей кечаларини ўтказиш университетда аънамага айланган. Буюк аждодларимиз — Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ат-Термизий, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Бердақ, Ажиниёз, Огаҳий, Фафур Фулом таваллудларига бағишлаб ўтказилган анжуманлар талаба ёшларимиз онгида ўчмас из қолдириши шубҳасиздир.

Инсоннинг маънавий дунёсини тарбиялашда бадий адабиёт алоҳида ўрин тутаети. Ижодкорлар иштирокида адабий кечалар ўтказиш ёшларимиз онги, дунёқараши, дидини ўстиришда муҳим ўрин тутаети. Бунинг исботи сифатида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов би-


лан университетимиз профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг учрашувини эсга олишимиз жоиздир.

Президентимиз Ислам Каримов «Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тез танита олмайди», деб айтган. Олийгоҳимиз спортчилари сафи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Улар орасидан дунёга машхур спортчилар етишиб чиқаяпти. Спортнинг оғир атлетика тури бўйича Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилган олимпиада ўйинларида, Туркиянинг Измир шаҳрида ўтказилган талаба ёшларнинг жаҳон чемпионатида, Пушан шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида, Милан шаҳрида бўлиб ўтган талаба ёшларнинг жаҳон чемпионатида юқори ўринларни эгаллагани учун университетимиз талабаси Б.Нуриллаевага 2003 йили «Ўзбекистон ифтихори» унвони берилди. Жисмоний тарбия факултети талабаси Г.Қаниёзова Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида хотин-қизлар орасида ўтказилган миллий кураш чемпионатида, П.Ўразимбетов Тожикистоннинг Душанба шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида эркин кураш бўйича фахрли 2-ўринни эгалладилар. «Умид ниҳоллари — 2003» спорт ўйинларининг олтин медали соҳиби Н. Хўжабоев Россиянинг Твер шаҳрида миллий кураш бўйича ўтказилган мусобақада жаҳон чемпиони бўлди. А.Ешетаев Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида эркин кураш бўйича чемпионликни қўлга киритди.

Университетимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талабаларнинг яхши ўқишига қўлай шароитлар яратиш, ўқув бинолари ва талабалар уйлари таъмирлаш ишига 2004-2005 ўқув йилида 20000000 сўм атрофида маблағ ажратилди.

Жамоамизнинг ҳар бир аъзоси университет ишларининг яхши йўлга қўйилишига ҳаракат қилиб келаяпти, унинг ҳар қандай муаммоларини ечишга интиломда. Чунки университет етиштирган мутахассислари билан элнинг, миллатнинг, инсонларнинг келажак тақдирини таъминлашга хизмат қилади.

**Қувонишбой ЎТАНИЁЗОВ,**  
Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат  
университети ректори, профессор



Қорақалпоқ элининг машҳур «Гулолимботир» ва «Қирққиз» достонидаги жасур, доғурак қизларнинг Ватан, юрт тинчлиги учун кўрсатган жасоратлари эл аро машҳурдир. Бугунги кунда ҳам бу юрт хотин-қизларининг фидойийликлари мақтовга сазовордир.

Қорақалпоғистонда «Қирқ кампир» деб ном олган онахонлар жамоаси бор. Улар амалга ошираётган ишларга оддий қилиб, «одамгарчилик» дея таъриф бериш мумкин. Сабаби, улар бир-бирларининг ҳолларидан хабар олиш, муҳтож оилаларга ўз маблағларидан ёрдам бериш, эл-юртнинг тўй-хашамларида иштирок этиб, уларнинг кўрпа-тўшакларини қавиш каби ишларга беминнат хизмат этиб келмоқдалар.

Тумандаги «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ахволларидан мунтазам хабар олиб, уларга кийим-бош, совға-саломлар улашадилар. Болалар, айниқса, улар ўз қўллари билан ёпиб келган кулчаларни жуда хуш кўришади.

Эски шаҳардаги «Қобилжон бобо» зиёратгоҳи қуриб битказилганда эса

ҳам, албатта, кампирларнинг вакиллари иштирок этади. Уларнинг жонкуярлиги туфайли қанчалаб тўймаъракалар кўнгилдагидек ўтмоқда, ёш оилалар ажралиб кетишдан сақлаб қоляпти.


Ўзгалар ғамини еяётган кампирлар ўзларини ҳам унутишаётгани йўқ. Улар туман ижтимоий таъминот бўлими билан мустаҳкам алоқа боғлашган.

— Мен бу онахонларни знам Зиёда момо орқали жуда яхши билман. Улар даврасида кўп бўлганман, — дейди ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Роза опа. — Бажарадиган ишларимиз ҳам ўхшаб кетади. Уларнинг ҳам, бизнинг ҳам мақсадимиз ягона: муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш.

Биз уларга Товоқсой, Олтиариқ,



## Манаб тичмас кампирлар



Косонсой, Тахиатошдаги сихатгоҳларга тез-тез йўлланмалар бериб турамиз. Улар етти мартаба Туркистонга — Аҳмад Яссавий зиёратига бориб келишгани учун бизни мудом дуо қилишади.

Ҳа, кексайган чоғида ҳам эл-юрти кунига яраётган, эл ардоғидаги қарияларга ҳар қанча хавас қилсақ, арзийди. Зеро, ёш улғайганда ҳам одамларга керак бўлиб, доимо атрофдагиларнинг оғирини енгил қилиб яшаш инсонга хузур бахш этади.

**Зулайхо БЕКМУРОВА,**  
«Аму тонги» газетаси муҳбири

бу онахонлар 50 та кўрпача тикиб, савоб учун ушбу даргоҳга топширдилар.

Пиру бадавлат бу кампирларнинг энг каттаси 84 ёшда. Улар ҳудуддаги кам таъминланган оилалар фарзандларига ўзлари бош бўлиб тўй қилиб беришади.

Хўжайлида бирор тўй бўладиган бўлса, «Қирқ кампир» учун алоҳида «қўноқ жой» тайёрлаб қўйилади. Улар тўйга кўнгилларидан чиқариб тўёна билан боришади. Бундан ташқари лапарлар айтиб, рақс тушишади — тўйга файз бағишлашади.

Овулларда бўладиган йигинларда



# «Қирқ қиз» достони



Суратни Гулзор СУЛТОНОВА чизган

«Қирқ қиз» достони дунё адабиёти хазинасидаги ўрин олишга арзғулик дурдона асарлардан биридир. Достон 1939-1940 йиллари Атоқли Курбоний жировдан ёзиб олинган. 1949 йили босмадан чиким, асар ўзбек, қозоқ, туркман тилларида ҳам босилган. Достон айрим чет тилларига ҳам ўширилган. Унда қорақалпоқ халқининг боққинчиларга қарши озодлик кураши, халқнинг озод, бахтли ҳаёт орзу-тилаклари, тўғилган ерга, элга муҳаббати билан пардаларда куйланган.

Халқнинг ерга қарши кураши, унинг келажак учун ҳам фидойи бўлиб яшаш достон қахрамонларининг шарафли фарзандлик вазифаси сифатида кўзга ташланади. Суртойша келиб, Саркон элини бузеунчиликка даъват этганда, воқеани хабар топган Гулоийм Қурайшдан қолган қалқ мақдирини ўқиб, халқнинг кўз ёш тўкишини истамайди. Суртойшадай ёвуз кушларга қарши кураш олиб боради. Халқ учун жонини фидо қилишга тайёр турган Гулоиймни «халқ учун ўлсам, армоним йўқ», деган ғоя руҳлан-тириб туради.

Гулоийм бошлаган 40 қиз «Суртойша қулида кетган халқ учун жонини ўтга ёқиб» курашишга оид ичадилар. Достонда биргина Гулоийм эмас, унинг содиқ дўстлари ҳам душманга қарши курашиб, халқ учини оламиз, деб аҳд қилишади. Воқеанинг бош ғоявий мазмуни замирида Гулоийм, у бошқарган 40 қиз туради. Гулоийм бошлаган қирқ қиз ташқи душманга қарши курашади, эли озод этиб, ўйлаган мақсадларига етадилар.

Гулоийм билан хоразмлик йигит Арслон орасидаги соф муҳаббат, уларнинг халқ душманларига қарши кураши, Суртойшанинг элидаги одамларга нисбатан Гулоиймнинг инсоний қарши тўрт эл вакилларининг бошини бирлаштиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, «Қирқ қиз» достони — халқимизнинг бебаҳо мероси. Дарҳақиқат, достон халқимизнинг бой адабий мероси сифатида дунёга танилди. Достондаги Гулоийм, Сарконидай жасур қизларимизнинг кийган совути, бош кийимлари ҳозирда қорақалпоқ халқининг миллий бош кийимлари ҳисобланади.

"Халқ соғлиғи — эл бўлиғи" деган деган ҳикматли сўзни ўзларининг шиори қилиб олган Қорақалпоғистонлик тиббиёт ходимлари мустақиллик даврида экологик қийинчиликлар ҳужумини мардондор ёнгиб яшаётган юрт аҳлининг соғлиғини мустаҳкамлаш вазифаларини мунтазам равишда সিққидилдан бажариб келмоқдалар. Бу ишларда республика-мизнинг тўрт мингга яқин шифокор мутахассислари, 15 ми-гдан зиёд ўрта ходимлар, 20 миғга яқин кичик тиббиёт ва бошқа ҳўжалик ходимларимиз Қорақалпоғистоннинг 1 млн. 560 миғга яқин халқи хизматига камарбаста бўлмоқда.

Қишлоқ одамларига яқин-яқинларгача кўп босқичли тиб-бий хизмат кўрсатиб келган муассасалар халққа янада яқин-лашиб, эндиликда биринчи тиббий санитария ёрдами кўрса-

даволаниши учун зарур шароитлар яратилди. Бу йил 7 та ту-маннинг марказий шифохоналарида гез ёрдам бўлимларини таъмирлаш, жиҳозлаш учун 71 млн. сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда айни вазифалар тўла бажарилган. Республика кардиология диспансери, Республика ўспирин-ёшлар Маркази ва I Республика рухий-неврологик касалликлар диспансерида таъмирлаш ишларига 270 млн. сўм маблағ аж-ратилиб, ҳозир вақтга келиб, юмушлар якунига етказил-моқда.

2002—2003 йилларда "Чегарасиз шифокорлар" халқаро ташкилоти ва Швейцария ҳукуматининг ёрдамлари билан Республика сил касаллиғи диспансерида таъмирлаш ишлари олиб борилди. "Она ва бола" саломатлиқни реабилитация

## ХАЛҚ ХИЗМАТИГА КАМАРБАСТАМИЗ



Марьяш ТУРИМБЕТОВА,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
соғлиқни сақлаш вазири

тиш билан шуғулланадиган, энг сўнгги тиббий асбоб-ускуна-лар билан талаб даражасида таъминланган, санитария-ги-гиена нормативларига мос келувчи, хизмат жараёнида зарур ва етарли қўлайликларга эга бўлган қишлоқ шифокорлик пунктлари ташкил қилинмоқда.

Республикамиз ҳудудидаги барча қишлоқ шифокорлик пунктлари Жаҳон Банкнинг "Саломатлик — 1" лойиҳасига киритилди ва ҳар бир қишлоқ шифокорлик пунктига 20—25 млн. сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ажратилди, ҳозирги пайтда уларни жойлаштириш, ишга тушириш жараёни олиб борилмоқда. Шу билан бирга, барча туман марказий шифо-хоналари УЗИ ва эндоскопия, лаборатория полихисналарни аниқлашда зарур бўладиган ускуна-жиҳозлар, УАЗ санитар автомашиналари билан тўлиқ таъминланди. Улар ҳозирги кунда халқ соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида хиз-мат қилмоқда.

"Умумий амалиёт шифокори" мутахассислиғи бўйича етук кадрлар тайёрлаш мақсадида Нукус шаҳридаги Тошкент Пе-диатрия институтининг филиалида "Тиббий ўқув маркази" очилди. Нукус шаҳар 4-поликлиникаси ҳамда шаҳар болалар поликлиникалари негизида 10 миғ одамга биринчи тиббий-санитария хизматини кўрсатувчи оилавий поликлиникалар ташкил қилинди, уларда иш олиб бориш учун оқсак тиббий маҳоратга эга бўлган мутахассислар ажратилди. "Шифокор-лик — ўқув марказида" ўтган йилнинг сентябр ойида бирин-чи тиббий-санитария муассасаларида йилгилан 25 нафар шифокор иштирокида 10 ойлик ўқув бўлиб ўтди.

Республика Соғлиқни сақлаш Вазирилик даволаш-профи-лактика муассасаларининг моддий-техника базаларини муста-ҳкамлаш ишларига алоҳида эътибор билан қарамоқда. Фақат сўнгги икки йилнинг ўзида О.Холмуратов номидаги I Республика шифохонасининг биринчи корпусида 350 млн. сўмлик қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Респу-блика тез ёрдам Марказининг Нукус филиали I-II корпуслари ҳам таъмирланиб, қайта жиҳозланди. Ҳозирги вақтда бундай ишлар шу муассасанин III корпусида амалга оширилмоқда. Марказнинг "Тез ёрдам" бўлимига бюджетдан ажратилган 10 млн. сўм ҳисобига алоҳида бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Марказнинг Эллиққалъа, Тўрткўл, Беруний, Қўнғирот, Чим-бой туманлари филиаллари таъмирланди. Уларда беморлар

қилиш шифохонаси ўрнида сил касаллигининг кимётерапия, дори-дармонларга чидамли асосий микроби турларини да-волаш учун 50 ўрнлик II Республика сил касаллиғи шифо-хонаси очилди. Ушбу шифохонанинг очилиши маросимда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори док-тор Чон Вук Лининг иштирок этиши улкан тарихий ва сиёсий аҳамиятли воқеага айланди.

1- ва 2- Нукус тиббиёт билим юртлири, Тўрткўлдаги тиб-биёт ўқув юрти 1999—2002 йилларда давлат дастурига муво-фиқ тиббиёт коллежларига айлантирилди. Эллиққалъа тиб-биёт билим юрти 2004 йил Наврўз байрами арафасида янги бинога кўчиб ўтди ва унга тиббиёт коллежи мақоми тақдим этилди. 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб, Ҳўжайли шаҳрида ҳам тиббиёт коллежи ишга туширилди ва унда 3 мутахассис-лик бўйича 200 талаба ўқиш бошлади.

Нукус тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш институтида 2003 йил 1880 нафар, жорий йилнинг ўтган 6 ой ичида 1208 нафар ўрта тиббий ходимлар ўз мута-хассисликлари бўйича малака оширишди. Утган йили 10 на-фар мутахассисимиз Москва, Украина Республикаси шифо-хоналарида ишлаб, ўз тажриба ва малакаларини ошириб келган эди. 2004 йилда яна 10 нафар ақушер-гинеколог, ре-аниматологларимиз Харьков шаҳрига тажриба алмашинув, малака ошириш учун юборилди.

Республикамиз шифокорлари оналик ва болалиқни му-фоҳаза қилиш, бемор она ёки болани даволаш, соғломлаш-тириш, улар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш, соғлом авлод туғилиши, воғга етиши учун гамхўрлик қилиш-ни ўзларининг бош вазифаларидан ҳисоблайдилар. Респу-бликамизда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва-зирлигининг ақушер-гинекология илмий-тадқиқот институти-нинг Нукус филиали ва туман шифохоналари таркибида туғруқхона мажмуалари ишлаб турибди. Уларда туғиш ёши-даги аёлларда исталмаган ҳомиладорлиқнинг олдини олиш, ҳомиладорлик, туғиш жараёни ва бўшангандан кейинги даврда олий сифатли ақушер-гинекологик ва неонатологик тиббий ёрдам қўрсатилди. Ақушер-гинекология илмий-тадқиқод институтининг Нукус филиалидаги 280 ўрнига эга клиникасида 3 илмий ходим, 100 дан зиёд шифокорлар, 500га яқин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари фақатгина ўтган йил давомида 5000 нафардан ортиқ аёлга туғруқ жараёнида

ва 2000 га яқин аёлларга гинекологик ёрдам кўрсатилишини таъминладилар. Клиникаларда 2003 йил 1 январдан бошлаб, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ), ЮНИСЕФ экспертлари бошчилигида "Хавфсиз оналик" тамойиллари асосида иш олиб борилмоқда.

Республикамиз оилаларида тиббий маданиятни юксалтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом фарзандлар туғилишига, уларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига эришиш йўлида улкан ишлар олиб борилмоқда. Утган йил мобайнида оила кўришга тайёрланаётган 9875 нафар ёшларга никоҳдан аввалги тиббий маслаҳатлар берилди, касаллиги аниқланганларга сифатли тиббий ёрдамлар кўрсатилди, улар орасида диспансерлаш ва соғломлаштириш, тарғибот ишлари олиб борилди.

БМТнинг болалар жамғармаси, ЮНИСЕФ ташкилоти билан бирлигида, болалар, оналар ва ўспиринларда касалланишларнинг олдини олиш, камқонлик билан курашиш, "Болалар касалликларини даволашни интегрирлаган усулда олиб бориш", "Хавфсиз оналик", "Кўкрак сuti билан эмизишни қўллаб-қувватлаш", "Хавфсиз иммунизация" ва "Витамин А сапленментацияси" дастурлари бўйича ҳам республикамизда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу дастурларга қўра республика акушер-гинеколог ва педиатр шифокорларимизнинг 90 фоизи ЮНИСЕФ дастурлари асосида ўз билимларини оширдилар.

Республика тез тиббий ёрдам илмий марказининг Нукус филиалида, беморларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган. Марказнинг қабул бўлимида лаборатория, УЗИ, ЭКГ, эндоскопия, рентген кабинети, қон қуйиш ва травматология пункти узлуксиз ишлаб ту-



рибди. Марказнинг тиббий тез ёрдам бўлими шаҳар аҳолисига тез ёрдам кўрсатади, бўлимида 15 та ихтисослаштирилган врачлик бригадалари ташкил қилинган. Мазкур бригадалар томонидан 2002 йил 34031 нафар, 2003 йилда 39581 нафар, шу йилнинг 6 ойи давомида 20377 нафар беморга тез тиббий ёрдам кўрсатилди.

Марказнинг санитар-авиация бўлимига Республиканинг барча эмлаш-профилактика муассасаларида врачлик маслаҳатлари ва амалий ёрдам кўрсатиш ишлари юкланган. Бу вазифа республика эмлаш-профилактика муассасаси мутахассислари билан бирлигида амалга оширилмоқда.

Эндиликда республикамиз аҳолисига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилган. Бу асбоб-ускуналар орасида тизимга ўта зарур бўлган компьютер-томограф, ясама буйрак (гемодиализ) ва ангиограф аппаратлари бор. Ушбу замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари Марказимизда ишга туширилгандан кейин аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш савия-

си янада яхшиланишига гумон йўқ.


Республикамизда 2002 йилнинг август ойидан бошлаб Европа ТАСИС дастури бўйича 2 йилга мўлжалланган кенг қўламли ишлар режалаштирилди. Ушбу лойиҳа доирасида 2003 йил ва 2004 йилнинг ўтган 6 ойи давомида республикамизнинг пилот туманларига 105000 евро миқдорда лаборатория асбоб-ускуналари ва реактивлар олинди. Юқорида тилга олинган лойиҳа республикада тез тиббий ёрдам хизматини тубдан яхшилаيدди. Нукус шаҳри, Беруний, Амударё, Кунғирот, Чимбой ва Мўйқот туманларида шошилинч тиббий ёрдамни янада ривожлантириш, лаборатория хизмати сифатини ошириш, давлат санитария-эпидемиология назорати марказларида лаборатория хизматини яхшилаш, соғлиқни сақлаш соҳасида бошқарув усулларини янада такомиллаштиришни жадаллаштиради.



2003 йил Ўзбекистон Республикасининг "Дори-таъминот" акциядорлик жамғария, Каунтерпарт Интернэшнл, ЮНИСЕФ халқаро ташкилотлари, Ибн Сино номидаги жамғарма ва "Динур" компанияси орқали Қорақалпоғистон Республикасига хайрия ёрдами сифатида 70 номдаги дори-дармон ва тиббий буюмлар олиб келинди.



Халққа тиббий хизмат кўрсатишнинг нодавлат соҳасини ривожлантириш бўйича ҳам ҳозир самарали ишлар қилинмоқда. Утган йили 50 та тиббий муассаса давлат тасарруфидан чиқарилди. 44 хусусий тиббий муассаса янгидан ташкил этилди. Уртада 656 тиббий ходим (272 нафар шифокор, 384 нафар йўта тиббий ходим) хизмат қилаётди. 158 нафар шифокор якка тартибда тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга.

Пуллик тиббий хизматдан тушган даромад биринчи навбатда даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий ходимларни моддий қўллаб-қувватлашга, шифохоналарда беморларнинг сифатли даволаниши учун шароитларни яхшилашга сарфланади.

Сўнги йилларда республикамиз аҳолиси соғлигини сақлаш соҳасида кўпгина халқаро ташкилотлар билан ҳам тигиз ҳамкорликлар амалга оширилмоқда. Шулар ичида БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти лойиҳа бюроси, Европа Иттифоқининг "Еврозйд" дастури, Жаҳон банкининг "Саломатлик-1" лойиҳаси, Американинг Каунтерпарт-Интернэшнл, ЮСАИД, "Юракдан юракка", "Чегарасиз шифокорлар" ва бошқа халқаро нодавлат ташкилотлар, халқаро "Қизил хоч" ва "Қизил ярим ой" жамияти, "Ибн Сино", "Соғлом авлод", "Экосан" жамғармалари республикамизда соғлиқни сақлаш соҳасига беминнат хизмат этиб, қийин экологик шароитларда мардонавор турмуш кечириётган халқимизга инсоний ёрдам қўлини чўзмоқдалар.







## Ҷетоз-шоғирд бахшилар

Хизмат сафари билан биринчи марта Қорақалпоғистон Республикасига бордик. Шаҳарларда, чекка туманларда бўлдик. Уларнинг қорақалпоқча сўзлашишини ҳисобга олмаганда, биналар қурилиши, жойлашиши жиҳатидан, одамларнинг ўзимиздай замонавий кийинишларидан тортиб деярли барча-барчаси одатдагидай...

Биз гапорасида ҳамроҳимизга, имкони бўлса, қорақалпоқ халқ кўшиқларидан эшитиш ниятимиз борлигини билдирдик. Орадан 2-3 кун

туйғуга тўлади, беихтиёр кўҳна қорақалпоқ элида эканлигимизни юракдан ҳис этамиз, руҳимизнинг қайсидир бурчакларида мудраб ётган миллий қадриятларимиз буй ростлаётгандек завқдан кўзларимизга нур тўлади.

**Ота-онам фаройиқ тутталам,  
Шомадани ҳаргиз давул этмадам,  
Ғариб асалди, ўзга ёрга кетмадим,  
Борсанг салом айтиб, келсанг Ғараним.**

Устоз-шоғирдлар дўмбира чертиб,



ўтгач, бир хонадонга, кичик бир маросимга олиб боришди. У ерга устоз-шоғирд бахшилар — Қорақалпоқ халқ артисти Турғунбой оға Қурбонов ва Гулнора Оллабергановалар ҳам тақлиф этилган экан.

Дастурхон атрофида куй-қўшиқ янгради:

**Бўз янгиқнинг шир нурадан от бўлар,  
От бўлмас, юрағида дара бўлар,  
Шу янгиқнинг оға-иниси ёт бўлар,  
Бошдан давлат тоёни, ногаи бўлмас...**

Ажабо! 72 томиримиздаги қон жунбush келгандай, дардли дунёларимиз ёришиб кетгандай бўлади. Қўшиқ гарчи қорақалпоқча айтилаётган бўлса-да, биз уни ҳеч бир изоҳсиз тушунардик. Кўнгиллар бир рангин

басма-басига термалар айтишар экан, қўшиқнинг дилрабо сеҳридан бу ерга йирилган катта-кичик раҳбарлар ҳам (чамамда ўзларининг кимликларини ҳам унутиб қўйишган) бахшиларга жўр бўлиб кетишгани одамнинг ҳавасини келтиради, халқ кўшиқчиларининг кучини янада теранроқ ҳис этасан. Термалар тугагач, «Хирмондали» достони бошланди. Тун яримлаб қолган бўлишига қарамай, биров кетай демайди. Ҳамма бирдай сеҳрланган. Бундай давраларни, оҳанграбоддай ўзига тортаётган халқона кўшиқларни соғинганимизни тан оламиз.

Бир пайтлар халқ оғзаки ижодини куйлаш илинжида Кенжабой Тиломуродовга шоғирд тушган Турғунбой ака бугун қанча-қанча шоғирдларга

устозлик қилмоқда. Т.Қурбонов Махтумқули, Бердак, Ажиниёз каби шоирларнинг шеърларини, «Гурўғли», «Алпомиш», «Ошиқ Ғариб» достонларини эл ичида куйлаб, шоғирдларига ҳам бахшичилик сирларини ўргатиб келмоқда.

Нукус шаҳридаги фольклор ансамблида иштирок этаётган кўплаб ёшларга устозлик қилишни ҳам Турғунбой ака ўз бурчи деб билади.

Гулнора эса Бердак номидаги Нукус давлат университетининг муסיқашунослик факултетига ўқиб юрган кезларданок устозидан дарс ола бошлади. Ўзига яраша ширали, дардли овози борлигини сезган устоз унга алоҳида эътибор бериб, бахшичилик йўлида айтиладиган бир неча кўшиқлар ва «Ошиқ Ғариб» достонидан парчалар ўргатди.

2001 йили Хиндистон, Франция, Швейцария мамлакатларида бўлган фестивалларда устоз-шоғирд бирга иштирок этиб, қайтдилар. Бундан ташқари, «Шарқ тароналари» фестивалига қатнашиб, «Офарин» мукофоти совриндори бўлишган бўлса, ўтган йили Гулноранинг ўзи «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида республикада биринчи ўринни олди.

Турғунбой ака бугун репертуаридан жой олган «Ошиқ Ғариб», «Сайёдхон Ҳамро», «Хирмондали» каби достонларни севиб «Эшбой», «Хўжабоғбон» каби кўшиқларни маромига етказиб куйлайди.

Айниқса, қорақалпоқ бахшичилиги ривожига улкан ҳисса қўшган Эшбой бахши, Охунбет бахши, Жапақ бахши Шомуродовдай қорақалпоқ халқ кўшиқчиларини хурмат билан тилга олади.

Илгарилари ҳам қорақалпоқ ўлкасида бирон-бир тўй ёки катта байрамларда, сайлларда машхур бахшилар чақирилиб, айтишувлар ўтказилган. Бундай кечалар бир неча кунга қўзланган. Хива хонлари томонидан уюштириган бахшилар кўрикларига эса, албатта, қорақалпоқ бахшилари ҳам қатнашган.

Истардимки, шундай ажойиб бетакрор удумларимиз, аъёналаримиз устозлардан шоғирдларга, авлодлардан авлодларга ўтиб, асрлар оша давом этса! Халқларнинг гўзал кечмишлари, меҳр-садоқатлари зўр пафосларда куйланиб, келажакка етказилса!

Мунира ҲУСАНОВА



# МОЗИЙДАН САДО

Жорий йилда халқимиз маънавий ҳаётининг кўзгуларидан бўлиш Қорақалпоғистон Республикаси ўлкашунослик музейи ташкил этилганига 75 йил тўлди.

Эл фахри хисобланган бу музей ўтган давр мобайнида чин маънода республикаимиз тарихи, унинг тараққиёт йўлини, халқимиз кадриятларини, археологик ёдгорликлари ва этнографиясини, миллий маданиятини, табиий бойликларини, мустақиллиги йилларидаги юксалишини аниқ ҳужжатлар асосида кенг оммага тарғиб этувчи, келажак авлодларга етказувчи ҳақиқий маданий-маърифий марказ бўлиб келмоқда. Музейда халқимиз кадриятларини ифодаловчи дурдоналар, хунармандчилик маҳоратининг такрорланмас намуналари тўпланган.

Музейимизга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлардан бири ўз дастхатида «Ўлкашунослик музейида Қорақалпоғистон тарихи бутун гўзаллиги билан намоян этилган. Бу ерда ҳамма нарсадан тарих нафаси таралади. Шундай такрорланмас дунёни яратиб, иқидоёт мевалярига мангулик ҳада этаётган устозларга тасаннолар бўлсин!» — деб ёзган. Бундай дил сўзлари музейимизга бирон марта келиб, ундаги экспонатлар билан танишган ҳар бир кишида юрт тарихини аянда чуқурроқ ўрганиш иштиёқини туғдиради.

1927 йили Қорақалпоғистон Муктор вилояти таълим бўйича халқ комиссариати ҳузуридagi Комплекс илмий-тадқиқот институти топириғига биноан ўлкаимизга амалиётта келган талабалар томонидан қорақалпоқ овулларидан этнографик материаллар йиғиладди ва археологик ёдгорликларда илк бор қазилар ишлари ўтказиладди. Тўпланган материаллар неғизда 1928 йилнинг март ойида Қорақалпоғистон вилояти ўлкашунослик жамияти тузилади. 1929 йилда эса институт қошида Тўртқўлда ўлкашунослик музейи ташкил қилинади ва 16 майда унинг биринчи кўргазмаси ўз экспонатларини намойиш этади.

Музей 1929 йили фақат бир неча ўн экспонат билан ташкил этилган бўлса, 1930 йилда 1022 та экспонат йиғилди. 1935 йилда эса Қорақалпоғистон тарих-ўлкашунослик музейи бўлиб, алоҳида ажралиб чиқди. Музей фаолиятини такомиллаштириш босқичида, яъни 30-йилларнинг бошида Москва университети битирувчилари Н.А.Баскаков, Н.В.Тортинский ва ёш қорақалпоқ олими Қ.Айимбетовлар фидойиларча меҳнат қилдилар. Вақт ўтиши билан А.Л.Мелков, А.С.Морозова, С.П.Толстов, Я.Фулмонов, Т.А.Жданко каби атоқли олимлар раҳбарлигида олиб борилган археологик-этнографик экспедициялар ва музей жамоасининг улкан меҳнатлари тўғрисида музей хазинаси янги экспонатлар билан бойиб борди.

Бугунги кунда музей фондларида 56 миңдан ортиқ экспонат сақланмоқда. Музей экспозицияси 3 катта бўлимдан — табиат, археология ва этнография, янги тарих бўлимларидан иборат. Бу масқанда ҳозир 40 дан ортиқ ходим фаолият кўрсатмоқда, улар орасида узоқ йиллар бор иш тажрибасини тўпланган муҳтарам фахрийларимиз ҳам, уларнинг фидокорона аъёналарини давом эттираётган иқтидорли ёшларимиз ҳам бор.

Жамоамиз музей фаолиятини юксалтириш бўйича муайян тадбирларни амалга оширмоқда: музей захираларидаги экспонатларни тартибга келтириш ва сақлаш шароитларини яхшилаш

мақсадида фондларга, таъмирчи-рассомларга, ишлаб чиқариш устaxonасига ва маъмурий ходимларга махсус хоналар ажратилди, музей фондлари, экспозиция заллари, дареза-эшиклари замонавий ҳавфсизлик тизими ҳамда ёнғиннинг олдини олиш ускуналари билан таъминланди.

Музей залларида турли саналарга бағишланган кўргазмалар, учрашувлар, юбилейлар, семинарларни мунтазам ўтказиш аъёнанага айланди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртрали талабалари, мактаб ўқувчилари учун музей дарслари, маърузалар ва амалий машғулотлар каби турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга таниқли сиймолар хотирасига бағишланган кечалар ташкил этилмоқда.

Хусусан, машҳур қомусий олим Абу Райҳон Бериунийнинг 1030 йиллиги, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, улуг бобокалонимиз Амир Темирнинг 660 йиллиги, халқ қаҳрамони Эрназар олакўз, қорақалпоқ мумтоз шоирлари Бердақ ва Ажиниёз, атоқли ўзбек шоири, академик Гафур Гулом, давлат арбоблари Оллаёр Дўстназаров, Кўптилов Нурмуҳаммедов, адабиёт ва санъат арбоблари Ойимхон Шомуротова, Жапақ Шомуротов, Жўлмираза Оймурзаев, Қиёс ва Ансатбой Қайратдиновлар юбилейларига бағишланган хотира кечалари, Ўзбекистон Қаҳрамони Олланбёз Ўтениёзов билан учрашуш шулар жумласидандир.

Моҳир усталардан бири Ораибек Хўжаназаров ўзи ясаган муқса абсоблари билан Лондонда ўтказилган халқ усталари буюмларининг Халқаро кўргазмасида иштирок этди ва юкори баҳо олди. Айниқса, унинг скрипкаси мухлисларда катта қизиқиш уйғотди, чунки бу абсоб дунёга машҳур Страдивари скрипкалари даражасида эди.


Рассом А.Сейтимбетов ишлаган ҳайкаллар ҳам музейга зиёратчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Қорақалпоғистон ҳудудида 250 га яқин археологик ёдгорликлар ҳисобга олинган. Тупроққалъа, Жампиққалъа, Аёзақалъа, Қирқизқалъа, Маздақхон каби қадимий қўرғонлар — бутун жаҳонга белгилли ёдгорликлардан ҳисобланади.

Қаштади аёлларимизнинг олтин қўллари барҳаёт этнормандчилик аъёналарини юксак мақомларда давом тинирмоқдалар. Музей ходимлари В.Байқова, З.Акимова, М.Аймурзаева ва бошқалар яратган сувенирлар қўзни қувонтиради. Уларни музей меҳмонлари ўлкаимиздан эсдалик сифатида катта қизиқиш билан харид қилмоқда.

Музейимиз халқнинг маънавий-маданий-табиий меросу бойлиқларини авлодларга етказиш, кенг жамоатчиликка тарғиб этиш вазифасини удаллаш баробарида дунё сайёҳларига юрт тарихи, ўзлиги, ифтихорини ифодаловчи экспонатларини намойиш қилмоқда ва уларда миллий ўзалигимизга қизиқиш уйғотмоқда.

**Светлана КУРАБУЛЛАЕВА,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
ўлкашунослик музейи директори



Зиёфат уч соатлар давом этди. Марказдан келган меҳмонлар (ичувчилар) меҳмонхонада ўтиришар, намозхона қариялар — айвонда, аммо ўртадаги дераза ланг очик — ичкаридаги гап-сўзлар ташқарига, ташқариники ичкарига эшитилиб турарди. Назар қассоб баайни "чирей-чирей", яъни икки онани эмаётган бузоққа ўхшар эди. Хоҳласа чоллар ёнида ўтириб, энди ҳафталаб давом этадиган тўю кўпқари тафсилотининг "бисмилло"сини эшитар, ичкаридаги гаплар қизикроқ туолса, оқсоқоллардан чиройлигина узр сўраб, меҳмонхонага йўргалар эди. Бўри Қора ҳар икки давранинг ҳам соҳиби даврони бўлиб, зигирча камчиликка йўл қўймаслик учун нафсини ҳам тийиб, узатилган ароқдан ҳўплар ёки Акмалнинг кўзини шамғалат қилиб ароқли пиёлани Тошкент суви қўйилган пиёлага алмаштириб кўтарарди.

Кимлар ўтиришибди унинг меҳмонхонаси тўрида? Вилоятни сўраб турганлар. Булар билан шунчаки қўл бериб кўришиш орзусида юрганлар озми?

Ана шундай қўли узун ва бообрў зотлар — Бўри Қоранинг "дўстлари"... Истаган пайтида уларнинг ёнига ўтиб, пичир-кучир қилиши ва ҳатто елкасига қоқиб қўйиши ҳам мумкин. Ташқаридаги оқсоқолларнинг ҳам қаққирилгани, тўғрироғи, келишгани ҳўб иш бўлди-да! Аллоҳ буларнинг назаридан қолгули қилмасин! Бир кунда номинг қора бўлиб, авомнинг нафратига йўлиқшинг мумкин. Яхшиям Бўри Қора амалдорлик чоғларида биров-яримга яхшилик қилиб юборишни унутмаган, қаттиққўллиги, қўполлиги билан қанчалик танилган бўлса, дафъатан раҳмдиллиги-хайрихоҳлиги билан-да танилган экан.


Мана, амалдан тушиб ҳам назардан қолмади. Бунинг устига, эл-улуснинг жон-дили ҳисобланмиш эски урф-одатларнинг фавқулодда "суянчиги" бўлиб танилдики, яхши гапнинг ҳам, ёмон гапнинг ҳам уяси ҳисобланмиш туман қариялари — гагга етар оқсоқоллари сафидан муносиб жой олди. Энди, бундан кейин шу обрўйига путур етказмаслиги, аксинча, уни яна-да кўтариш ҳаракатида бўлмоғи керак.

Оқсоқолларнинг келишгани ҳўб иш бўлди. Бўри Қора от ёки туя сўйгани йўқ. Анчайин бир қўзини бўғизлатди, холос. Бир товоқ қовурдоққа тўртта қўл чўзилди нима-ю, саккиз қўл чўзилди нима? Ахир, меҳмон дегани оч қолганидан ёки ейиш учун келмайди-ку? Гапкўнгилда: уларнинг кўнгли олинса бас.

Мана, оқсоқоллар ҳам яйраб, топилдик мавзу — кўпқари қандай ўтгани, қай вилоят чобагонларининг қўли баланд, отлари ўзгир келгани, аммо Бўри Қора оқсоқолнинг Бой-чибор зотли оти мўъжиза кўрсатганини бот-бот баён этишгаётир, жониворнинг даярли ҳар бир ҳаракатини таҳлиллу тафтиш қилишаётир. Ха, бу хусусдаги гурунғ ҳали кўп давом этади.

Бир маҳал меҳмонхонадан алпанг-талпанг юриб Акмал чиқиб келди. Бўри Қора ҳали Саодат ақанинг соатига қараб-қараб қўйганидан уларнинг шошилаётганини уққани учун шу тобда ошхона оғзидан туриб, кампирига тансиқ меҳмонни қуруқ чиқармаслик ҳақида маслаҳат соларди.

— Эй, мелиса... Эй ветеран! Шогирд-хизматкорларинг камми? Нима қилиб юрибсан? — деди-ю, ечиб қўйилган қалишларга қоқилиб кетди. Сўнгра бирдан чоллар даврасига боқиб: — Э, қалай ўтирибсизлар, отахонлар? — дея бирдан чўнкайиб, қўлини фотиҳага очди: — Омин. Мингга қиринглар! Мана, Назар ақамнинг тўйига ўхшаган бошқа тўйларни ҳам бугунгидай обод қилиб юринлар! Абло ақбар! — деб юборди. Кейин ўрнидан тураркан, Олқор чолга кўзи қадалиб: — Аҳ, уста... дипломат экансиз, қойилман, — деди. — Тавба, — дея Бўри Қорага қаради. — Кўпқарини қандай



Охири. Боши ўтган сонларда

# ЙИЛИ

ўтказди бу инсон? Тартиблар, шартлар... Қойилман. Лекин баъзи отлар ҳам интизомсизлик қилишини айтмаган эдилар! — қаж-қажлаб қолди.

Акмалнинг кайфи ошганига дафъатан ишонган Бўри Қора келиб, унинг тирсагидан ушлади.

— Пастга тушасанми?

— Пастга?.. Пастда нима бор? А, ҳулиган отинг? Хой... бахшини айтмабмизда... Хе, бечора. Йўқ, улар — улуғ одамлар, — Кейин дўстига тикилиб қолди. — Эй, айтаган термалари ёдингдами? Хаёлимда худди сенга қараб айтгандай бўлди.

— Узи, ҳақиқатан ҳам менга айтди-ёв, — деди Бўри Қора. — Ана, кўрдингми қандай... фаросатли инсон у!.. Қойилман. Биз, у — зиёли қариялар...

— Йўқ, сен ҳам яхши қариясан.

— Йўқол.

— Йўқолсам, сени ким кузатади?

— Ай, майли... Баққа юр! Кеңирасизлар, отахонлар. Эсларингда бўлсин, сизлар ҳақиқий ўзбекона қариётган... чоллар. Бахтимизга омон бўлинглар!

Улар ўз-ўзларидан ошхонага кириб қолишди. Бўри Қора дўстини бурчакроққа тортиди.

— Сал оғирроқ бўл, эй.

— Ай, тугурдим... — Кейин чўнтагини кавлаб қолди. — Битта чекай... Анави стулни қўй... Раҳмат. Кампиринг кўринмайди, феодал?! Пастдами? Майли... Утир ўзинг ҳам. Утириш яхши бўлаётми. Алагда бўлма, жўра. Сен бора-бора...

— Одам бўламан.

— Уже бўлаясан. — Кейин унга термулиб қолди. — Эй, нимага отни урдинг? Кўпқарига кириш олдида... Шундай урдинги, ҳатто менинг баданларим оғриб кетди. Саодат акани сўрама... Ахир, у шунчаки бир "чўқ" дейишинга маҳтал бўлиб турганди.

Бўри Қоранинг ҳам аллақарлари оғриниб кетди: ҳа, нега уни қарсиллатиб қамчиллади? Ҳа, урдики, додлаб юборди-я жонивор... Нега энди уриш керак, албатта...

— Урганиб қолгансан-да, — дея давом этарди Акмал, — махбустларни уриб, урдириб... Анави ифлос Олчининг ҳам сендан қолишмайди. Аммо... — Яна тек қолди. — Гапмундай бўлди, жўра! Саодат ака ёмонликка олса, у олакўзинг учиб кетади. Пуд-ф десалар, бас. Лекин у одам — инсон, буюқ инсон. Сенга қандай тушунтирсам бўлади. Бағри кенг... Энг муҳими — ҳамма нарсага тайёр. Ҳақиқий миллатсевар, ватан учун жонини аямайди... Сен билмайсан-да, кўпнарсани!

Бўри Қора ҳўрсинди.

— Сен бошқа гапниям бошлаб қўйдинг...

— А-а, ҳа. Бошлаб қўйдим... Гапшундан иборатки, қулогингни тут. Энгаш!

Бирон ярим соатлардан кейин каттагина тугунни қўлтиқлаб чиққан Бўри Қора чоллар тепасида тўхтаб, "жим" ишорасини қилди-да, ўридан кўзгала бошлаган Назар қассобини ҳам ўтиришга ундаб:

— Ҳозир, икки минутдан кейин... сиз, Олқор ота, икки кишига дуо берасиз, — деди. — Ўйлаб қўйинг. Жўрачилик, дўстлик ҳақида. Биласизку, сиз билмайдиган ҳеч бало йўқ.

Олқор чол бу гапларни уй эгасининг лабларидан ўқиб ололмади-ю, гангиб бош иргарди. Бўри Қорага қизиксиниб қараб турган Назар қассоб:

— Майли, сиз бораверинг. Бу ёғини ўзимиз тушунтирамиз, — деди.

Бўри Қора унга тепадан қараб, бирдан қулимсиради. "Асилида-ку, икковимизгама чопон кийдириш керак-ов..." деди ичида. Аммо тилига чиқармай даҳлизга бурилди.

Нозик меҳмонлар ҳам шу тобда Чиборнинг қилиқларини ўзларича муҳокама этишгаётган экан. Бўри Қора дераза тарафда ўтирганларнинг орқасидан бир ёнбош бўлиб ўтиб, Саодат аканинг ёнига бўччани қўяр экан, Тошболта ошиқ:

— Маня, ўзларидан сўрайми, ўзларидан! — деди. — Қани, "қуралай кўз, қуралай, туйнугиндан мўрала-ай..." Бўри ака, ўша ерда туриб айтинг-чи, тепангизда Худо, ёнингизда энг

бообру инсонлар... Ҳўш; Чиборингизга отларнинг қуйругидан тишлашни ким ўргатди? Маня, Умар синчи бўйнига олмаятти.

— Йўқ-йўқ, мен билмайман, ука, — деб бош чайқади бурчакроқда ўтирган синчи. — Узимам хайрон қолдим-у...

— Ҳўш, Бўри ака?

Бўри Қоранинг ўзи ҳам бу саволнинг жавобига чунон қизикиб қолган, бу одамларнинг ўзига тикилиб туришию, айни шу саволга жавоб кутаётганида қизиб эди.

У ноҳорликдан бирдан шифтга қараб:

— Билсам, балога йўлкай, — деди. — Лекин ётиб-туришни ўзим ўргатганман... Узи у жонивор тойлигидан мени танг қолдириб келарди. Ким билади дейсиз... — У пойгака ўтганда, очик деразадан бақовуллар бижиллашиб гапнимадалигини тушунтирмакда эди. — Ҳей, Олқор ота! Сиз билмаган нарса йўқ-ку! — деб қолди Бўри Қора — Жавоб беринг, бу саволга!

Бошини эгинқираб тугунга термулиб турган Акмал ҳам туйқус бурилиб:

— Ҳа. Эшитамиз! — деди.

— Эса, эса, ўзларингга бир савол бераман, — дея жойида чўккалаб олди қария. — Ҳў-ў, Боботог билан Чилбир чўл ўртасидаги пойгада Бойчибор нима қилган эди? Эшитаяп-сизларми? Олдиндаги қалмоқ отининг қуйругига қарсиллатиб оғиз солиб эдими-йўқми? А? — Узининг даврасидагилар дарҳол маъқуллаб қолишди. Бу даврдан эса фақат Тошболта ошқининг овози чиқди:

— Ҳа, тишлайди Бойчибор... Ҳў-ў?

Олқор чол шериклари ёрдамида гапмаъносига етган:

— Баракалло, — деди. — Нимага тишлайди? А, Эшимбой?..

Нима, унга олдидаги отнинг кетидан тишлаб отиб юборишни Қултой йилчизи ўргатибмиди унга? Балки Алпомиш ўргатгандир? Йў-ўқ, Бойчиборнинг пойгага биринчи тушиши эди, лекин тишлайди... Демакки, азизлар, шунга фаҳми етди унинг. Бўлдими?

— Сал чалароқ бўлди-да, — деди Тошболта ошиқ. — Бойчибор энди — Бойчибор эди. Бу Чиборимиз...

— Ҳў, Эшимча! — деб бақриди Олқор чол унинг мужмал гапини ҳам қурдошлари ёрдамида англаб олган. — Ичқарида ўтирган Акмалбойларнинг бир қорабайир оти бўлгич эди. Ҳожиқул мелиса шуни миниб, ҳув Қерағатовдаги Етимчўққи остидан ўтаётганда чўқидаги бир айиқ тош думалатади. Эшитаяпсанми?.. От ҳуркиб, Ҳожиқул ағанат тушади. Тош-лоққа думалаб кетади. Бир оёғи шикаст ёйди. Ҳа... Кейин денг, бир маҳал от эгасини топиб келади-да, қошида тиз чўкиб туради. Ҳожиқул ўрмалаб эгарга миниб олади... Хе, азизларим-е! Раҳматли Ҳожи шуни айтиб, фақат хайрон қолар, «Унга бундай чўккалашни мен ўргатганим йўқ, Олқор-жон!» деб қасам қарайди. Чол нафасини ростлаб яна бақриб юборди: — Бунга нима дейсан, эй майнабоз?

— Ҳа, Олқор бобо! Олқор бобо! — деб қолди шунда бирдан-нига ҳўшёр тортиб кетган Акмал. — Худди шундай бўлган. Мен ҳам биламан... Айтиб берар эдилар!

Олқор чол жимиб қолди.

— Мен ҳам лекин кўп ажойиботларни эшитганман, ёшлигимда, — деди шунда Саодат ака бошини ҳам қилиб. — Ота-да гап кўн... Маня, баъзи отлар бўлади, ўз-ўзидан йўрга чиқаради. Баъзи отлар, умуман, лўкиллаб ўтади. Зотга кўп нарса боғлиқ бўлса керак...

Жимиб тинглаётган марказлик вакилар ҳам Бош прокурорнинг гапини маъқуллаб кетишди. Илло, наслда, ирсиятда гапқўлиги барчага аён эди.

— Бўпти. Масала хал, — деди Бўри Қора этакдаги ўз жойига чўқаркан. — Саодат ака, Чиборни ётиб-туришга ўзим буюрар эдим. Лекин бу гап ўз-ўзидан чўка тушди жонивор.

— Бу усулни Қирғиз чобогонинг отидан ўрганиб олган бўлиши керак, — деди Тошболта.

Даҳлизда хизматга шай бўлиб турган Носиржон ҳам ниҳоят, бир оғиз гапқўшди:

— Рост айтдингиз, Эшим ака. Шу пакана отдан ўрганган.

Лекин ўзим ҳам бир-икки марта телпагимни ерга ташлаб қўйиб, телпасига келганда олмакчи бўлганман. Шундам Чибор чўкалаган эди.

— Ана, бу гапга тушунаса бўлади, — деб мамнун бўлиб кетди Тошболта ошиқ ва Акмалга зимдан кўз отди-да, кейин Бўри Қорага қаради. — Бу ишяам ичиладими, ё шунчаки...

— Ичилди! — дея Бўри Қора ишяага узалгани чоғда Саодат ака бошини адл кўтариб:

— Бўрибой, сабр қилинг. Менинг бир тақлими бор эди, — деди ва девор томонда ёнма-ён ўтиришган Қуролбой билан Олчинга боқди. Уларнинг бири — Олчинбой кўзлари жавдираб ўтирар, иккинчиси — Қуролбойнинг битдек кўзлари даярли юмиллиб кетган, афтидан бу гурунглари уни аллалар эди. Олчинбой Бош прокурорнинг нигоҳини туйибок, Қуролнинг биқиниёга туртиди. Прокурор жонданчиси эринчоқлик билан қимирлади ва кўзларини ййриб очди. — Ҳа, ана шундай бўлсин, — деб бўйиқ тўнғиллади Саодат ака. Кейин жамоага юзланиб, бамайлихотир давом этди: — Биродарлар, ўзларингдан қолар гапйўк, Қуролбой бизга жиян бўлади. Ҳўш, Олчинбой эса — Бўрибойнинг шогирди. Булар... баъзан келишолмай ҳам қолишади. Ишда бўлади-да... Лекин иккови бир-бирига мос, бир-бирини тушунади. Айтиш мумкинки, бир-бирининг нималаринидир тўлдиради ҳам...

— Шундай, ака! Жуда тўғри айтгансиз-да! — деб юборди Бўри Қора дафъатан ҳаяжонланиб кетиб. — Сизга раҳмат. Сиз биласиз экан... Кечирасиз, қулоғимиз сизда.

Бўри Қорага ўйчан тикилиб қолган Саодат ака, бирдан мийғида кулимсиради:

— Бўрибой, сиз билан мана бу Акмалжонни кимлар қандай қилиб жўра қилишган эди?

— Чопон кийдириб! — ҳовлиқиб жавоб берди Бўри Қора. — Оталаримиз тўн кийдириб, дуо беришган. Шундай ўтиришда. Ҳе, Пода қилшоғида. Кейин биз бошқача дўст бўпкетганмиз. Лекин ўша пайтда ҳам яқин жўра эдик.

— Шундай-шундай, — деб ирганди Акмал. Афтидан, ҳамон унинг хаёли қорабайирида, балки отасида эди. Кейин бирдан сергак тортиб, Олчинбойларга кўз тикди. — Эшитялсизларми?

— Эшитялсиз, устоз, — деб дарров жавоб берди Олчинбой.

— Бўлмасам, икковинг ҳам ўрнингдан тур, — деди Бош прокурор ва ўзи ҳам кўларини кўрпачага тираб кўзгала бошлади. Буни қўриб Акмал иргиб ўрнидан турди. Хиёл довдираб кетиб энгашди ва туғунни тезгина ечиб, бирин-кетин иккита сариқ беқасам тўнни олди. Негадир силкитиб ҳам қўйди. Шунда Саодат ака йигитларни имлаб, ўзининг ортидаги бўш жойни кўрсатди. Олчинбой Қуролнинг қўлидан ушлаб, ёнидаги меҳмонларнинг орасидан йўл тортди. Ниҳоят, сандиғу тахмонлар ёнига боришгач, бу ёққа қараб туришди. Кейин Саодат ака Акмалга бош иргаб ишора қилди:

— Кийгиза қолинг, ўзингиз.

— Албатта. Ҳозир... Қани, Қуролбой, қўлни ёзинг... Кийиш керак! Минг қўйли бойдай елкага ташлаб ўтириш кейин бўлади... Баракалло! Олчин сағир, олға. Қўл... У ёққа қара. Ана, бў-ўлди. Мана, белбоғлар! Боғлаб олинглар энди... Шуням мен қилайми? Яхши. Ҳой, болалар, бу кун ёлларингдан чиқмасин! Бир-биринг билан киндигинг қўшилади ҳисоб! Қадимги болбололаримизнинг удушу шу... Тожикнинг гапи бор: дўсти ноини, дўсти забони, дўсти жони... Сизлар жон дўсти, жонажон дўст бўласизлар энди.

Уларни томоша қилиб, жийлаиб турган Саодат ака кўрсатгич бармоғини кўтарганча йигитларни ёнига чорлади-да, даврага юзланди. Бу ёқдагилар ҳам негадир ўринларидан туриб кетишган, ташқаридагилар ҳам деразадан қарашар эди. Саодат ака ҳамон бармоғини кўтарганча:

— Акмалхон маъноли гапайтдилар, — деди, — Булар жонажон дўст бўлишсин!

— Ана шунинг учун оламиз! — деб юборди Тошболта ошиқ. Бўри Қора шоша-пиша ишшани олиб очаркан, Саодат ака қўлини тумшўғига элтиб, пиқиллаб кула бошлади. Ниҳоят,

пиёлалар улашилгандан кейин:

— Қизиқ экан-да, бу ҳаёт, — деди у киши. — Ҳали Акмалжон айвонда ундок чолларимиз, мундоқ чоллар бўлаамиз, деди... Асл ўзбек чоллари — сизларсиз, — деди. — Тўғри гапларни айтиди. Ҳа, Акмалжон... Мана бунинг исботи. Бизлар ҳозир «булар умрбод дўст бўлиб қолсин», деб мана бу захарни ичамиз. Айвондаги оқсоқолларимиз эса... буларга дуо беришадилар.

— Э, ҳақиқатан ҳам тўғри айтдингиз, — деди Бўри Қора шугина оддий ҳақиқатга ҳозирча ақли етмай юрган кишидек. — Рост, шундай... — Кейин бирдан аклини олгандек бўлди — Лекин биз ҳам дуога қўшилиамиз-ку!

— Қўшилиамиз, қўшилиамиз, — деди Саодат ака. — Мен энди бир парадоксни айтдим-да.

— Тушундим. Ҳа... Оббо, Тошболта, жўра кираётганларга бермасан-ку?

— Э, шундай бўптими? Ҳозир бу хатони тузатамиз... — У чаққонлик ила йигитларнинг дастурхондаги пиёлаларини яримлатиб узатди. Қўлма-қўл бориб эгаларига теккач, Саодат ака:

— Буни ичганларингдан кейин айвонга чиқасизлар, — деди ва жиянига дафъатан совуқ тикилди. — Бундан кейин ичишдаям Олчинбой билан бамаслаҳат ичасан.

— Ҳа, мен контролга оламан, — деб қолди Олчинбой. Саодат акага қўшилиб Акмал ҳам бўлқиллаб қулди.

— Ҳе, контролнингдан айланай... лекин сўзингизда турмасанг, биласанми, нима қиламиз? Қулги кўтарилди.

### 34

Чоллар турадиган бўлишди. Назар қасосб қуйирокда ўтирган эди, Носир орқали Бўри Қорани чақиртирди. Уй эгаси меҳмонхонадан қичиб келиб:

— Кетадиган бўлдиларингми? Э, чоллар бевафо экан-да... Ўтирмайсизларми тонг отгунча йирайиб! Бахшиним топтириб келардинг... — деб, Назар қасосбининг ёнига чўнкайиб ўтирди. Олқор чол қоқшол кўларини фотиҳага очиб, бўри Қорани мўл-қўл дуо қилди. Дастурхонга фэйз-баракот тилади. Охири:

— Шу азиз хонадонда тўйлар... — «хам»ини ичига ютиб, давом этди, — бўлсин! Ана ундай азиз, мўстабар меҳмонлар қадам ранжидга қўлишини! Ҳе, курашсиз, кўпкарисиз тўй бўлар эканми ўзбекда? Бўлмайди... Инчунун, Бўрибой инимизнинг ҳам кўпкари, олишларини кўриш биз қарияларгаям насиб этсин. Овми, Аллоҳи акбар! — деб қуруқ тери тортилгандек қоқ сувя юзига ҳовучини кўтарди. Ичкаридан ҳам «омин» деган садолар эшитилди. Булар ўринларидан туриб қалишларини қийнаш экан, меҳмонхонадагилар ҳам бирин-кетин чиқа бошлашди.

Алкисса, ёшлар ўрта яшарларга, улар ёши улуғларга йўл бериб, зинапоядан тушдилар.

Умар синчи билан Носир полвон қозон қошида эдилар, дарвоза табақаларини кенг очиди. Не бир вақти хушхўшда кўчага чиқшгач, Бўри Қора, Акмал ва Назар қасосб беихтиёр маслаҳатлашиб қолиб, чолларни машинада уй-уйига обориб қўйишга келишдилар.

Машиналар туман маркази томонга тумшўқларини буриб, чирокларини ёққанда, каттаю кичик қўл олиб хушшлаша бошлашди. Қитмир Тошболта ошиқ Бош прокурорнинг қўлини дангалига ўпти-да:

— Битта, биттагина саволим бор, тақсир, — деди. — Бежиз қўлингизни тавоб қилмадим... Ана шу саволимга жавоб берсангиз, оёвингизгаям йиқилишга тайёрман.

— Ҳўш, ҳўш — деди Саодат ака. — Менимча, бугун ҳисобидан ёлғон гапирмадим.

— Эй, мардум, қулоқ сол, — деб хитоб қилди Тошболта кўпроқ қариялару, шу ерликларига мурожаат этиб. — Тўғриси-ни айтинглар, Саодат акамнинг вилоят пируроқри эканларини билганларингдан кейин нимани ўйладинглар?.. Ҳўп, ўзим

жўнроқ қилиб айтаман: «Бу одам текширгани келган. Ишқилиб, худо инсоф берсин-да. Сўроқ беришга тоқатимиз йўқ», яна ул-бул шунга ўхшаб ўйларга бордиларингми-йўқми? — Ҳамма жим турар эди. — Шахсан мен, — дея овозини кўтарди Тошболта, — шахсан мен: «Ё Назар бобомизнинг иши чаток бўлади, ёки прикурор бобомизга катта гап тегадиган бўлди-ёв», деб ўйладим... Бир-икки айтдим ҳам... Ҳўш? Ана, буларнинг жим туришини кўринг, Саодат ака, — деб қулди кейин. — Юрак йўқ-да, юракни олдириб қўйган бу бечоралар. Меласа деса, секретар деса, раҳбар деса, тиззаси қалтираб туради... — Сўнгра бирдан дўқ қила кетди: — Э, суф-е сизларга... Ахир, барибир, барибир билганларингдан қолмайсизлар-ку? Тошболтага ўхшаб оғилхонада намоз ўқиш ҳам қўлларингдан келади!

— Мен айтмай, — деб, сал олдинга чиқди Умар синчи. — Эшимбой, саволинг ҳам ўхшатиб бердинг-ку, лекин жавобни ҳам айтиб қўя қолдинг. Агар мен тушунган бўлсам...

— Отанга раҳмат, — деб юборди Тошболта. Юз пойиз тушунибсан, жўра.

— Ўйлайманки, бошқалар ҳам тушунди.

— Ҳой, — дея Тошболтанинг елкасига қўлини қўйди қаттиқ хаяжонга тушиб турган Бўри Қора. Ахир, бу масхарабоз унинг кўнглидаги гапларни ҳам айтган эди-да. — Мардумга берган саволинг ҳам, жавобларинг ҳам ҳаммага етди. Маъқул... Лекин, Саодат акамдан сўрамоқчи бўлган саволинг ичингда турибди-ку?

— Сизга ташаққурлар бўлсин, чобагонлар чобағони, — деб хитоб қилди Тошболта ошиқ ва унинг-да елкасига турган берадларини «чўлл» этказиб ўпти-да, Бош прокурорга юзланди. — Оғажон, кечадан бери сизни кузатиб, шу фикрга келиб эдимки, сиз — бегараз инсон экансиз. Ҳақиқатан ҳам ўз юртингизни, масалан, кўпариниям соғиниб келиб экансиз. Ҳар бир қадамингиздан билиниб турди бу...

Саодат ака муштумига йўталиб олиб:

— Рост, шунинг учун келиб эдим. А, Акмалхон? — деди. — Сўзим ёлгон бўлса, мана, Акмалдан сўранглар.

Акмал товуш чиқариб хўрсиниб юборди-да:

— Шундай гаплар бўлишини шаҳардаёқ сезган эдим, — деди. — Ҳатто Саодат акама бу тўғрида гапирган ҳам эдим... — деб Олчинбойга қаради. Сўнг Назар қассобга ҳам қўз ташлаб олди. — Районнинг катталари бугун қайтишадими?

— Эртага, эртага, — деб жавоб берди Назар қассоб.

— А-а. Яхши. Энди, нима десам экан... Саодат ака, сиз гапиринг.

— Мен айтаримни айтдим.

— Э, йўқ, тақсир, — деб қолди Тошболта. — Менинг сизга берадиган асосий саволим шундан иборатки, мана — сиз, кимсан вилоят Бош прокурори ҳуқуқматимиз расман манъ этган ўйинга келдингиз... кўпарига... Ҳўш, сизнинг бу таширфингиз шу ерда қолмайди, оғажон. Бутун районга ёйилиб бўлди. Энди полвонлар, чавандозлар орқали етмаган жой қолмайди. Мен юз прасент ишонманки, бу таширфингиз худди вилоят обкомимга етиб боради... Мана, Бўрибой акам айтсинлар, Оқбой чўпоннинг тўйида катнашгани, кейин уч-тўрт оғиз кўпарини маъқуллаб гапирганлари учун райкомга қақчириб қўсишган эди... Энди, айтмоқчиманки, сизни, оғажоним, обкомга қақчиришмасми? Ҳар холда партия ташкилоти — юртингиз эгаси...

— Мен тушундим, — деди Саодат ака ва Акмалдан сизга олиб бемалол тутатди. Кейин ўйлини қилиб, болохонадан тушиб турган чирокча, кейин Акмалга қараб жилмайди ва овозида сезиларли шўхлик ила: — Тошболтабой, — деди. — Чумқудан қўрққан тарик экмайди, деган мақолни эшитганмисиз?

— Во-о, — деб юборди Тошболта. — Ҳозир ўзимни ташавораман! Ҳўш-ҳўш, акажон?

— Шу-да, — деди Саодат ака.

— Нима, сизни обкомга қақирмайдим?

— Қақирар, — деди Саодат ака. — Ўзи тўй сезони бошлангандаёқ обкомга чорлаб айтишган эди. Шундай-шундай, ҳўш,

кўпарига, айникан, қарши туриш керак. Ҳим, бу отбозлик, жангариликлар яхши оқибатларга олиб бормаيد. Халқнинг руҳига таъсир этиши мумкин...

— Фурурини ўйғотиши мумкин, — деб илова қилди Акмал жahl билан. — Мен ҳам бор эдим ўша йиғинда... Ҳатто Саодат акамни ўрнидан турғизиб топшириқ беришган эди. Орган одамлари ҳам бундай босмачи тақлид ҳаракатларга барҳам бериши лозим, деб...

— Тўғри, — деб сизга таниш чукүр сўриб тортиди Бош прокурор. — Биз иримига яраша тегишли одамларимизга топшириқ ҳам бериб эдик. Лекин, улар ҳам — тушунадиган одамлар...

— А-а, — деди Тошболта ошиқ, — Ту-шун-надиған! Зўр... Кечирасиз, саволимнинг давоми: айтинг-чи, оғажон, шу — ўша обком секретарлариям ту-шун-надиғанларми кўпарини?

— Ҳе, нималар деяясиз? — деб, астагина қулди Саодат ака. — Нима, улар ўзбек эмасми? Одаммасми демокриман... Акмал, қизик-а? Тошболтажон, улар ҳам — шу юртининг фарзанди. Шу юртни, шу элни, унинг урфу одатларини яхши кўришадими. Лекин...

— Ҳўш-ҳўш?

— Ноиложи чан ракат, деган экан... Мусулмон одам мажбур бўлганда беш ракат намозининг иккитасини ўқисаям амалга ўтади. Шундайки, улар ҳам ноилож-да, ука.

— А-а, у ёқдан, тепадан, оғаларимиздан...

— Энди, шу-да.

— Тушунари. Кечирасиз, охириги саволим. Бизлар қарамиз-а ўша ёққа?

— Ха-ха! — деб дўқлаб юборди Акмал. — Ҳамма нарсани билиб туради-ю, тагин сўраганини бунинг... Бўпти, гап таом. Ҳей, Бўри, буларга жавоб бер энди. Ана, машиналарнинг аккумулятори ўтириб қолади. Қани, отахонлар, хушлашайлик энди... Олқор бодом, барча дуомларингиз ихобат бўлсин. Ҳақиқатан бу хонадонимга тўй-томошалар бўлсин!

— Омин, омин!

Машиналар ҳўнаб кетишгач, Акмал:

— Ана шу-да, халқимизнинг даражаси, — деб тўнғиллади.

— Йўқ, тўғри. Ҳаммаси табиий, — деб қўйди Саодат ака ва яна Бўри Қоранинг тирсагидан қўлини ўтказиб олди. — Худого шукур, жуда маза қилдим-да, — деди гўё ўзига ўзи. — Қандай яхши одамларимиз бор, одатларимиз бор... Эй, ой чиқибди-ку? Арпали... Юракка яқин ном «Алпомиш» даям бу ном бор-а?

— Бор, бор, — деди Бўри Қора, унинг кўкраги қабаргандан қабаир борар, шу тунни ҳам, осмонлару ойни ҳам кучиб олғудек эди.

Ахир, у кўпарини тушунди... Йўқ, тушунган нарсаларини қайтадан аналган эди. Булар — Акмаллар чиндан ҳам маслакдош экан. Эй, шундай инсонларнинг борига шукур. Қолаверса, ўша — миллат деб, Ватан деб ўтиб кетган шоирлар олимларнинг оталарига раҳмат. Ҳа, улар зўр одамлар бўлишган. Қанча қийноқларга чидашган. Тўғри, кейин ўлиб кетишган...

Насиб бўлса, мана бундай — Саодат акадай одамларнинг ҳам номлари қолади. Бу ердаги гап-сўзлар ҳам ёйилиб кетади энди... Халққа етади. Фурур, фурури кучаяди.

О, жуда маза бўлар экан — фурури бўлиш, ўзингни миллатсевар, ватансевар, деб билиш...

Жамоа беихтиёр кўча бўйлаб жилишган эдики, ҳадемай деворлар ортда қолиб, ўша — азиз ва муқаддас Арпалига рўпара бўлдилар. Кундузи кўёш нурига қўмилиб ва яшаб ётган адирлар ҳозир ой нурида мизғибганга ўхшар эди.

Ай, елпинди шамолларингдан айланая, Арпали! Ана, Тўполоннинг босиқ гулуси ҳам эшитилапти. Оқавер, эй, онажон дарё! Сениям борингга шукур.

Бир маҳал орқа томондан машинанинг варанлаган сигналли эшитила бошлади-ю, Акмал бошини бурмаёқ:

— Ақром... Бизнинг машина келди, — деди.

Оқшом меҳмонлар машиналар қарвонига келишган чоғдаёқ Бўри Қора қайси биридан Акмалнинг ўғли тушар

экан, деб күз тиккан, ammo кейин билишича, Акром Назар қассобнинг кенжа ўғли билан балиқ овига кетишган экан... Мана, ниҳоят, келишди. «Уҳ — деб хўрсиниб қўйди Бўри Қора ўзимга кутмаганда. — менинг ўғилларим бўлса, аллақерларда... Йўқ, улар билан ярашим керак. Қайсарлик қилма, Бўри! Айтмоқчи, шуни эсда тутгинки, улар ҳам — қайсарчалар...»

Бўри Қора учун кейинги фикри кашфиётдек туюлиб, кайфияти яна кўтарилиб кетди. Саодат ака у кишининг тирсагидан қўлини тортиб, узр сўради-да:

— Эй, Назар, қаердасан? Тўхта, — деб қассобнинг ёнига борди. Бошқалар йўлда давом этишарди. — Назар, бир-икки нарсани сўрасам сендан?

— Сўранг-сўранг, Бўри ака... Лекин меҳмонларни ўйлаётган бўлсангиз, ташкилини қип қўйганман, — деди у.

— Нимани?

— Улуш... Уларнинг улушини айтаялман.

— Э-ҳа. Қаерда?

— Хозирча уйда. Мана, машиналари келди. Йўлақчи багажга солиб жўнатаман.

— Ҳм, раҳмат. Харҳолда шаҳарда яшади-да улар...

— Биламан, ака. — Кейин Бўри Қорага бошини қанқайтириб деди: — Сизнинг улушингиз шу ерда.

— Тушунмадим.

— Шу ерда. Такхонадаги омборингизда, — деб кулди қассоб. — Носир укангиз яшириб қўйди. Ким билади энди, сизнинг хўйингиз бор. Ҳар нарсани ўйладик-да...

— Э-э, сени қараю... Шошма, — деб унинг тирсагидан қисиб ушлади Бўри Қора. — Мен-чи, мен нима қилсам экан? — Қилдингиз. Зиёфат яхши ўтди... Сиз шошилманг. Чопон сиздан бўлади...

— Барбир-да. Шунда хаёлига бузоқли сигир келиб, барча ҳаражатларини биргина бузоқ қоплаб юборишини тахминлади. Кейин: «Биронта қўзини сўйиб, иккига бўлиб...» Уйи чала қолганча тилига чикди: — биронта эчкими, қўйми сўйиб, багажга солиб қўйсаммикан?

— Багажда жой бўлмайди, — деди қассоб ишонч билан. Кейин Бўри Қорани юпатган бўлди: — Э, ака, куннинг кўпи билан юборасиз. Биламан, жўрангизни йўқлаб турасиз...

— Эй, сен булар билан қандай қаймоқлашиб қолгансан-а? Тоза пухта экансан-ку!

— Ҳе, бунинг тарихи узун, Бўри ака. — Кейин Бўри акасига пастдан жилмайиб боқди. — Супрақоқтига боринг... билиб оласиз.

— Энди, албатта...

— Ҳаммасини айтиб бераман... насиб бўлса, районнинг катталариям келишади.

— А-а-а.

Шунда гудрлилаб тўхтаб қолишган Олчинбой билан Қуролбойга тўқнашиб кетишарди. Йигитлар дарҳол айрилиб, буларга йўл беришди. Бўри Қора уларнинг эғнидаги чопонларига қараб кулимсиради-да:

— Ҳов, эсларингизда бўлсин, — деди. — Мендан бемаслахат бир қадам ҳам...

— О, албатта, устоз! — деди Олчинбой.

— Сиз улуг одамсиз, — дея Бўри Қорага интилди Қуролбой. Бўри Қора унинг узатилган қўлини Олчинбойга тутқазиб:

— Сизлар ҳам... одам бўлинглар энди, — деди. — А, Қуролбой, эсингни йиғ...

— Тушундим, устоз.

— Ҳа эса, Назарбой, — дея олға босди Бўри Қора, — сиз ундай қилсангиз, биз ҳам кейинроқ...

— Насиб бўлса...

— Ҳой, Акрам! Отаюртга келдим деб, шундай юриш экан-да? Ке, қани, бир қўришайлик! Балиқ овига боргандан қўра бобондан қолган томорқага бормайсанми, бола!

— Амаки, томоркамизниям кўрдим, — деди йигитча.

— О-о-о, Акмал! Сендан ақлроқ чикди ўлинг.

— Шундай бўлишям керак-да! — деди Акмал.

— Қани, ичкарига тортинглар! Саодат ака... Э, боровасизлар-да. Кечаси узоқ... Айтмоқчи, Саодат ака, барбир сизни қуруқ чиқармайман. Чопонингизни олинг. Кейин, майли... Носир, айвонга жой қил! Дастурхон тузат! Ичкари дим экан.

Умар сичи шу ерда меҳмонлар билан хўшлашди ва уларга оқ йўл тилаб, орқага қайтди: хаҷри кўрада эди. Борнинг ўртасида боғлиқ турган Чибор бирдангиза кишнаб, буларни қарши олди. Бўри Қора хўшёр тортиб:

— О, менинг Бойбирорим! — деб хайқирди. — Корнинг тўқми? Менин ё бердинг-а?

— Ҳа, аллақачон. Сув ҳам бердим.

— Раҳмат, ука. — Кейин яна ховлиқиб, Саодат аканинг биллагидан ушлади. — Чибор сузишимам боғлайди! Носир ҳам ўргатди, ўзим ҳам. Ҳе, бир куни Тўполоннинг бу ёғидан у ёғига, у ёғидан бу ёғига олти марта сузиб ўтди. Устидан ўзим... Ҳе, бу алмаат жонот бўлди-да, кўз тегмасин. Узим-ниям кўзим тегмасин. — Кейин қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади. — Зотни олгандан кейин Чиборни дарёга солсам, а? Мисол учун-да... Бари отлик соҳилда қолиб кетади. Чапак чалиб қолишади... Ҳе, энди зотни бериб бўлман...

— Лекин уни баъзан ямаас экансиз, — деди Саодат ака зинапояга етганда Чиборга қўз ташлаб.

— Э, ҳа, шу, билмай қоламан-да ўзимам...

— Ақл, ақлни шиллатсанг, бўлди, — деди Акмал. — Сен баъзан ўйламай қолсан...

— Ҳимм.

### 35

Бир-бирига мингшиб кўтарилган қоялар ҳам алланечук шишинганга ўшаб кўринар, ёнбағирдан кесиб асалган супалар эса ям-яшил майсалар ўсадиган чимзор бўлибми — ариқзор бўлибми кетган. Дашт қиёфасига кирган тупроқ уюмлари ҳам оддий тепачаларга айланиб қолган эди. Арпа-ли ҳамон ястаниб-яллайиб ётар, фақат йилқилар уюри пайдо бўлганда ёки юзлаб чобагонлар от чоптирганларида, яъни кўпқари маҳалларда дашт дафъатан жонланиб тўёк товушлари қайтарар, дарҳақиқат, кўпқари чопилган онлардагина у тирилиб қолгандек бўлар эди. Бунинг устига унинг бағрида талай отларнинг излари қолар, гўёки бадани ярадор бўларди. Бироқ яна киши билмас ҳолда яралари битиб, топталган ўт-уланлар яна бош кўтарар эди.

Яна шуни қайд этиш мумкинки, ҳар йили айни баҳорда бу адирларда улоқ чопилар, илло Тўполондан кимдир тўй қилар эди. Бундан ташқари, айрим қўшни туман тўйчилари ҳам кўпқарисини шу ерда ўтқазиб, бунинг хайрон қоғарли жойи йўқ эди. Ахир, қаер қўлай — текис, отлар учун хавфли бўлмаса, ўша ерлар кўпқари учун манзил бўлади-да.

Назар ота тўйининг давомини шу ерда бергани ва ўша кўпқарининг доғруғи ҳе-е, дейлик, Доғистонларга етгани боис бу манзил тўй қилгувчилар учун қандайдир жозибали бўлиб ҳам қолган, қолаверса, бу ерда чопиладиган кўпқарига шу ерлик аҳиб-мўъжизавор бир Бойчироб деган отнинг тушуви ҳам безак бўлардики... тўйчига яна нима керак? Ахир, кўпқариси ҳам қизик ўтса бўлди-да!

Ўтган уч-тўрт йил мобайнида Бўри Қора анчагина эт қўйиб, бакбақалари ҳам осилиб қолган, тақа мўйловидаги оқлар кўпайиб, қошларига ҳам қиров кўна бошлаган эди. Табиий, туфлини Олчинбой орқали янгилатмоқчи бўлган эди, мавриди келмади. Кастюм эса — ўша-ўша, ҳатто «химчиста»га ҳам тулмаган эди. Ўз пулига уст-бош олиб ўрганмаган одам фавқуллодда ўзига лойиқ кийимни кўрганда, худдики уни олса, назарида, пулни бекорга совурадигандек ва ҳатто бачканалик қилиши, борингки, қариликда — йўрғалик, деганларидай — олифталчилик қилиши мумкиндай туюлар экан. Бинобарин, ёшига муносиб — сипо кийиниши истаб, бу истакни уйдаги эски-тускиларни эгнига илшиб билан қондираркан. Аммо шуниси ҳам борки, Бўри Қора бундай ҳолларда ич-ида ўзини ўзи алдаётганини ҳам сезиб турар, баъзан бу ҳолатга икор бўларди. Ўтган йиллар мобайнида Бўри Қора

яна-да бадавлат бўлиб кетган: Тогдаги молларнинг тўғидан кўпайгани ўз ўйлига, уларнинг сафига ҳар йили баҳор охирида ўнлаб қўй-эчки, сигир, серкалар ҳам бориб қўшларди.

Маълумингиз, бу мол-ҳолки Бўри Қорага... Чибор-Бодомгул тоғиб берар, яъни, кўпқарилардан «айриб» чиққан зотлари ҳисобига келарди булар. Дарвоқе, бундай «ўйлалар» нафақат жонли жонзотлар, балки уй жиҳозларидан гилам, шолча ва палослар ҳам бўлардики, улар, албатта, тахонадаги омборга жойланар, баъзилари Носир орқали пулларар эди.

Бўри Қоранинг кўпқаридан айирмагани — машина билан тую қолган эди, холос.

Биз «айирмагани» деб нақ Бўри Қорани кўзда тутаётган эсак-да, бу йўригда Носир полвоннинг ҳиссаси кўпроқ бўларди. Чунки кейинги бир ярим йил давомида Чиборни асосан Носир чопар эди. Буни қарангки, Носирбой ҳаракат кўплигиданми — хийла озиб, суроби тортилиб қолган, турган гапки, унинг йўқотган этлари мушак-пайларга айланган эди. Аммо-лекин Чибор унга-да содиқ, илло уни Бўри Қоранинг бир нусхаси каби тан олар эди. Қолаверса, Носир уни ҳар қандай шариоатда ҳам урмас, камчи чотмас, бир ниқташу, бир «қў!» билан кифояланарди, холос. Боз устига, уни ўз ҳолига қўйиб беришни хуш кўрар, бундан ўзи қанчалар завқланса-роҳатланса, аини кучга тўлиб, жони жасадига сиғмай бораётган тулпор ҳам шунчалар хузуур қилар эди.

Чибор шундай етилган, шундай кўркам ва чиройли, тагин — маргур ва қадимги жанг аргумқоқларига ҳос бўлган йиртқичона шижоати ҳам авжига минган эдики, бундан атиги икки-уч йил бурун уни кўрганда олам-олам завоқ олади-ган, томоша қилиб тўймайдиган одамлар энди ундан... хайқишар, уни олисроқдан кузатишни маъқул билишар ва баъзи томошабинларнинг: «Бу одамжўр бўлади-ёв...» деб пичирлашларини ҳам эшитиш мумкин эди.

Унга бундай нисбат берилишига Чиборнинг ўзга отларга шафқатсизлиги, олдиндан келса — тишлайди, ортидан келса — тепади, деганларидек ундай-бундай отни яқинига йўллатмаслиги ҳам сабаб эди, албатта. Чибор йилки уорларини бошлаб-бошқариб юрадиган ва барчасининг ўзига кулоқ қўқмай бўйсунушига ўрганган, инчунин, уордан четга чиққан бебошинг бўйнидан тишлаб отиб юборадиган ёхуд олдинги оёклари йила аёвсиз тепкилаб, ўлар ҳолига етказадиган машхўр айгирларни эслатар, улардан фарқи — бунинг уюри йўқ эди. Шунинг учунми кўрга кирган барча отларга ўз ҳукмидаги бия-байталлардек қарар эди. Шуниси ҳам борки, ўзга отлар ҳам Чиборни кўриб-қ, олдин тикрайишиб, кейин чимирилган кулоқларини ҳатто ётқизиб ҳам қолар, аммо ердаги солим устида бўладиган торта-торт маҳалларида ул жониворлар қандайдир пинхона туйғулари тақозосида гоҳо уч-тўрттаси уюшиб, ёлғиз бўрини ўраган итлар галасидек Чиборни «таламоқчи» бўлишар — бири у ёндан, бири бу ёндан келиб, дуч бўлган жойига оғиз солишар, шу боис қурдан зотни олиб чиққан Чиборнинг танасида хийлагина жароҳат изларини ҳам кўриш мумкин бўларди. Айниқса, ўзига таниш — чоғишиб юрган айгирлар орасидан чиққанида...

«Ўзига таниш» деб қўйилар. Бунинг боиси қўп. Чиборнинг чопадиган майдони энди жуда кенгайиб кетган, яъни водийнинг бошқа туманларини қўя туринг, бошқа вилоятларга ҳам сафар қилар, Рўзубой жарчи айтимиш «бу ёғи Тожикистону у ёғи — Туркманистон, қўшни Қашқадарё водийсига» ҳам унинг оёғи етиб, донғи кетиб бўлган эди. Уша ёқлик айрим тўйчилар Бўри Қоранинг уйига айтувчигина бўлиб эмас, ҳатто юк машиналари билан ҳам келишар эди. Тўғри, Чиборнинг машинада юришга тоқати йўқ, аммо Бўри Қоранинг амрига шаксиз бўйсунар, кабинада кетадиган кекса «чавандоз» Чиборни кузовда ётиб кетишга ҳам мажбур этарди. Бунинг учун унинг бир оғиз «Ет!» деб амр этиши отга кифоя қиларди.

Бўри Қоранинг табиатида аввалдан мавжуд бўлган, хавф туйлганда, шеригини батамом унутиб, кейин айбини

бўйига олмай, иложи борича ўша шерикка тўнкаш ва сувдан куруқ чиқиб кетишга ҳаракат қилиш одати ҳам энди катта миқёсларда намёнён бўлар эди...

Носир Чиборни миниб кўрга оралар экан, о-о, Бўри Қора атайин баланд қоялар устига чиқиб, қўлларини орқасига қилиб турар, ичида эса юрак дегани гулгиллаб урар, тилида шу сўзлар: «Э, художон, шарманда қилма. Чиборнинг душмани кўп, қоқилиб ўлсин бари...» Кейин ён-веридидаларга бепарвогана қараб: «Тавба, шулар ҳам от бўлдимки, а? Эшакдан фарқи йўқ-ку буларнинг? Эгаларининг кўзи қайда экан?» деб кўярди гўё ўзга отларга ачинган бўлиб.

Носир кўпқаридан айиргани кўйми-эчки — бўйига чил-вир солиб жилар экан, баъзан ҳатто терлашга улгурмаган Чиборни миниб олган Бўри Қора туддан ҳам баланд бир ҳайвоннинг устидадек тарқалаётган одамларга кибрили караш, отликларга эса мийиғида кулимсираш билан кетарди.

Кечаси... кечаси тўшагига кириб ётганидан кейин кўпқари маназараларини кўз олдига келтириб таҳлил қилар ва ўзининг қилиқ-қилмишларига ҳам баҳо берар эди. Масалан: Бўри Қора! Қўриқ, маккор, шайтонсан-у, шунинг учун ҳам одамлардан... Бас! Шу ўзим, ўзим бақовул бўлганимдами! Қийқиратардим... Лекин кўпқарига кирмаганим ҳам тузук бўлаёттир. Кучдан қолаётганим ҳам рост-у, ҳозирги маквё-көвмаквө тўғри келмайди-да, от чоптириб юриш. Талашми...

Худо Чиборининг умрини узун қилсин. Шу от бор — не гамим бор. Сирасини айтганда, обрўйим-кшатилигим ҳам ундан, бойлигим ҳам... Ҳозир эса, умуман, суяниб қолганим — шу...»

Бўри Қора тўшақда ўйлаб ётиб, бирдан туриб ўтирди. Негадир отидан хабар олгиси келди: унинг тўёқларига ҳеч қарамайди-я? Иттифоқо, кулиб юборди: «Тавба, тўғи шикастланган Бойчибор оқсаганида, бу Чибор оқсамасиди? Қолаверса, бу одамжўр-ку... Эй, ёвузлиги ўзимга ўхшайди-е. Бу нарса унинг асли феъллида бормиди ё мендан юқдимикан — Қизик-а. Синчидан сўрайман...

Аммо «мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади», деган гап ҳам бор... Мен — бунинг эгасиман! Ёлғиз эгаси!

У эса — менинг мулким!

Тавба, одамзот ажоийб экан-да: итнинг садақатидан фойдаланади, бошқа молларнинг бошқа томонларидан. Отнинг эса... Буниям турган-битгани садақат...

Бўри Қора, ниҳоят ўридан туриб, кийинди. Айвонга чиқди. Ва шунчаки кампирни безовта бўлмасин учун томоқ қириб, йўталиб қўйган эди, адоқдан Чиборнинг-да хиринглаб қўйгани эшитилди.

— Вой, овозларингдан айланай, — дея зинадан тезлаб тушган Бўри Қора ошхона олдида ўтиб, кўрага ақинлашаркан, Чибор энди кишлаб қўйди. Бўри Қора қувончдан бир антиқиди-ю, ҳоҳлатхонага етганда деворни пайпаствлаб кўра чирогини ёқиб юборди.

Чибор жовинчида бўлгани учун гоётада йирик ва арслондай хотиржам кўринди. Аммо унинг Бўри Қорага ялт-юлт этиб тикилган кўзларида бир хавотир бор, яна: «Эгам, нима қилиб юрибсиз?» деган маъно ҳам йўқ эмас эди.

— Ҳе, жонвор. Э, арслоним. Қанотим... — Бўри Қора таъсирланиб кетиб, ўйма зинадан паства тушди. Ва борасолиб отнинг бўйнидан қумқочки эди, қўли етиб-етмай қолди. Шунда ички бир титроқ ила отнинг яна-да етилгани, ўзининг эса яна-да чўққанига икор бўлди. Кўзига ёш келди. Ниҳоят, отта паствдан боқиб: — Энгашин-е, жонивор манглайингдан бир ўпай, — дея ёлидан тортиди. Кейин нуқтасидан қаттиқ тортиган эди, от бўйини итгокорлик ила эгши ўрига ҳазиллашгиси келгандай бўйини гаҳ қилиб, тумшугини кўтарди-ку! Бўри Қора унга ҳайрон бўлиб қараб қолди-да, отнинг чаккасига... бир шалпоқ тортиб юборди.

— Аҳмоқ мол! Изаатини билмаган мол! Ит иззатини, эшак тарбиятини билмас экан. Сени суймоқчи бўлдим-ку, ҳайвон! — Афтидан ҳайрон қолган аргумқоқ бошини бир-икки сил-китди-да, гарибона бир тарзда эгди. Бўри Қоранинг энди

уни ўгиси келмай қолди. Ҳатто отнинг бу ғариблиги унга қандайдир ёқмади ҳам.

Ортига чекини, креслога бориб ўтирди. Кейин нос чекини си келиб қолди. Носи йўқ...

Бунгаям шу от сабаҳидек туюлиб нима деётганини бил-май қолди:

— Ёт! Ёт девяпман сенга! — От жонивор бадтар эгилди, тиззалари букилди, орқа оёқларини ҳам букишга хозирлаётганида, эгасининг навбатдаги қийқириги эшитилди! — Тур! — От сакраб оёқларидан туриб олди. — Ёт! — От яна тиззалай бошлади. — Тур! — От қаддини тиклаганда, яна амр келди: — Ёт!

Нихоят, Бўри Қора қаноатланиб ўрнидан турди. Кўпқариларда ҳам пишнашни пайқаш қийин бўлган тулпор хозир... хансирамоқда эди.

— Менкимисан? Хусусий мулким. Хоҳласам ўлдираман. Хоҳласам, сийлайман. Кампиримдек, мана шу дархтлардексан, нодон махлук... Аммо жуда зўрман-е, худо ҳаққи! У, район халқини тебратор эдим... Қарангки, мол ҳам шунчалар итоат қилади менга... — У шу тарика фўлдирраган куйи чирокни ўчириш ҳам ёдидан чиқиб, зинапояга етганда тўхтади. Ич-ичлари қандайдир оргиниб кетди: негадир шу тобда Чиборнинг кишанб қўйишини истади. Боягидек... Бир кўнгли яна қайтиб бориш ва ёлларини силаб-сийпаб, қайтиб келишни ҳам ўйлади. Лекин оёқлари зинага босган эди. Айвонга чиқди. Уйга кирди. Жойига чўккалаб ўтирди. Кейин чўзилди-да, отига бешафқат бўлгани каби фарзандларига-ям аёвсизлиги ёдига тушиб, нега бундоқ экани ҳақида ўйланиб ётди. Ва бу жумбоққа жавоб тополмай уйкуга кетди.

### 36

Яна баҳор... эди. Яна наъматаклар гулда... Тўполоннинг ҳам суви тошган. Ҳавоям тез-тез айил турар, гоҳо ёмғир қўйиб берса, гоҳо дўл ёғар эди.

Аралли даштларини туман босганга ўхшар, сирли ва кичрайиб қолгандек туюлар, қуёш чиқса... уфқларгача очилиб, яшиллик оламини кўзга ташланар эди.

Майдонга тушиб чолинг қелади. Лекин қадам босиб оқ тўхта қолишинг мумкин, илло, намчил ер ғижирлайди ва бу сас нариларида ҳам эшитилади: «Бизни тинч қўй, изингга қайт», деб зорланаётгандек бўлади.

Шундай кунлар эди.

Бундан уч-тўрт йил бурунроқ тўй қилиш орзусида юрган ферма мудирини Жовлибой (уни Мойлибой ҳам дейишарди), ниҳоят, чўпон бўлиб қолганидан кейин тўй беришга жазм этибди. Тўғри-да — чўпон тўй берса, гап-сўз ҳам кам бўлади. Шу боисданми, Назар қассобнинг тўйидан кейин расм бўла бошлаган — жар чақиртиришга ҳам журъат қилибди.

Бу янгиликни ҳам, одатдагича, Бўри Қорага етказган Олчинбой:

— Устоз, қизиги шундаки, кўпқарига туя қўядиган бўпти, — деди.

Бўри Қора дархтларни бутаётган эди. Қўлидан ток қайчиси тушиб кетди.

— Туя?

— Ҳа, бўталок эмас. Ростакам нортуя.

— Ё, тавба. Тоза йиққан экан-да, йўғасам? Тўғри, энди ферма мудирини мол бўлмаса, молнинг қуригани шу... Ҳалиям бешта совлиқни қишдан омон обчиққан чўпонга бир кўзи муқофот берилладими?

— Албатта. — Кейин қиқирлаб қулди Олчинбой. — Лекин давлатнинг моли қоғозда, холос. Тирик мол чўпонларнинг қўлида... Эй, қизик бўлар экан булар! — деб қайнда тўл кампанисияи муносабати билан чорвадорлар ҳузурида бўлганини ҳиққа қила кетди: — Санок пайтида чўпонлар ўзларининг молларини қўшиб санатар экан. Ҳатто бир отарни икки-уч маротаба...

— Ай, биламан, — деди Бўри Қора. — Бўриям фақат давлатти молини ейди, сел-ёмғир ҳам давлатнинг молини об-

кетди... Ҳе, уқкағарлар. Ҳа, тўйдан гапир.

— Шу, бозорда жар чақиртирди-да...

— Ана холос... Демак, Мойлибой район катталарининг ҳам олдидан ўтган-да?

— Турган гап, устоз, ҳатто, — дея илжайди ёш прокурор, — райком котиблари ҳам тўйда иштирок этиб, кўпқарини томоша қилишга ваъда беришди.

Бўри Қоранинг энсаси қотиб хўрсинди.

— Чўпоннинг тўйи-да...

— Балли! — Олчинбой тагин ховлиқиб, янгиликлардан айта бошлади — Мойлибой марказгаям бориб кепти. Саодат ака билан Акмал зўрангиз ҳам кўпқарини кўргали қалаган бўлишибди!

Бўри Қора бир энтикди-ю, босилди.

— Ҳа энди, пенсиянер одамлар... Юради-да. Айтмоқчи, Саодат акага вивогвор беришганимди қассобнинг тўйдан кейин?

— Э, йўқ, устоз! Жўрангизга баришган. Саодат ака ишдан олинган эди.

— Ҳим, улар келишса, уйга чақиршимизам керак-да, а? — Бўри Қора шундай деб, сал ғижинди: назарида, пенсияга келди қилган қариларини чақириб, зиёфат бериш галати туюлди.

— Албатта, устоз! — дея Бўри Қоранинг чала саволига жавоб берди Олчинбой. — Қурол тентак ҳам уйига чақирмоқчи — деди.

— Уйи... эпақага келганми ўзи?

— Ҳе, дангиллама бўп кетган... Анюв атлас фабрикаси бор-ку, ўшанинг бир цехида суний ипақдан атлас тўқилар экан-у, табиий ипақдан деб сотувага чиқариш экан. Юсуф бобо келиб айтди. Кейин нима бўлди, дерсиз... Фабрика директорини ўртага олди. Охири мен дангалига шарт қўйдим: «Гулдургул. Туя кўрдингми — йўқ... Аммо мана бу думалоқ бошли Қуролбойнинг ухастасини қўғирчоқдай қилиб бера-сиз. Лаабай?» Директор бизга ташақур айтиб чиқиб кетди.

— Ҳим, Қуролбой ҳам... а?

— Одам бўлапти.

— Ҳўш, яна нима янгиликлар бор? Фақат шу нарсаларни айтгани келдингми?

— Э, бу... хушхабар эмасми, устоз?

— Хушхабарлиги шундаки, кўпқарига... туя қўяр экан. Гапинг рост бўлса!

— Ҳали замон айтувчиларим келиб қолади, устоз. Ушлардан ҳам сурашингиз мумкин.

— Яхши... Эй, кампир, чойинг нима бўлди? Менга қара, бу... ҳавонинг авзойи бузук-ку, а? Эслайсанми, хув-в Чиборни Тўполон олиб келган йилдам дарё ҳозирғидай кутурган эди. Кечаям яхши ўхлолмади. Раёнинг вағиллагани шундай келиб турди... Кўпқари — индингами? Ёки...

— Индин чошгоҳда бошланади!

— Ишқилиб, ҳаво очилиб турсин-да, — деб тўнғиллади Бўри Қора. — Ҳадеб сел келаверсаям...

— Сизга бариб эмасми! — деди Олчинбой. — Биринчидан, тулпорингиз балиқдек сузади... тўғрими? Сел-пелни писанд қилмайди. Тоза ҳавосини олган.

— Шундайку-я, кўпқарига ўзим тушишимга тўғри келадими дейман-да, — деди Бўри Қора. — Носир Керағатовга кетган. Биласан, қўйлар қўзилайяпти...

— Ҳа-ҳа. Аммо Мойлибой кўпқари сезонини очиб берапти бир ҳисобда, — деди Олчинбой. — Демак, одам кўпкелади. Соғиниб қолишган кўпқарини... Айниқса, чўпоннинг тўйи. Хотин-халаж ҳам ёғилиб келади.

— А-а, рост айтасан.

— Устоз, кўпқарига ўзингиз тушсангиз... Гижинтойни ми-ни... От сизга жуда ярашадими-ю... Худога шукур, ҳалиям бақувватсиз! Менга ўшаганнинг ўнчасига бас келасиз.

— Қурамиз-да, — деди Бўри Қора хозирроқ ҳажжонлана бошлаб. — Лекин туяни айириш учун... бу ишни Носирга ҳам ишониб бўлмайди.

— Яшанг! Ана, чой келаяпти. Ҳозир... — Олчинбой зинадан

тушаётган момага пешвоз югуриб бориб, чойнак билан бир жуфт пиблани олди. Момо ила сўрашиб, яқинда шу ерда — меҳмонхонада тагин бир зўр зиёфат бўлажагини айтиб, унга куч-қувват тилади. — Биз ҳам белимизни қамишдан боғлаб хизмат қиламиз!

— Эй! — Нихоят, ўтлар орасидан тоққайчини олган Бўри Қора Олчинга тайинлади — Кейин менга Умар синчини топиб, юборасан, — Шунда бирдан кўра томонга қараб, бақириб юборди — Чибор! Гижинтой! Эшитаянсени бу гапларни?! Эй, Олчин, шу от сеза бошладими-а, кўпқарига киришини? Менинг овозимдан кайфиятимни билади-да!

— Буни қаерга кўйя?

— Менимча, шу ер маъқул. Бор, кўрага бор. Креслоларни олиб ке. Бир маз қилиб ўтирайлик. Қара, мен тетикланиб қоляпман, Олчин.

— Шундай бўлсин-да, устозим! Кўпқарига кирадиган от қандай аҳволга тушса, кўпқаричиям шундай ҳолга тушаркан.

— Ҳой, Олчин!

— Лаббай, усто!

— Секин... Хурқитмай туш. Бегоналарни хушламайди.

### 37

Тонг-азондан Асаролар бўйида карнай-сурнай чалина бошлади.

Мойлибойнинг омади бор экан. Кеча кечаси ёмғир ёғмаган, ақсинча, ҳаво дим бўлган. Бугун эса Боботонинг чўққиларидан энган қора булутлар осмонда қолмади: улар изидан эсган кучлигина шамол булут қарвонларини жанубга ҳайдаб кетди.

Мана, энди қувёш чарақлаб уфқдан бош кўтараётир. Осмон тип-тиник шишадай. Хавонинг ўтган кунгидек исиб кетиши шундоқ кўриниб турарди. Аммо-лекин кеча оқшомдан бери дарё тарафдан анқиб турган сассик қавракнинг ҳиди сойга сел келгани ва яна бостириб келаётганидан далолат берарди.

Умрида намозини ёлчитиб ўқимаган Бўри Қора бу тонг бомдодни меҳмонхонага яшириниб, ихлос билан ўқиди. Теран бир ишонч ила Аллоҳга ёлвориб омад сўради. Ҳамда кўпқаридан обрў билан қайтиб келса, бир серка сўйиб, худойи қилажагини ҳам ўзича пичирлаб айтди.

— Худо йўлида... Гуноҳларим кўп, тангрим. Ўзингга ҳавола, — дея пичирлаганча кўрага йўл олди. — Ёлгон гапирман. Худбинилгим ҳам бор. Шафқатсизман... Ҳатто Чиборни ҳам аямайман. Ҳолбуки, менга ундай содиқ жонзот бу оламда йўқ. Энди уни ҳам аяйман. Уғилларимнинг ҳам кўнглини оламан. Отаман ахир. Кенчиримли бўлиш — менинг бурчим эди...

Энди эгарлаб бўлғач, молхонадан хабар олди. Айвонга қайтиб чиқиб, қўл қовуштириб турган кампирга эҳтимолки, кўпқаридан кейин меҳмонлар билан келажагини билдирди. Шунда кимдир қақираётгандек бўлди. Эғлиб қараб, дарвозадан кириб-кирмай туришган малла биядаги Носир билан ҳачир минган Умар синчига кўзи тушди. Алпанг-талпанг пастга тушиб бораркан, улар чекинишди.

— Э, Носир?

— Кеча тоғдан келдим-у, синчи бобомнинг уйларига кирдим...

— Хўб иш қилибсан-да... Ҳим, Тўполон бўйича боринглар бўлмасан. Маъқул... четроқда туринглар. Отдан тушаман-у, ақроларнинг ёнига чиқаман. Улар барибир тепада томоша қилиб юрган бўлишади. Бундан буён оксоқоллар даврасида ўтирмайман. Арзимади улар... — Шундай деди-ю, бугун ўзи кўпқарига тушар экан, айни ўшалардан фотиҳа олиши кераклигини ҳис этди. Аммо барибир фотиҳа берилишини уялган ўз фикрида қолди.

— Ака, балки мен чопарман... — деди Носир мўлтираб.  
— Туяни ўзим олмақчиман... Гапбита. Бу — охириг чопишим, — деб кесди Бўри Қора. Сўнг уларни кузатиб изига қайтди.

Бўри Қора энди аста-секин шунданверса ҳам бўларди. Шуни уйлаб, айвонга чиқди. Шунда кампирини эски кўйлақда кўриб, (илгари кўрмагандек!) дафъатан ачинди унга. Афтидан, ундан ажарди... Ҳа, кампирни анчайин янги қовушга ҳам арзимайдигандек туюлар, шунинг учун момонинг сўворларини гўёки эшитмас эди.

— Ҳе-е, кампиржон-е, — деди беихтиёр. — кўшинлардан бўлсам янги кўйлақ олиб кий, бугун! Айтдим-а, ўша меҳмонлар яна келиши мумкин.

— Менинг ғамини еманг, чол, — деди момо. — Ўзингизни ўйланг. Шу ёшда кўпқарига кириш...

— Яҳши ният қил. Синглингни чақир! — деди Бўри Қора. — Йиқилсам, ер кўтаради. Чибор қараб турмайди!

— Албатта, албатта.

— Ҳим, болаларинг билан ҳам ҳадемай кўришасан.

— Илоё, иншоолоҳ...

Бирон ярим соатдан кейин тик турганича икки туюр қовурдоқни чайнаб-чайнаб томонидан ўтказган Бўри Қора лабларини куйдириб икки културм чой ҳам ичди.

Кейин айвонга чиқиб, кўлларини белига тираганича боғчага разм солди-ю, қийғос гуллаган гилослардан кўз узолмай қолди. Ена-ён ўтқазилган уч тупгилос битта бўлиб кўринар эди. Асаролар... аллақачон гулларга эга чиққан, қалалақар ҳам... додир ҳашорот экан-да: нуқул пилдираб, мастга ўхшаб учишади...

Бўри Қора атайин чуқур-чуқур нафас олди-да, тезлаб зинадан тушди. Ҳадемай кўрага етди:

— Ў, қардон дўстим! — деб хиринглади бирдан. — Байрамга... борамиз. Ўзингни бир кўрсатасан энди!

Чибор депсиниб турар, қумуш югани билан умилдирғи ялтйрар, бодомгулли ялтйроқ бадани кўзни қувонтирар, аста силкинаётган оппоқ-бароқ думи ҳам тараб қўйилгандек эди. Ёли... бўйнидан тушиб турган ёли... Э, шу ёлнинг елпиниши ўзи бир олам чирой! «Бу қизнинг сочиёқ — бир қиз», деганларидай бу туплорнинг ёли ҳам бир отга арзийди. Худо кўрсатмасин, бегона одам бунинг эгарига ўтириб қолсам... бир кунлик ерга отиб юборар-ов!

Ҳа, бу от ҳам бегоналардан ҳазар қилади.

Бўри Қора узангига чапоёғини кўйди-да, бемалол кўтарилиб, ўнг оёғини эгардан оширди. От қотиб турар эди. Отлик узангиларга алмисоқдан қолган тубфилларини маҳкам жойлаштиригач, устунга боғланган қилчилвирни ечиб олди. Жилвони бурар-бурмас от ўмровини кўтариб орқа оёқларида айланди.

— Дарвоза... — сўзи Бўри Қоранинг оғзидан чиқар-чиқмас кўрдикки, кампирни аллақачон дарвоза табакаларини ланг очиб, биттасини тортиб ҳам турибди. — Ҳе, отангга раҳмат! — деб юборди чол. — Сени тўққан энангям раҳмат.

— Омвин. Худо ёр, пирлар мададор бўлсин.

— Бўлади!

Бўри Қора беихтиёр бошини ҳам қилди. Чибор дик-дик сакраб бусағага етди-ю, отилиб ташқарига чиқди. О, яна ўткинчилар, яна табассумлар қаршилади буларни. Бироқ улар нигоҳида бу ажабтовур туплордан чўчиш-ҳайқиш бор эдики, дарҳол четланишди ҳам. Халқимиз шундайки, фавқулодда отилиб чиққан полвонларга ҳам, олиму уламо-ларга ҳам, ҳатто ўта зийрак болалару ўта гўзал қиз-жувонларга ҳам хайрон қолиб, шундай таъбирлашади: «Париси бор, деви бор, пирни бор...». Қолаверса, бундайларнинг қутилмаганда ва тезда бу оламини тарк этишларини-да ўзлари-ча идрок этишади. Яъни булар — ўзга олам вақиллари бўлиб, бу оламга вақтинча қелган меҳмонлардек туюлади.

— Кўрқманглар! Асовроқ хайвон-да бу! — деб қилди Бўри Қора ва юганини шунчаки силқитди. Шу кифоя эди. От отилиб-сапчиб кетиб, зум ўтмай Тўполон томонга ўнг бўлди ва жилвонинг тортилишидан таққа тўхтади.

Бўри Қора қирқоқдаги одамларни ялшироқ кўриб олайин деб, хўб тикилди. Бехуда тикилди: илло, унинг кўзлари ҳам илгариги кўзлар эмас эди. Бу холни фахилади-ю, орадаги масофанинг олислигини ичида қайд этароқ от биқинига

ниқтаб, тагин жиловни тортди. Ва «чўх-чўх»лаб отни йўрғалатиб бошлади.

От сувдай оқиб борар эди. Бўри Қора қимир этмасди. Кўзи олдинда, аммо асабларининг таранглиги боис атрофни кўролмас эди. Бироқ ич-ичида манзилга яқинлашиб бораётгани ҳамда у ёқдагиларнинг ўзини томоша қила бошлагани сезарди. Шунинг учун у ерга қай алфозда «кириб» бориш муаммоси тўғила бошлади. Пөлвонлару оқсоқоллар тагин ўша супаларда ўтиришгандир. Акмаллар тепада...

О, аяшимки офтоб орқадан афсонавий прожектордек нур сочиб кўтарилаетибди экан. Бўри Қора ҳам, ниҳоят, аниқ кўра бошлади. Ана, тепанинг ён томонида Умар синчи билан укаси турибди. Иккиси ҳам кўлларини мангаляйга соябон қилиб қарашаяпти бу ёққа. Улардан бериди — кўра, унинг атрофига чийдевор тутишибди. Девор оша — э, рост-ку! Туянинг ўрқачию тосунгай қалласи кўриниб турарди. Хўв тепада, ўша япаски тошдагилар эса... ўшалар — Акмал билан Саодат акалар...

Ана, совқотгандек алланечук кўнишиб, бу томонга қараб туришибди. Ана холос, яна томоша бўлиб бораётибсан-ку, Бўри Қора!

Лекин довидрама энди... Бу ўлканинг қахрамони сенсан. Илк томоша, олқишларга муносибсан, ахир ҳадемай шивир-шивир оқлишар бошланганди...

Ажаб, отликлар тўдаси тагин маррадан пастроқда уймалашиб туришар эди. Оббо, демак, отларнинг чавандозларнинг-да кўзлари буларда экан. Ҳа, отлар ҳам, чавандозлар ҳам «еб кўямиз», деб туришгани аниқ. Улар бу тулпордан безор бўлишган. Барчаси голиб бўламыз, деб келишган! Отлари ҳам, ўзалари ҳам Чиборни яна кўриб, руҳлари тушаётган бўлса, не ажаб!

Ҳа, кўпқариларни ҳам расво қилди бу қопагон от! Кўрга оралаганидан кейин кўпқари чолгинг ҳам келмай қолади, шекилли. Ҳамма нарсанинг қизигини ўзи билан олиб кетади бу... Ҳа, олиб кетар эди бултургача. Қани, бугун нима ҳўнар кўрсатар экан? Э, фалак, донгдор чавандозлар ҳам томошабинга айлана бошлашди-я! Бунга қандай чидаш мумкин?

Бу от ўлсагина... кўпқари ўйини ҳам, улоқчи -отлар ҳам, билмадор чавандозлар ҳам аччиқ аламдан қутилишади.

Қолаверса, Чиборнинг белига миниб ўтирган мана бу йўғон, қўпол ва гўдайган кимсани-да кўришга тоқатлари йўқ, О, унинг чавандозларга менсимай қарашлари, қулишлари ҳатто отини укасига бериб қўйиб, ўзининг тепа-тепадан томоша қилиб юришлари... даҳшат. Буларга-да чидаш қийин. Эй, Тангри, шунча чавандоз ўғлонларни хор қилиб қўйдинг-да, бу турки совуқ, худбин махлуқнинг қошида... Ҳа, у — махлуқ, Чунки унда номига хайрихолик бор, меҳр-шавқат ҳам йўқ, иззат-ҳурмат деганлари... Манзилга етишига юз қадам қолганда ҳарчанд мағруру масрур холда бораётган бўлмасин, берибир тикилган нигоҳлар таъбиқибди Бўри Қоранинг боши эгилга бошлади.

Шу холда Чибордан тўшди-ю, юганга боғлиқ чилвирни укасига берди. Кейин не бир тантанавор юришда тепага йўл тортиб, атрофига даярли қарамасдан, тепага Акмаллар қошига етди. Ажаб! Негадир қандайдир шумлиқ қилиб бораётган эди-ю, дўстига боққач, сирини ошкор этгандек, қаққос қулиб, бағрини очди. Уни қаттиқ кучиб, қулгои ёнидан ўпди. Кейин шоша-пиша Саодат ака билан кўришаркан, бирдангига вужуди титраб кетди...

Совуқ... Тўполондарнинг кўприб-пишқириб, қалқиб оқаётган сахидан эсиб турган муздек шамолми-шабадами Бўри Қоранинг баданидан ўтиб кетган эди. У башарасига сув сепишдан уйғониб кетган кишидек хушёр тортиб:

— Вей, бу ерда қайтиб турибсизлар? Пастга энайлик, — деди. Улар сўзсиз ўзига эргашадигандек, қўйига йўналди. Аммо икки қадам қўйилганда хатосини англади. Изига шарт қайрилиб, қулди — Сизларга раҳимин келиб, ҳовлиқиб қолдим... Лекин совуқ ўтиб кетди-да!

— Жир боғлаб кетибсан. Аксинча, совуқ сенга ўтмаслиги

керак эди, — деб хўмрайди Акмал. У хийла озган, шунинг учунми бўйи яна чўзилгандек. Саодат аканинг эса қошлари ҳам оқариб кетган ва иякдаги устарада қириш ёқидан чиққандек оппоқ соқоли ҳам бир бўғинлар бўпқолганди.

— Жир боғлабманми? — Бўри Қора юз фойиз товланиб, мўъжазгина қулди. Кейин бағоят камтарона — Рост, рост. Ҳаракат қамлигидан-да. Лекин, Саодат ака, шу гава билан кўпқарига кирмоқчиман. Нима дейсиз шунга? Акмал сен-чи? — Нимаям дер эдик, — деди Акмал овозида сезиларли гашиқ билан. — Чопсанг чоп. Тирик чиқшингга ишонсанг... — Маслаҳатинг учун раҳмат. Ишонч бор, жўра — Бўри Қора қулиб пастдагиларга мағрур қараб олди, — Айтмоқчи, ўтган сафар туркман ошналар кетиб қолишган эди. Яна келишимми?

— Ҳамма шу ерда, — Акмал чимирилиб, ёнбағирдаги қариялар даврасига кўз солди, — ёвузлик қилмай чопиш керак... Саодат ака, эшитдигиз-а, хўв ўша районда чопилган кўпқарида бир ўсимир туёқ остида қулиб кетган экан. Кўпқарини маън қилишибди. Ваабше... Бу чорани, тушуна бўлади... Гарчи мен отнинг одам босганини ҳеч кўрмаганман! Сен-чи?

— Мен ҳам. От одам босмайди, — деди Бўри Қора ақлини пешлаб, — Эшакдан йиқилсанг, тўғини тўшайди, отдан йиқилсанг, ёлини тўшайди, деган гап ҳам бор. Бир фалокат бўлгандир-да ўшанда...

Шу пайт қариялар даврасидан кўзгалиб, ёнбағирда пайдо бўлган ёлғизоёқ сўқмоқдан пилдираб чиқиб келаётган дўмбоқчина, сергўшт бетлари ёғ суртилгандай ялтироқ Жовлибой хар иккала қўлини ҳам кўксига босиб келиб, Бўри Қора қаршисида тазым қилди. Сўнг қўл узатиб:

— Хўш келибсиз, оқсоқол. Бошимиз осмонга етди, — деди. — Балки даврага тушарсиз?

— Э, ўшалар даврасидан безибман, — деб жавоб берди Бўри Қора беихтиёр гўдаё бошлаб — Мана, оғаларим келишибди... Қулғў бўлсинга боролмадим. Тўйнинг дарагиниям кеч эшитдим, ука.

— Носиржоним айтгандир деб...

— Носиржониям бугун кўрдим... Хўп, кўпқарини бошлай-сизларми энди?

— Ҳа, албатта. Вақт бўп қолди. Лекин, мана азиз меҳмон ҳам хабардор... райкўм боболар ҳам келишмоқчи эди. Ваъда берганлар. Албатта келишади. Ўзалари биз бормасдан кўпқарини бошланглар, деганлар...

Бўри Қора кўкрагини олдинга чиқариб, қўлларини орқага қилди. Район раҳбарлари билан Мойлибой орасида кенган учрашув кўз олдиндан ўтганича:

— Зўр экансан, — деди, — Молингни сот-жонингни сот, чўпон бўлган экан-а, Акмал?

Бўри Қоранинг тўйчига жуда нописандлилик ила гап қилаётганидан Акмал ҳижолат торта бошлади.

— Э, бир ният қилиб, эдик-да, — дея эзилиб жилмайди собиқ ферма мудирин. — Аммо рост айтдигиз, катта бобо. Чўпонсан деб, раҳбарлар бошининг силар экан, кўнгли ўксимасин, деб... Улар ўтган йили бир подачининг ҳам тўйига боришиб эди...

Сайхонлик адоғида пайдо бўлган УАЗ машинаси варанглатиб сигнал бердики, ҳамма район катталари келишаётганини англади. Бундай йўл танламас машинада фақат туманнинг улғурга юришар, чунки уларнинг юриши кўп — тоғу дашт деганига шу машина чидаса, бир йил чидаш берар эди.

— Ана-а, — деб гўлдиради Бўри Қора ва уларни қутиб олиш учун, албатта, пастга қараб бир-икки оғим ташлади. Яна назарига, бошқалар ҳам унга сўзсиз эргашиллари лозим эди. Аммо... бурилиб қараб, уларнинг ҳамон тек туришганини кўрди.

— Йўл бўлсин? — деб жилмайди Акмал.

Бўри Қора ақлини йиғиб олиб, дарҳол баҳона тўқиди: — Анову бақовуллар олдинга тушсаман деб эдим. Майли-да. Кўпдан бери Олқор чолни жиним суймай қолган бўлсам...

— Биз биламиз, эшитдик, — дея илжайди тўйчи чўпон ҳам. — Аммо Олқор бошо Бош ҳақамликни Эшим акага топширди... Тошболта ошиққа. Хозир шу киши дуо беради.

— А-а, ана бу бошқа гап, — деди Бўри Қора Тошболтанинг ўз уйидан кўчага чиқишганда Саодат акага берган қалтис саволларини эслаб. — Тошболта ошиққа ақл бор. Майна-возчиликни кўп қилади-ю, чидаса бўлади. Олқор чолимиз — тош асрининг одами!

— Йў-е, унчалик эмас-э, — деб эътироз билдирди Акмал. — Анча тезфаҳм, дипломатлигим бор эди. Қолаверса, унинг дуолари — энг ҳаётий, энг...

— Ҳа, майли. Бир ҳисобда сениям тўғри, — деб кўйди-да, атайин хўрсиниб юборди. — Фақатгина, Саодат ака, Олқор қоллар қайси замонда яшаётганини яхши билишмайди-да, у кишининг энг катта камчилиги — шу бўлса керак...

— Ҳим, ўсибсан, ўс, — деди Акмал.

Бўри Қора унга муштумини кўтариб хезланди-ю, пиқ-пиқ кулиб бошини эгди. Кейин тўйчиға:

— Э, тушсанг-чи, пастга! Уларни қутиб олмайсаними? — деди.

### 38

Ниҳоят, булар тўпининг ховузча бўйига тушиб бориши туман раҳбарларининг ҳам ўша ерга чиқиб келишларига тўғри келдики, атай қилингандек бўлди.

Улар ҳол-аҳвол сўрашишган, мавзу беихтиёр об-ҳаво бўлиб қолди ва ҳаммалари бурилиб, тўлқину пўртаналари қабабриб салпчиётган Тўполонга қарашди. Тоғларда эрув бўлиб, кучли селлар келаётганини аңглатар эди. Илло, бу ҳолни этакдаги чобагонлар, юқоридоғи дўнглиқларда тўп-тўп бўлиб турган оломон ҳам фаҳмлаб дарёга хавфсираб қарашар, афтидан, кўпқарининг қирғоқдан олисроқ жойда ўтишини маъкул кўришарди. Аммо офтоб чарақлаб кўтарилиб келмоқда эди.

Бўри Қора дўстининг белидан қаттиққина кучиб:

— Келиб яхши қилсизлар-да, — деди ниҳоят. Акмал паршон эди. — Уйга борамиз-а?

— Э, кечирасан. Кўпқарини кўрайлик-чи... Қулоқ сол! Тошболта ваъз бошлади.

— О, янги ҳақам... — Бўри Қора туйқусдан баққириб юборди: — Хей, Мойлибой, усилти йўқми?

Шунда буюрилган каби орқа тарафдан Тошболтанинг овози варанглаб тарала кетди:

— ...Оғир йўллардан юриб кўрмаган, танаси пишмаган, айнисқа, кўпқарию пойғалардан четда юрган отлар ҳар қанча чиройли бўлмасин, вақти келганда қорингга ярамайди. Ундан эш-шак авласоқ бўлади. Айтмоқчиманки, жисмоний меҳнатдан қочган, танаси пишмаган, курашларда чиниқмаган, кўпқари чопмаган ўғлонларимиз ҳам нҳзиқ, камкуват, кўрқоқ бўлиб ўсадиларки, миллатнинг иши тушганда, «лаббай!» деб майдонга туша олмайдилар. Баъзилар бўлади-ку, милтиқ ушлаб кўрмаганлар. Уларга милтиқ берсанг, қўли қалтираб туради. Ана шуларгаям ўхшатаман хом-хатала йигитларимизни...

Саодат ака Акмалга бошини қийшайтириб:

— Дуруст-ку бу майнавозларинг, — деди. — Ҳув ўша кеча-ги саволларни бекор бермаганга ўхшайди.

Акмалнинг кўзлари ёшоворагандек ялтираб кетди.

— Мустақилликнинг ягона йўли — кураш, деб билади бундайлар. Майли-да...

— У-ху, шундай уйлашнинг ўзиям — катта гап.

— Раҳмат.

— ... Мана, сизлардай ўғлонлар билан эса фахрланамиз. Фахрланишдан ғурурланиш пайдо бўладики, қаддимиз бир газ ўсиб, ўзимизнинг кимлигимизни яхшироқ аңглай берамиз! Шунинг ўзиям биз учун — катта муваффақият!

— Отанга раҳмат, — деб гўнғиллади Акмал. Тошболтанинг «амри маъруф» ўрнида айтаётган гапларини ҳам, ёни-

даги икковлоннинг пичир-кучурини ҳам эшитиб, аммо тушуниб-тушунмай турган Бўри Қора Акмалга дўқ қилиб юбора-эзди:

— Мундай қаттиқроқ гапир, менам эштай!... Унинг гапини кейин эшитсаман бўлади.

— Э, жим турсанг-чи, жонинг чиққур.

Сал пастроққа турган туман партия ташкилотининг Бош котиби бошини хиёб бўриб:

— Лекин маъкул гаплар айтиляпти, Бўри ака, — деди жилмайиб. — Ахир, бу гаплар ўзингизгаям таниш-ку?

— Э, оғажон, кечирасиз. Ҳа, энди шундай-у...

— Бўри, қулоқ сол.

— ...Ёшлиқда ҳаммамиз ҳам беозор ўйинларни кўп ўйнар эдик. Чиллак ўйин дейсизми, Оқсуяк, Ола таёқ... Хў, чўбир минган болақай, хозир гапим тугайди. Кейин армонда қоласан... Хўш, ўзларингга жуда яхши маълум бўлгандирки, ўша ўйинларимизда гирромлик қилган, номардлик қилган ёки гайрилик, галамислик қилган жўраларимиз кейинги катта ҳаётда ҳам шайтон, номард, гиром бўлиб чиқишди! Қаранглар-а! Демак, ўртоқлар, ўша ўйинлар ҳам — шунчаки ўйин эмас, ўйновчилар учун синов-имтиҳон бўлган экан. Синов...

Тошболтанинг қурдошларидан кимдир «Балли!» деб юборди. Бу товуш микрофон орқали таралиб кетиб, атрофдан ҳам маъқулган овозлар эшитила бошлади: «Рост айтасиз, оқсоқол. Шундай-шундай...»

— Сизлар эса, азиз чобагонлар — Алпомиш авлодлари, сизлар учун ҳам бу кўпқари бир синовдир. Биз қолишига қараб, фаросатига қараб, отларингга баҳо бергандек, ўзларингни тўтишларингга қараб, сизларга ҳам баҳо берамиз! Шунинг учун яхшиши — ҳалол, мард, танти бўлинглар! Сизлардан анаву болақайлар ибрат олсин! Ай, ўғлонлар! — деб баққириб юборди кейин, — бу ҳаёт шунчалар қисқа эканки, бир-бирларимизга номардлик ҳар бир гайрилик, ноқаслик, кўрқоқлик тилдан тилга ўтиб қолаберар экан...

Эшим оқсоқол ниҳоят:

— Сизларга Худо ёр, пирлар мададкор бўлсин! Шу ерга йигилган жумла мўмин — қорақўзларнинг дуолари мустажоб бўлсинки, илоҳим, кўпқаридан қолиб қармаган ўғлон қолмасин, ями ҳамманинг юзи ёруғ бўлсин! Аллоҳу акбар!

— Оми-ин.

Фотиҳа юзларга тортилиб бўлар-бўлмас ҳовузча бўйида шай бўлиб, чопони бар уриб турган йигитлар суғуриб чиқарган эчкининг оёқларидан судраб-кўтариб бориб, суворилар олдиға ташлади.

Алкисса, юзига фотиҳа тортган Тошболта ҳақам:

— Бул зотнинг кўзили совлиғи бор-хў! — деб юборди. — Бо-ос! Омадларингни берсин!

Олқор чолга ўхшаб «О-ол!» эмас, балки «Бо-ос!» дейлиши вазияту ҳаракатларни тўғри ифодалади. Чиндан ҳам бос-бос бўлиб кетди. Отлар салпчанг, камчилар сермалган... Қийқирчиқ садолари, кишнов ва пишқирдиқлар... Ҳалигина тарқоқ турган чобагонлар бир зумда уюшиб, бармоқлари бир-бирига елимилганган мушт ҳолига келди-ёв. Ана энди ўртага иптелишини кўринг!

Қани, бундай тиқилинчда қандай от орага суқулиб кириб, ерда ётган эчкиға етар экан ва уни қай қўл билан узиб олар экан? Ва қандай от бу жонли девор орасидан ситилиб чиқиб кета олар экан? Дарвоқе, чиқиб кетганидан кейин ҳам ортиндан бир онда етадиган ўзгир отлар, билакдор-пайдор чобагонлар таъзиқидан қутилиши-да, мушқул савдо!

Кўпқарининг андақина зерикарили жойи бўлса, у ҳам мана шу. — ғуж бўлиб қолган отиқларнинг боса-боси, ҳайда-ҳайдасидир. Ҳа, бирон зўравон, эпчил чавандоз зотни кўтармагунча аҳвол шу зайилда қолаверади...

Бўри Қора Чиборинг инсон ақлини шоширадиган хийлаю зўриқларини кўз олдиға келтириб, беихтиёр талтайиб, терисига сигмай кетмоқда эди. Шундоқ биқинидан:

— Устоз, салом бердик. Узр... Ҳазрати қачон тушадилар? — деган шивирлашни эшитди. Бу Олчинбой эди. Устознинг меҳри ийиб кетиб, унинг елкасидан кўчди.

— Ҳа-а, ҳали бироз вақт бор, — деди қурдан кўз узмай. Сўнгра яна шогирдига қаради. Энди нигоҳи қаттиқ ва совуқ эди. — Қурол жўранг қани? — Олчинбой ёрқин табассум ила Саодат ака томонга ишора қилди. Бўри Қора Қуролбойни тоғаси ёнида қурди. Унинг қаифи йўқлигини башарасидан ўқди. Кейин яна қурга тикилганча: — Носирга айт, Чиборни бу ёққа олиб келаверсин, — деди.

— Каерга? Шу ерғами? Қаёқдан?

— Ўл! Мана бу тошлар орқасидан, сувнинг ёқасидан еталаб келсин. Терадан айлантриб келсин-да, — бирдан дўқ қилиб берди шогирдига. — Нима, шунча одамнинг олдиндан ўтиб келадими?

— Ҳа-йўк. Тушундим. Бир секунд...

Шу пайт отликлар тўдасидан яқин қирғоқ томонига, ялписига эниб келган томошачилар қийқириб юборишди!

— Олди-и! Олди Қирғизбой... Қо-о-и! Қочмаган номард, деб қо-о-и! А, оти майда-да...

Ҳақиқатан ҳам, ердаги зотни Қирғиз чобагон олиб қурдан бир бало қилиб чиққан, муштдек отини ер бағирлагандек учириб кетмоқда эди. Яна кўтарилган шовқин-сурон ҳавога тарқалар экан, Қирғиз чобагоннинг ортидан қуюндек бўлиб эрғашган отликлар сафидан иккита қизғиш отлик бемалол ўзиб чиқди-да, худди този итлар каби голибга ета бошлади. Қирғиз ўртада кетмоқда. Эчки унинг олдида — тиззалари устида, чобагон унга умровини босиб олган эди. Ҳе-е, зўр зўрлигини қилар экан-да: туркманларнинг бири бу ёндан яқинлашиб эчкининг почасидан, иккинчиси у ёндан қўзилиб, бўйин томонидан ушлашди. Шунда Қирғиз чобагоннинг тулпори одатдаги қилигини қилди — шартта тўхтаб, чўк тушиб олди. Туркманларнинг қўллари зотдан чиқиб кетиб, отлари билан олдинга ўтиб кетишди. Уста чобагон миқти тулпорини шартта буриб, холис майдонга солди... Аммо орқадаги отликлар энди унинг йўлини тўсиш учун қичаб қолишди. Аҳалтекинларини шартта қаириб, хийлакор отанинг макка тарафидан тушишди. Қирғиз чобагон бу ёқдаги отликларига ҳам тутқич бермаслик учун қирғоққа йўл олди. Туркманларга бу қўлай келиб, тагин Қирғизни икки томондан ўриб олишди.

Туркманларнинг отлари ўз ҳавосига олдинга ўтиб кетганига одамлар қандай завқланиб қулишган ва «Отанга раҳмат, Қирғизбой!» деб ҳайқирган бўлса, энди бирдан жимиб, шивирлаша бошлади:

— Ҳозир Қирғиз яна ҳунар кўрсатади... Туркманлар буни билади-ку! Режалари бор-ов. Булмасам яна ўртага олиб нима қилади?... Э, ана ушлашди... Ҳўв, Қирғизбой, зотни берма-а! Маҳкам ушла-а!

Қирғизбой ҳам зотни бермасликка онт ичган каби тагин эчкининг устига ётиб олди.

Ана шунда туркман чавандозлари мўжаллаган режа амалга оша бошлади. Яъни, пакана отга роса жаблишиб, эчкини тагин боғидек ушлаб олгач... Узларининг отлари жуловидан тортиб қолишди-ку! Кичкина-маккор от зўр бериб олган интиди. Бақувват отларига мўносиб бақувват туркманлар шунда эчкини шундай тепага кўтардиларки, Қирғизбой унга беихтиёр осилиб қолди-ю, шу он рақиблардан бири пакана отнинг сағрисига қамчи туширди... Қирғиз чобагон икки от ўртасида — эчкининг белидан қучганича ҳовода қолган эди...

Ахир, бу — жуда кам содир бўладиган воқеа-да! Икки отликнинг ўртасида... бир одам осилиб кетаётир. Ёнидаги отлар жуда баянд бўлганларидан, осилган одамнинг оёқлари ерга тегмас эди.

Қизик, шу пайт ўзини ташлаворса, яъни зотни қўйиб юборса, нима бўларди?

Тушиб қоларди шунчаки...

Аммо тушиб қолиб, бадтар қулги бўлганидан қўра, осилиб юриш афзалроқ эди...

— Ҳай, қайсар Қирғиз-а? Кўпарини безадинг аммо! Шунча одамни ҳурсанд қилаясан!

— Ўрлик нималигини кўрсатиб қўяясан, шоввоз... Балли,

отанга раҳмат.

Туркманлар, алалхусус, Қирғиз чобагонни қучоқлаб олган эчки-печкиси билан ўртада осилтириб, елдириш отлари-ла маррага келтириб ташлашди. Қарангки, биткўз чобагон нақ оёқ билан ерга тушиб, мўзванатини ҳам сақлаб қолди ва бақовулларга қараб ҳорғин жилмайди.

— Қойил, қойилми! — деб ҳайқирди Тошболта ҳакам. — Иштиёр менда бўлганда, совринни Қирғиз чобагон, сизга берардим! Нима дединглар, халойиқ? У-ў, чобагонлар?

Қулги-қийқириб кўтариб турган оломон тилга кирди:

— Маъқул. Қизик бўлди-ку... лекин оғаларгаям беш кетдик-е! Қирғизга-халол!

Бу вақтда соҳилдаги қояларга етиб бурилган қизғиш отликлардан бири Бўри Қоранинг назарини тутиб, таъзим қўйганича бир нималар деб пичирлай бошлади.

Табий, голиб меҳмонлардан бирининг таъзим қилгани Бўри Қора ғурурига ғурур қўшиб юборган, бу ғурур унинг Саодат ака билан «дўст» бўлганини идрок этган чоғидаги ифтихордан кам эмасди. Кейин унинг хаёли шу малла чавандоз билан учрашган жойи — Сурхон соҳилига қараб учди-ю, ушанда Акмалнинг миллату сиёсат бобидан эзгин гаплари ҳам ёдига туша бошлади ва... дафъатан унинг қошида қандайдир ҳўжалат ҳосини тўйди.

Тошболтанинг «кўпарини очиб», тўйчи Мойлибой таърифидан айтган сўзларини ҳам, бундай масъул дамда қилган замонавий «амри маъруф»-ни ҳам қулгоғи ёнидан ўтказиб юборган эса-да, унинг болалар йўнларни хусусида сўзлаб, ўша кезларда ғирому шайтон бўлиб чиққанларни илова қилгани Бўри Қоранинг аллақадарини жижиллатиб юборган эди. Кейин эса «Безъманлик. Масхарабоз гапирди-да...» дея кўнглини зўрга тинчитган эди.

Бу вақтда Акмал «Зот кимники бўлади энди?» деган ҳангомага қўшилиб қолган, томошабинлардан бир нечасининг ярми ҳазил-ярми чин тарихасида тулди билан тошбақанинг пойга қилишгани, тошбақа тулкининг думига ёпишиб олгани учун маррага етиб келишгач, тулки: «Мен голибман!» деб бақирганида дум остидаги тошбақанинг: «Босма мени-е. Голибинг устида ўтирибсан-ку!» дегани, шу асно Тошбақа тadbиркорлиги туфайли голиб чиққани ҳақидаги латифани узуқ-юлуқ эшитиб, қўйғос қулги остида «соврин Қирғиз чобагонники!» деб жар сола бошлаган Акмал томошабинларга қарата: «Э, ўртоқлар тошбақа шайтонлик қилди-ку. Зот меҳмонларники!» деб бақирди. Хангомани тагин Тошболта ҳакамнинг ўзи ажрим қилди:

— Акмал ака, шошманг. Ҳой, одамлар бир минут сабр қилинлар!.. Худо ҳақи, ҳақиқатан ҳам Бош ҳакам эмас, ана-ву шотирлардай қуруқ томошабин бўлганимда, мен ҳам «Тулки билан Тошбақанинг пойгаси» масалини айтиб: «Тошбақа ютди!» деб тураберардим. Ҳатто шу гапкўнглимдан кечган эдимам!.. Лекин адалот тўғрисидаги маслаҳати бошқача бўлди, яъни ҳакам сифатида зўлон қиламанки, «Зот — туркман оғлармиқники!»

Энди қулгилар пасайиб, жиддий овозлар чиқа бошлади:

— Ҳало-ол, халол!

Қирғиз чобагон ҳамон ҳовузча бўйида оёғи остида ётган зотга негадир жилмайиб тикиларди. Сўнгра ердан уни кўтариб олиб, қўлтигига қисди-да, Бош ҳакамга қараб:

— Менга шўям бўлади, — деди. — Ҳаққатан ҳам соврин — меҳмонларники!

Энди қулгиталаблар ҳам, холислар ҳам унинг галайи бор овоз билан маъқуллашар экан, хингирлаб-кишнаб келаётган пакананига от ҳаммадан эътиборини тортиди. Югани оёқларига урилиб келаётган от тўғри Қирғиз чобагонга етиб тўхтади-да, бошини қимирлата бошлади. Во-о, бу оломонга ким ўргатиб қўйди экан...ки, ҳамма чапак чалиб юборди.

— Балли! Қойил! Офарин!..

Бўри Қоранинг хаёли паришон эса-да, бу даврадаги барча гап-сўз қочирмаларни ҳам беихтиёр эшитиб туради ва беихтиёр жилмаяр, тагин кўнглида илиқ бир нарсаларниям

туяр, аммо вужудда энди авомга нисбатан нописандликки-на эмас, ҳатто ғашлику ғазоб ҳам жумбуш қила бошлаган эди. Ахир, кулгили бўлса-да, бундай шовқин-суронлару, олқиш-алқашлар Бўри Қора билан Бойчибор шаънига мудом айтилиб келинарди-да!

Унинг дўққати ошиб, кўпқарига келмаса ҳам бўлардек туюла бошлаганда, ўнг томонидан жон олғувчи бир кишанш эшитилди-ю, Бўри Қоранинг атрофидигалар ҳам илкис буюрилиб қарашди. Каттагина харсангтош ёнида Чибор — мўъжизалар муаллифи, жодугар от бутун ҳусну жомалини намойиш этиб, олд оёқлари билан ер тирнаб турар эди.

Ажабо, бу кишлоқи-тўпори одамларнинг ўз туйғуларини чапак чалиб аён этиши урфга кириб бўлдимки, тагин тева-рак-атроф чапакка тўлиб кетди. Бўри Қора, нихоят енгил на-фас олди. «Кўпқаридан кейин туркманларниям Акмалларга қўшиб уйга айтаман. Кейин уллардан ҳам кечирим сўрайман», деб аҳд қилди.

### 39

Акмал ўзини хийлагина эркин тутмоқда, илло шу тул-роқнинг фарзанди бўлароқ яна қайтиб келишни ният қилганидани — яна «эл бўлиб» кетишни истар ва бу ниятини ҳар йўсинда ифода этмоқда эди. Инчунин Қирғиз чобагон отига бемалолгина миниб, ҳали эзғиланиб улгурмаган бошсиз эч-кини ҳам ердан олиб тиззасига кўяр экан, Акмал:

— Ҳў, Қирғизбой ака, жонингиз қаттиқ экан! Ўзингизниям кўпқарига ташласа бўларкан! — деганди, атрофдан қийос қадҳаха кўтарилди. Қирғизбой бошини эгиб, кула-кула кўра томонга кетди. Афтидан, у кўпқарини тарк этган эди.

Жирафага ўхшаб отларни ҳовуз бўйида тислантириб тур-ган туркман чавандозлар Бош ҳакамнинг имоиси ва дуоси билан пастдан узатилган кўзими совлиқни «бўлиб олишиб», оломону оқсоқолларга таъзим қилишиб, қирғоқ томонга йўналишди. У ерда бир неча чўғирмали шериклари гўдайиб туришарди.

Бу орада Саодат ака ҳам ўйланиб қолган эди. Тошболта ҳакам кўпқарининг қутилгандан зиёда ўтаётгани, ундан фуқаронинг наинки ибрат, балки олам-жаҳон завқ ҳам ола-ётганини айтиб бўлиб, янги солим — бир кўчқору бир қалин гилам эканини эълон қиларкан, собиқ прокурор Акмалга оғиброқ шивирлади:

— Граждан уруши йилларида сотқинларни тириклай кўпқарига ташлаш одатиям бўлган экан. Босмачилар ораси-да... Кэзгэбининг архивидан Анвар пошшонинг делосини олиб эдим. Ўқиш учун-да. Қизиқиб...

— Менга Иброҳимбекнинг делоси керак-да! — деди Акмал тортилиб. — Уша вақтларда уни бадий китобдай ўқимаган раҳбар қолмаган экан!

— Эшитганман. Майли. Ҳаракат қиламан... Қулоқ солинг. Анвар Бойсунни қамал қилиб турганида, бойсунлик Оловид-дин деган бир тожик юзбоси қочипти. Бойсунга. Уша вақтда руслар ялли ҳужумга ўтиши керак, бун Оловиддин билар экан. Ха-да... Шунда Анварнинг ўзи уни отда қувиб, елкаси-дан ярадор қилиб, судраб қайтган экан. Шу куни кечқурун — жанг тўхтагандан кейин, лақай навкарлари Оловиддинни улоқ қилиб чопишган экан...

— Дахшат. Мен ҳазиллашган эдим, — деди Акмал. — Лекин хоиннинг жазоси-да...

— Албатта.

— Жон Саодат ака, мен кейинги вақтларда ўн тўрт соат-лаб телевизор кўраман. Ишонаверинг. Ёнбошлаб кўрганим учун бир кўзим — бир ярам, бир кўзим уч ярам бўпти. Дўхтир айтиди: Анварнинг делосиниям топса бўладими?

— Билмадим-ов.

Буларнинг гурунги Бўри Қорага ҳам эшитилиб турар, бироқ маъносини зўрга илгар экан, «хоин» сўзи туйқус таъсир этиб кетди.

— Кечирасизлар, Анвар пошшонинг юришлари ҳақида мен ҳам эшитганман. Ул ўзи Туркиялик экан... Унинг ичидаги ки-

ши билмас мақсади нима бўлган экан? — деди бурилиб.

— Унинг «киши билмас» мақсади бўлмаган. «Киши билар» мақсади бўлган, холос. У Туркистоннинг озода-мустақил дав-лат бўлиши учун курашган Туркиядан келиб, — дея атайин илова қилди Саодат ака. — Чунки турк оламининг асл Вата-ни — бизнинг Ўзбекистон!

Бўри Қора қизариб, нодонлигидан ичларигача оғриб кет-ди. Аммо паст кетгиси келмади.

— Раҳмат. Тушундим, — деди. — Лекин, масалан, Анвар пошшо голиб чиққанида, биз мустақил бўлиб кета оларми-дик?

— Саволингизга жавоб бердим шекилли.

— Бироқ, Саодат ака, менимча, Анвар ҳеч қачон голиб чиқолмас эди, — дея қизишиб кетди Акмал. — Ахир, «Турки-стон — империя тожидаги гавҳар», дейиларди ўша вақтда. Бу гавҳарни ўла қолсаям бировга бермас эди лар!

— Турғи айтасиз, — деб маҳзун шивирлади Саодат ака. — Лениннинг... Лениннинг ҳам ўшанда «Сибир қўлдан кетса кетсин, Урта Осиё кетмасин!» деган кўрсатмаси бор экан.

— Воҳ, — деб юборди Бўри Қора чиндан-да аламу ҳайрат-ла. — Бўлмасам, кечирасизлар, бизлар оғаларнинг қўлида бир умр... қолаверар эканмиз-да!

— Секин. Лақма, нодон, — деди Акмал.

Саодат ака Акмалнинг тирсагини қисиб қўйиб:

— Эртага нима бўлишини Аллоҳ билади, дейди анову га-ранг оқсоқол ҳам, — деди жимлайди. — Биз ҳозирча халқимизнинг гурунини кўтариш, ўзлгини қадрлаш пайида бўлаверайлик-чи, у ёғига худдо пошшо... Анварлар фидойи одамлар ўтган, Бўрибой. Биз шу ерлик була туриб, миллатга қайишмаймиз кўпинча. Қардошларимиз эса, э-ҳе, тулқанинг тубидан келиб курашишган...

Шунда Акмал энди Саодат аканинг билагидан ушлади.

— Қаранглар... Шлём кийган йигит ўзди. Бўри, танийсан-ми уни?

Бош ҳакам қашқадарёлик ўғлонни олқишлаб, дастёрларга совринни чиқариб беришни буюрди-да, микрофонни нақ озғига тугиб Қўзйибой жарчидай чиқирди юборди:

— Бу сафарги зотга... туя қўйилади! Туя-яя!

### 40

Ана эндиги қийқирикни кўринг. Ҳатто чўчиб тушган чаван-дозларнинг отлари ҳам кишаб юборишди. Энг орқада — энг баланд тепада дам олиб ўтирган машшоқлар ҳам кар-най-сурнайларини ола солиб, ғат-ғутлатиб қолишди.

Бўри Қора отига қараб чопди. Ха, чопди. Носирнинг қўли-даги югани олиб, узангига оёқ кўяр-қўймас эгарга миниб олди. Шу он турган ерида бир кўтарилган Чиборнинг хирқирок кишаши оламини тугиб кетди. Ҳа, Тўлопондарё-нинг мудом босиқ шовуллаши-да эшитилмай қолди. Бутун атроф унга қўз тикиб қолгани учунми, қандайдир танҳо бир зот — ҳоким тулпор бўлиб, пастга эна бошлади.

Яна олқиш ва чапаклар ҳавони тўлдириб юбордики, Чи-бор-Бойчибор гўёки шу товушларларда сузиб, ҳовузча бўйига тушди. Чапау олқишлар ҳамон тиммас, улоқчи отлар эса турган ерларида депсиниб, Чиборнинг устига бостириб келмоқчига ўқшаар, устларидаги чавандозлар ҳам бу бо-рада аргумоқларидан қолишмас эди.

— Азиз юртдошлар! Шер юракли, қоплон билакли ўғлон-лар! — Тошболтанинг чираиб бақиргани бундай баланд то-вушларга ўрганганма баъзи отлар қатори кўрадаги моллар-ни ҳам хурқитиб юборди. — Бу азиз Арпалани бекорга мар-ди майдон демайдилар! Утган замонларда эркесвар халқимизнинг азиз фарзандлари босқинчилар билан шу ту-проқда қон тўкишиб...

Бўри Қора довуғи дoston бўлиб кетган Чибор отининг Тўлопондарё соҳилларида макон тутган элатларнинг ору но-мусини қўшни вилоятлару жумҳуриятларда ҳам ҳимоя қилиб, номини таратиб келаяётгани, бу тулпорнинг «мехри-бон эгаси Бўрибой ота»нинг эса кексайган чоғида ҳам шун-

дай отни миниб кўпқариларни обод қилиб юриши, қолаверса, отахоннинг айна шу йилларда миллатсевар ва урфсевар бир инсон бўлиб шухрат топаётгани, алқисса, шундай ноёб инсоннинг шундай нодир тулпорда Жовлибойдек бир камтар чўпоннинг кўпқарисига ташаётгани гоятда қизиқ ва мароқли ўтаётган маъраканинг безаги бўлуви, бундан ташқари, кўпқари қолишда мардлуғи ҳалоллик намунасини кўрсата-жағини баён қилар экан, Бўри Қорабой ўғли бадтар шишиниб кетмоқда, қаршисидаги «пашшалар» кўзига кўриниб-кўринмай ҳам қоларди.

Бунинг устига, Чибори, ҳақиқатан ҳам йирик ва баланд от бўлиб этилган, туркман меҳмонларнинг хилча эса-да, атай бўйга ўсгандек зотли отларидан-да баланд эди. Шу боис гулпидек шишинган Бўри Қора энг баланд отликлардан-да баланд эди.

Нихоят, Эшим оқсоқол:

— Халигина сиртдан қараганда, биров назарига илинмайдиган йигитча зотни айриб чиққанидек, анчайин чавандоз ҳам омади келса, совринга эга чиқиси мумкин! — деди — Яъники, майдонда ҳамма тенг. Анави Бўрибир турган нуртуя энг эчпил, энг ўзгир тулпорнинг эгасига насиб этади. О-оми! Бо-о-о...

Шу — сўнгги даъватни кутиб турган чавандоз-отлар (бундай пайта махлуқ билан инсон бир бутун вужудга айланиб кетар экан) буриласолиб, халиёқ ўртароққа ташлаб қўйилган бошсиз серка устига ҳажирлардек ёпирилиши.

Бўри Қора ўзи ҳақида айтилган гаплардан лаззатланиб, Чиборнинг жиловини тортиб турарди. Одамларнинг ўзига ҳайрат ила қарай бошлаганини хис этгани ҳолда, ниҳоят, жиловини бўшатди. Кўпқарида «балиқдек сузадиган» Чибор ҳатто биқинига ниқталмаган эса-да, бирдангига отилиб, қурга дуч келган икки от орасига етди. Ва тисланиб, ўша йиртқиचना усулини қўллади: тумшугига тегай деб турган қорабайрининг думгазасига оғиз солди.

Қорабайир ҳам отмасан от экан — инграб юборгандек кишангана куйруғини кўтариб, орқа оёқлари билан Чиборнинг тумшугига қарсиллатиб шундай тегдики, Чибор бир кўтарилиб тушди.

Бўри Қора эса аллақандай даҳшатга тушиб кетди: «Ҳали сенми, менинг отимни тепадиган?» Унинг қамчини кўтариши Чибор-Гижингтойнинг янги ҳамлисига тўғри келди ва қамчи ўрамаси қорабайрининг сағрисига қарсиллаб тегди. Бойқиш от бу гал тепинмади, куйруғи пасайиб ўтиргудек бўлиб қолди.

Во ажаб, Бўри Қоранинг бу қилиғини кўрган чавандозлар бирдан тикрайлишиб шовқин солишди-ку:

— Номардлик қилманг! Бу — нима қилиқ? Отда нима айб? Э, ноинсоф экансиз...

Бўри Қоранинг қулוגига бундай даққилар кирмас эди: олға интилиб, бироз ичкарига кирган қорабайрининг ёнидан Чиборни ҳайдади. Чибор бу тарафдаги бўз отни гавдасила туртиб-суриб юбориб, ҳадемай ерда ётган зотга яқин бордин.

Зотнинг атрофини бир қатор отликлар ўраб олишган, қолганлар — уларнинг ортида, бошқалар улاردан кейинда эди. Атрофда ҳам отликлар кўп, уларнинг аксари ичкарига интилишмас, илло қурдан зотни олиб чиқадиган аргумоқни пойлашар эди.

Нихоят, Чибор чумчүк инида очиб чиққан какку боласидек нари-беридаги «жиш»ларни туртиб-биқинлаб, зот устига етди. Кейин...

Чибор шовилмасдан тиззаларини букиб чўқалади. Эгардан настра эгилган Бўри Қора серкининг почасидан ушлаб кўтармоқчи бўлди-ю, — ҳай-ҳай қариллик! — Узининг ҳам тушиб кетишига сал қолди. Чибор — жодугар от шунда бирдан тиз чўкди ва Бўри Қора зотни икки қўллаб кўтариб, олди-га қўйди. Сўнг Чибор сакраб ўридан турди. Аммо шунда Бўри Қоранинг ён-веридан шиддат-ла узатилган қўллар сўйилнинг дуч келган жойидан чаңгаллаб-ушлаб олишди.

Энди... орқага оғиб-чайқалиб кетган Бўри Қора қамчинни

оғзидан ола солиб ўнг-сўл демасдан, сермай бошлади: қамчи ўрамаси қарсиллаб теккан қўллар дарҳол тортилиб, қўл эгаларининг нолалари таралиб кетди:

— Вой, урди-ку бу! Сенам бошига айлантириб сол... Ҳе, укагар гиром! Одам эмас экан бу... Биздям ибрат оғанимиз бўсин...

Бўри Қора уларнинг гапини деярли эшитмасди. Аллох, Чиборнинг юганидан шундай тортиди, жониворнинг жағи йирлиб кетгудек очилганча яна орқа оёқларида тикка бўлди-да, рўбарасидаги отларга ташланди. Бир-икки от четлиниб кетди ва жилови бўшатилган Чибор ўчиб майдонга чиқди. Чиқди-ю, сузиб кетди гўё. Оёқлари ерга тегиб-тегмай боради. Эгардаги қимса эса қимирламай кетаётганга ўхшайди. Ҳа, чибор ортидан қувган ҳар қандай тулпорни ҳам етказмас эди.

Шу алфозда бирон қақирим йўл босиб қўйгач, Бўри Қора от бошини бура бошлади. Ва ғалати бўлиб кетиб кўрдикки, сон-саноксиз отликлар олдини ўраб олишаётир. Уларнинг орасидан ўтиш мумкин, албатта. Аммо, Бўри Қора беихтиёр хис этдики Чиборга ҳам қамчи тушади, ўзи ҳам яхшигина сўкиш эшитида. Демак, ҳақоратга чидай олмасдан қутилмаган «номаъқулчиликлар» қилиб қўйиш ҳам мумкин. Отлар тобора кўпая бошлади.

Ай, ўғрига мол қаҳатми экан! Бўри Қора жиловини бирдан тортиб, отни тўксон даража чағга бурди-ю, яланг қирғоққа қаратиб солди. Чибор дарҳол Тўполон шамолини тўйди. Булутдек бўлиб, қирғоқдаги қоятошлардан сакраб ўтганида, у ёқда қолган отлар қайрилиб жўнида бир-бирига урилиб, бир-бирининг йўлини тўсиб, пароканда бўлиб сохилга яқинлаша бошлади. Бўри Қора уларнинг илкнчисига бошини ҳарсанглар узра қуриши замон серкани чапқўлтиғига суриб юбориб, ўнг қўлидаги қамчини кўтарганини билди ҳамки, Чибор қийик мисоли сакраб-сакраб тошлар устига чиқиб кетди. Табиий бу юришда марра ҳам, ақсар томошабин ҳам ўнг томонда қолиб кетишар, Чибор эса аллақайларга бориб қолар эди.

Бўри Қора яна бирдан отни тўхтатдио беихтиёр бурилиб, эниш қирғоққа қаради. Наъматақлар қоятошлар ортида яна тўпланиб, тикилишиб қолган отлардан қаққонлари тошдан тошга сакраб ўтишмоқда, улар ҳадемай сохилнинг сувга таш сувлогини ҳам босиб кетишлари аник эди. Буни англаган Бўри Қора, ниҳоят сувга тушиш муддати етганини тушунди. Шуну тушунубок яна бир ҳолни кўнглидан кеңирди. Сувдан-ку сузиб ўтар у қирғоққа, аммо у ёқда нима бор? Қандайдир эски мазороту яна қат-қават малларанг қоялар. Улар ортидан кезисиз адирлик бошланади. «Бе, улар тушолмайди, — деб ўйлади шунда уларнинг селга отилиб-отилиб тушишларини, тасаввур этолмай. — Қўрқишди... Мен бўлсам у сохилга чикмасдан сув ичиди айланаман...»

Бу ҳол унга қизиқ ва томошали туюлиб, оқибати ҳам қандайдир яхши бўладигандек, селга юзланди. Юзланди-ю, бир сония донг қотиб қолди. Тўлқинлар, тўлқинлар... Уй баравари кўтарилиб-пасайиб ўтаётган қирчил, совук ва даҳшатли пўртаналар...

Ажабо, улар тирик жонга ўхшашар эди. Тағин азёларуки бир-бирига туташиб-сингишиб кетаётган ажабтовур махлуқ қиёфасида эдиларки, оламда бундан сирлироқ «жонзот» йўқдек, тахмина — афсонавий бир аждаҳога ўхшарди.

Бўри Қора унинг бағрига отилиши биланоқ от-поти билан чўкиб кетишини аник тўйди. Бироқ шу оннинг ўзида Чиборнинг сузагонлиги ёдига тушиб, ушбу кўпқарида ҳақиқий ва даҳшатли томошани ўзи кўрсатадигандек бўлди. О, тўлқинлар бағрида — у ёқдан бу ёққа сузиб юрса! Анави эшаксимон отлар сохилда кишнаб пишқириб, депсиниб турсалар. Табиий, ўёқдаги оломон ҳам қирғоққа чиқиб келарди. Ва ажал оғушида ўйноқлаб-сузиб юрган Чибору отлиқни томоша қилишарди. Отни ва чавандозни...

Шунда, ғолибо, Бўри Қоранинг вужуди титраб-жунжикиб кетди. Совук, совук!

Ахир, бу сел тоғдаги қорнинг эрувидан пайдо бўлган, бу-

ларнинг бағрида хали қиш яширин...

Соҳилда турибқоқ совкота бошлаган яланг костюм-шимдаги ҳовлиқма чолни бу муздеқ сув қаърида тасаввур этишининг ўзиеқ ўлим гирдобини эслатмайди? Ундай одам бу совуқ жаҳаннамдан бир амаллаб кутулиб чиқса ҳам, кейин...

Нега бу томонларни ўйламади Бўри Қора? Нима, бу фасл ёзмиди сенга — отининг чўмилириб, ўзинг ҳам чўмилиб чиқсанг! Ахир... Ҳе, шу чиройли костюм-шим бошингда қолсин.

Бир йўлини топиш керак. Йўли топилмайдиган муаммо йўқ... Сен ахир, пишқиқ-пукта, топқир, жойи келса — товламачилик ҳам қилиб кетаверадиган бир кимсан-ку? Ақлинг-ни ишга сол! Кўрқма... нима бўпти бу сел сенга? Утиб кетадиган бир тошқин-да... Нима, у сени олиб кетармиди? Об-кетиб бўпти!...

Сени... Бўри Қорани-я! Чиборинг билан... Йўқ, Чиборинг бундай селларга буй берадиган зот эмас! У — сел бағрида келган; шу дарёда... Э, ҳудди мана шу пастлиқда соҳилга чиқиб қолган эди-я. Ҳа, уни тўлқин отиб юборган эди. Энди эса Чиборинг тошқинларни оралаб-ёриб ўтадиган, демак бу балойи азимиин ҳам писанд этмас даражасига етган мўъжизавор жонвориди! Ҳа, бу сувга ҳар қандай қучли аргумоқ ҳам рўпара бўлмайди... Илло ўзинг ҳам — обрўли ва бадавлат, доворак ва мағрур инсон Тўполон дунёсида битта.. Ана шу мавқени яна бир бор тасдиқлашнинг керак...

Аслини олганда бу — қийин эмас. Ҳа-ҳа. Ваҳимага тушма фақат... Рухининг тетик тут: совуқ ҳам ололмайди сени...

— Ана шундай, Бир, икки, уч... — Бўри Қора беҳиттёр шивирлар экан, ўзини селга ташлаб кетаётгандек ҳис этар, аммо яна санашда давом этарди: — Тўрт, беш... Унгача санайман-е! Ҳозир... Шошма, сал пастроққа тушайин...

Бўри Қора отини хиёл эндириди-ю, шундоқ ёнбошидан бошқа от-отлиқлар бостириб кела бошлаганини кўрди: вей, қамал қилишаётганга ўхшайди-ку булар?

Ана шунда Бўри Қора орқасидаги баландлиқлардан ҳам отлар шуворини эшитди ва ўнлаб тулпорларнинг аччиқ-аччиқ кишнашиб энаётганларини кўрди-ю, негадир кўрқиб кетди: нега-я? Бу ёқдан ҳам чавандозлар бостириб келишини кутмаганмиди... Ҳа, албатта... Лекин. Нима қилишмоқчи булар-бар? Уртага олиб — қисиб...

Бекорларнинг бештасини айтибсизлар, нодонлар! Аҳмоқлар: Осонлиқча жон бермайди Бўри Қора — қўлида қурол-қамчиси бор. Савалайди сенларни... махбўсларни дўппослагандай. Чибори бўлса отларингни гажиб отади...

Ана ундан кейин бир-иккитангни судраб сел оғушига кирди. О, қандай чиройли томоша бўлади!

Кейин...

41

Чибор-Бодомгул эса эгасининг хаёлида пишаётган, «чиройли» бўлса-да, мавҳум режасини «олдин қулқоқ» солди: яъни икки тарафдан сиқиб келаётган рақибларни қўриб, орқада ҳам йўл йўқлигини фаҳмлаган ҳолда телбатоб пўртаналарга тўппа-тўри бўлди ва ортига қамчи тушгандек хезланиб олдинга сакради... Ҳа, Бўри Қора ўйлаганидек, Чибор бошқа тулпорлар билан талашини ва анча-мунчасини ярадор қилиши ҳам мумкин эди. Аммо у бехудага жиндшошлари ила талашиб ўрганмаган. Ҳа, мавруди келгандагина бир-ер-ярмининг қуйруғио бўйнига оғиз солди, шунда ҳам ўзига йўл очиб учун қилган эди. Ҳа, гўж бўлиб турган отларнинг устига салпингани ҳам бор. Бироқ бундай салпиншлар ҳам шунчаки қамалга ўхшаш қўрдан чиқиб кетиш учун бўларди. Шунинг учун очиқ майдонга чиққач, гоҳо ўйноқлаб, гоҳо сувдек сузиб кетарди.

Чиборнинг кўққисдан тошқинга ташлаб кетишидан Бўри Қоранинг юраги нақ бўзгача қалқиб чиқди-ю, беҳиёр кўларини юмди ва зум ўтмай муздеқ бир оламда сөзди ўзини. Кейин нафаси қайтаётганини ҳис этароқ қандайдир талпиганди тепага — о, бирдан тўлқинлар устига чиқиб қол-

ди. Аммо атрофни кўрар-қўрмас, бўшлиққа тагин ботиб кетди. Ва тагин қалқиб чиққанида, Чиборнинг нари қирғоққа қараб сузаётганини кўрди.

Ана, ана бунди — бир ғалаба, ўзига яраша мардлик-қаҳрамонлик деса бўлади! Э, дарвоқе, бошқа отлар-чи? Улар ҳам сувга... О, йўқ; улар баъйини сабрсиз томошабинлар каби тисланшиб, кишнашиб, қулқоқларини чимиришиб қараб туришар эди...

Бадтар бўлинглар, хайвонлар! О, қанчалар аларми келяяпти-я уларнинг...

— Чўх, Чиборим, чўх!

Э, айтмоқчи, у ёққа ўтишда нима маъно бор? Кўпқари бузилиб кетади-ку? Пароканда бўлиб...

Ўзиям қоқоқча чиқиб қолса, не ажаб?

Бўлмайти бу юриш...

Чибор, орқага қайтасан!

Лекин ёвлар қараб туришибди-ку! Нақ қутиб туришибди-ку? Чибор қирғоққа қадам қўйиши билан ҳужум қилишлари турган гап! Ахир, серкани олдириб қўйиши ҳам...

Вой, серка... Ҳайрият, ҳамон тиззасида эди. Ҳамон чап қўли-ла қучиб, бағрига тортиб турарди уни — ҳўл оғирлашган солимини. Энди нима қилиш керак?

— Эй, номардлар! — бақирганини билмай қолди Бўри Қора от бошини буракан. Кейин телбарларча қаҳ-қақ отиб қулди. — Тушинглар сувга! Келинглар... — Шунда яна ақлини пешлаб олиб, этакка — оқим бўйлаб кетишни маъқул билди. Хув саёз жойларга борганида, бир гап бўлар... У отнинг бошини оқимга тўрилади билан Чибор олға суза кетди. Лекин унинг сузишига эҳтиёж ҳам йўқ экан. Чунки оқимнинг боши орқада эдики, у Чибор билан Бўри Қорани қўлига тушган ўлжадек суриб, оёқларини ерга теккизиб-текиксий кета бошлади.

Бўри Қора бирдан кўрдик, бир неча қадам олдинда сувдан чиқиб турган чўқмор қоя бор — сел унинг кифтларидан ошиб, у ёғида шовва ҳосил қилиб тушиб келаёттибди. Агар шу боришда унга тўқнашмас...

Жиловни чагла бурди. Чагла... Қирғоқ — ҳаёт бор эди. Бундай пайта тирик жон борки, унга — қуруқликка интилиши табиий.

Аммо бу ораликда дарёнинг чўқур жойлари кўп ёки сув яна қўпайган эдики, Бўри Қора от-поти билан икки марта сув остига шўнғиб кетди.

От жонивор тагин юзага қалқиб чиқанида, Бўри Қоранинг кўзи элас-элас илгари, отлиқлар орқага чекинишяпти, экан. Қоя-тошлар устига чиқиб олган томошабинлар уларга қўлларини сермаб бир нималар дейишяпти экан. Чол дарҳол фаҳмлади: ҳалойиқ уларга ён босаёттир. Чамаси, отлиқларнинг бояғидек ёё бўлиб гов туришлари, оқибат Чибор билан чавандознинг қутилмаган фалокатга йўлиқишига сабаб бўлишини англашган улар.

«Ҳе, қизиталоқлар. Лекин бошқа иложларинг ҳам йўқ-да... Тугга талабгор-а бу номардлар... Бўлди. Маррага зотни ташламасам ҳам — ютдим. Э, айтмоқчи, зотни маррага элтиб ташлаш ҳам жуда унчалик шарт эмас-ку аслида. Масалан, зотни бировга бермасдан даврани бир-икки бор айлиниши ҳам — кифоя қилади. Мен бўлсам, тошқин селда юрибман... Чў, Чиборим, чў! Қирғоққа!»

У шу кетишда қирғоққа чиқиб олиши турган гап-эди. Ҳўп, чўқур жойлар учраса, тагин бир-икки бор шўнғиб оларди. Барибир солимини қўлидан қўйвормас, марра уники-да...

Аммо «Тўполон» деб бежиз айтишмаганлар-да, бу дарёни, демак, тўполончи-бебеш дарёнинг феълини билиш қийин, ҳатто мумкин бўлмаса керак. Мана, унинг бағридаги боши қорли тоғлиқларга туташ оқимнинг тез-тез қабарибу пасайиб туришини кўринг: Сув остида «йўлтўсар» харсанлар ҳам кўп, албатта. Сув ўшаларга урилиб қайнабди. Аммо энг ёмони сув ости оқимларидир. Бунинг устига...

Тўполоннинг ўта беқарорлиги ҳозиргидек авжи баҳорга, баҳорнинг ҳам ёға ўрин бўшатаётган пайтларига тўғри келарди. Нима ҳам дейсизки, кўпқари пойғалари ҳам айнаи шу

мавсумда қизийди. Мана, галдаги кўпқарилардан бир аjoyиб ўтаётир...

Қизик-а, бу ёсуман тўлқинлар ўзи кўмган жонларни тагин ўзи кўтариб чиқади. Ва, ё раб, яна ўз қомига тортади. Олдинда — булардан этакроқда худди сағаманонанд бир-икки-та қояшо тўлқин пасаиғанда кўриниб-кўриниб қолар, аммо кўринмағанида ҳам пўртаналар шуларга урилиб изига қайтаётгани аниқ, зеро ораликда сув ийрим бўлиб айланар, шунинг учун бу ерлар чуқур, демак, гирдоб нафақат тагини, балки кирғок бағрини ҳам ўйиб юборгани аниқ эди. Холбуки, бу жой сувлоққа — тўрт-беш қадам келарди.

Қаранги, Чибор отлик навбатдаги қалқиб чиқишида бирдан айланиб кетди-ю, яна чўкди.

Ана шунда тажрибали Бўри Қорани «қора босиб», ҳаёти хавф остида қолганига иқроор бўлароқ ўзи тепага интилди ми ёки от таллинди ми — тагин қайтиб чиқаркан, ўз-ўзидан серкани кўйворди. Аммо шу онда яна ушлаб қолиб, шундоқ сувлоқ четида хаяжон билан кўлларини қимирлатаётган Носирга отиб юборди. Шу тариқа отга юк тушиб, у яна чўкиб кетди.

Бўри Қоранинг оғзига сув кирган эди, дафъатан «ўламан», деди-ю, от тагин тепага кўтарилар экан, беихтиёр ўзи ҳам эгар қошига кўлларини тираб кўтарилла бошлади. Сўнгра оёқларини узангидан узиб, эгарга кўймоқчи бўлаётганини англади. Англади-ю, қутулишнинг йўлини, ниҳоят, топгандек бўлди.

Шунда кўзлари хонасидан чиқиб кетгудек бўлган от кирғоққа талини бошлади. Бўри Қора бундан ғайриоддий тарзда мамнун бўлиб, оёқларини эгар карсонига қўйиб шундоқ тикка бўлди-ю, ўзини сувлоққа отди. У қумлоққа бориб тушди. Аммо эгарга тепиниб сапчишида бутун оғирлигию, залвори тушган жонивор яна чўкиб кетди. Кейин этакдаги тошлар ёнидан боши бир кўринди ва янги келган пўртана босиб кўздан ғойиб этди.

Бўри Қора жон ҳолатда қумни чангаллаб-тортиб суриллар эди. Носирнинг кўлидан тутғач, бало-қазодан қутулган каби унинг линжига тикилиб, мамнун жилмайди. У қандайдир ғалабага эришгандек, қандайдир даҳшатли қўршовдан омон чиққанга ўхшар эди.

У ҳатто тепа томонларга ҳам ғолибона кўш ташлаган бўлди ва... бирдан аланглаб, ийримга тикилиб қолди.

— От, от қани? — дея ҳансираб сўради Бўри Қора ва укаси Носир Чиборни яширгандек унга егудек бўлиб тикилди.

— От қани дейман?!

— От, от... ана, — деди Носир полвон ҳам ийримга боқиб ва йиғлаб юборди.

— Э, нима бўлди? — Бўри Қора батамом ўзига келди. Ҳатто ўтирган ўрнидан тура бошлади.

Икки кўзи сувда. Сув бор, тўлқинлар чапвор уриб сапчи-япти ва дув-дув тўкилиб-ёпилиб кетаяпти. Ҳамма нарса бор... Аммо от йўқ, Чибор йўқ эди.

Табиики, Чиборни тепгудек бўлиб, уни сувга чўктирган эса-да, ҳарқалай серкадан ҳам халос бўлган от энгиллашиб қолган — одатда билги одамлар сел келган сойлардан отда ўтишаётганда уловларнинг юки оғир бўлишига алоҳида эътибор этишади, яъни, сел қаърида уйинчок бўпқилиши мумкин. Чибор ҳам сузмок учун талпинганда оёқ-поёғига тош-пош урилиб, ағдарган бўлишиям эҳтимолдан холи эмас.

Аммо унинг шу сув қаърида экани аниқ эди. Бироқ қани-қаерда? — Кўринмайди сира!

Агар сувости оқими думалатиб кетаётган бўлса, барибир юзага қалқиб чиқади.

Ахир, Қора бўтана сувга — телбатоб тўлқинларга сумрайиб қараб турар экан, ўртада кун тимида ўта ялтираб кетган қандайдир мавжларни қумуш юганга ўхшатиб қолди-ю, чиндан ҳам ялтироқ сизимлар юганники бўлишига ишониб, бақриб юборди:

— Ана, ана! Носир, қара!.. Жилови кўринди. Ташла ўзинг-ни! Нимага тушайсан?! — Шунда Носирнинг ҳақиқатан ҳам сувга тушишга чоғланаётганини кўриб, ўзига ҳам жон кир-

гандек — довдираб бир-икки қадам олдинга босди. Шунда наридаги ўпконга сурилиб бораётганини сезиб бирдан тисланди-да, ўтириб қолди. Кейин ортига қараб ўрмалди. Ва бошини кўтарганида, шундоқ тепасига келиб энгашиб туришган Акмал билан Саодат акани кўзи илди-ю, шундай уялиб-хўрлиги келдики, ноҳорликдан бошини қумга уриб-уриб олди. Кейин унинг ичидан бир овоз: «Бир бахона топ. Ўзингни тетик тут!» дегандай бўлди... ва сакраб туриб, дарёга юзланди. Кейин бир нималар дева хайқриб юборди-да, тезроқ — ба, тезроқ буларнинг кўзидан нари кетмагини маъкул олиб, қутилмаганда сувлоқ бўйлаб югура кетди. Этакка..

Оғурқаран, бу югуриши ўзига жуда ҳам ёқиб қолди: назарида, Чибор учун телба бўлгандек ва буни кўриб турган одамлар ўзига қаттиқ ачинаётгандек эди: ҳа, бу — жуда ёқимли ҳис эди.

«Ҳа, яна бироз чоп! Жиннилик қил... Иқлиб-туйқус узун тушиб йиқилди. Тур эди!...» Тагин эмақлаб туриб, уч-тўрт қадам босди-ю, азбаройи ҳолдан тойгани учун ҳам алами келиб:

— Вай, — деб бошини чангаллади. Кейин кўлларини осмонга кўтариб, Тангри таолодан наҳот сўрашни маъкул билди ва шундай қилди: — Э, Худо! — деди. — Бормисан, Эгам? Кўриб турибсан-ку, ёрдам бер... — Кейин бўшашиб яна сувга тикилди. Бу ерларда сувдан чиқиб турган тошлар кўпҳамда оқим кенг ва сунт эди.

Бўри Қора бирдан эслади: худди шу ерлардан Чибор билан бемалол ўтиб кетар ва қайтар эди. Ҳа-ҳа, бу ерлар ҳам чуқур, аммо от бемалол суза олар эди.

— Э, Чибор қани, а?

Наҳот сел ютиб юборди?... Шундай йирик, сузонғич аргумқни-я? Мумкин эмас!

Бўри Қора бирдан орқасига — сувлоқнинг бош томонию кирғок устидаги оломонга қаради-ю:

— Нима мен айбдорми? Ҳа, мен. Узим! — деб юборди-ку... Унинг устидан тушмаслигим керак эди! Унга ҳиёнат қилдим... — Дарёга ярим буриларкан: — Сенсиз қандай яшайман, Чибор? — деб бўкирди-да, дарҳақиқат, Бодомгулдан айро яшаб кетишига кўзи етмади. Аммо айни чоғда ичидан шивирлаётган таниш овоз: «Олдинга бос, — дер эди. — Сувга кир бироз. Узимни ташлайман селга, де. Бақриб айт, аҳмоқ. Ҳамма эшитсин... Шунда югуриб келишади. Акмал сени ушлаб қолиб йиғласа керак...»

Бўри Қора ана шу овоз маслаҳатига (балки бу овоз ички моҳият овозидир) қулоқ осиб, бемалол сувга оралай кетди. Лекин ўта эҳтиёткорлик ила қадам босар, бояғидек чуқур жойларга тушиб кетиш эҳтимоли бор эди.

Шунда, хайрият Носир етиб келиб, акасини қучоқлаб олди ва унинг атай чираниб тилиричилишига парво қилмай, сувлоқдан судраб кирғоққа чиқарди.

Бўри Қора «булар ш бўлди», деб бир тошга ўтириб олди-ю, юқоридан — бўя ўтирган томонидан қимларнингдир чиррик бераётганини эшитди:

— Ана! Анаву тошни панасида... Ана кўринди! Ана, боши! Э, кўрмисанлар?

Бўри Қора қандай қилиб ирғиб турганию у ерга қай алфозда етиб борганини билмай қолди. Сўнг кирғоққа — қорабайир от узангисига оёқларини тираганча тик туриб бақираётган шлёмли йигитнинг кўрсатган томонига кўз тикди. Қай кўз билан кўрсинки, Чибор икки харсан орасида қисилиб қолганими-бўйини чўзиб бу томонга қараб турар, афтидан наҳот кутаётганга ўхшар эди.

— Вой, Чибор! — дея жиниларча қақира бошлади Бўри Қора. — Эй, Чибор, жонинг борми... Ҳаракат қил! Интил, туур! Оббо, жонинг қолмапти-ку? Хой, биродарлар, унга ёрдам беринглар... — дея иттифоқча яна сувлоққа тушиб, апила-тапил сувга етганда: «Бас, тўхта. Ошириб юборма, — деди яна ўша ички овоз — Шу тобда ҳалигиндай пўртана келиб, уни кўтариб юборса».

Шунда худди Бўри Қора орзу қилганидай — дарёнинг

юқорисидан яна кўтариб-тушиб ўрқач-ўрқач тўлқинлар кела бошлади. Бўри Қора: «Ана, келаяпти!.. Узинг қоч. Қочиб қол, е, зангар! Босиб кетади...» дея орқасига бурила солиб чопган эди, оёғи қумлаб қолиб юзтубан тушди. Ва олдидоғи берч қумни тирнаб тортилар экан, тўлқинларнинг шамоли уни думалатиб ўтди-да, ортидан бостириб келган даҳшатли тўфон босиб-олиб кетди.

\*\*\*

Акмалу Саодат ака, Қуролбой Олчин, ҳамма-ҳамма — баковулу полвонлар ҳамда қирғоқдаги отликлар-да ёпирилиб тушиб Бўри Қоранинг ғойиб бўлган жойига етиб келишганида, ҳей этакда — селдан сурилиб чиқиб силкинаётган Чиборнинг титроқли кишнашини эшитиш баробарида ўзини ҳам кўриб қолишди. Шу тобда Бўри Қора ҳам унутилгандек эди. Кейин унинг ҳам ўша ёқдан чиқишига умид боғлаб, шу томон жилишди.

Чибор, ниҳоят, бу томонга оқсай-оқсай йўртиб кела бошлади. Эгари қорнига тушган, юган учи бир тиззасига ўралиб келар, иккинчи тиззаси букирок эди.

Чиборнинг кўзлари аллақандай бежою ўзи шилиниб баҳайбат бир тусга кирган, умуман, кўрқинчли қиёфада булар қошига етиб келди-да, қумлоқда қолган изларни ҳидлай-ҳидлай Бўри Қора думалаган жойда тўхтаб қолди.

Сўнгра нафас ростлагандай селга ҳўмрайиб тикила бошлади. Бошқалар ҳам от бир нарсани билиб берадигандек, сувга қарашди: Шунда ё раб! — дарё ўртасидаги яланғоч қоялар орасида қоп-қора бир нарсга бир кўринди-ю, шоввага тушиб, йўқолиб кетди. Шу сонияда Чибор уордан қочган бебош бедовни чорлаётган каби тумшугини чўзиб титроқли кишнади-да, сувга кириб бемалол оралаб кетди. Бир маҳал шўнғиб кўтарилди. Кейин эса селнинг навбатдаги босқинида уям ғойиб бўлиб қолди. Қора ўлайр баравари салчиётган тўлқинлар ҳансираб-ёйилиб, адоқларга эниб кетар эди.

Бу ёқда соҳилдагилар туйкусдан эслари жойига тушгандек сувлоқ бўйлаб югура кетишди. Пиёдалар қумга ботиб қолиб чўққалар, орқадагилар уларнинг устидан босиб ҳам ўтишар, отликлар бўлса қирғоқ ёқалаб елиб боришар эди.

Ноумид — шайтон.

Оломон дарёнинг этак-этакларига чача боришди. Кейин у ерларда юришининг имкони қолмади. Чунки Тўполон бу томонда тармоқланиб-шохлаб ўсиб ётар, уларнинг таналари селда оқиб келган нима-нималарга тиралиб қолмаган эди. Бу ерлардан оқиб ўтаётган лойка сув хийла соқин кўринар, гўёки у кўтариб-кўтариб толиққан, қандайдир ўзига хос вазифаларни ҳам адо этиб бўлгандек эди. Уюлиб, тепача ҳосил қилган лойка ҳам кўп, ана ўшаларда ялтираб-биланглаб балиқлар ҳам кўришиб қоларди. Тепада эса гала-гала кузгунлар айланшир, айримлари пастга ўқдек тушиб, яна ўқдек кўтарилиб кетарди. Улар жуда хурсанд эдилар. Табиийки, кечга томон бу хилватгоҳларда шақол ва тулкилар ҳам изғиб қолишарди.

Икки кундан ўтгач...

...Қиссамиз қахрамонлари Бўри Қора билан Чиборнинг бузилишга улурган жасадлари топилди. Буларни хув ана ўша машина босиб кетган балиқчи чолнинг неваралари балиқ туттали келиб, кўриб қолишган экан. Ваҳимага тушиб, қўй ҳайдаб юрган чўпонга айтишибди. Чўпон келиб кўрса, ўша Бўри Қора билан ўша Чибор от бир-биридан узок бўлмаган жойларда — қари толларнинг сув ювиб кетган илдиэлари орасида ётишган экан. Маълумки, кўпқари маҳалларида ҳам осмондан аримайдиган ғажирлар мурдалар қошига кўнишган, искович пашшалар ҳам ғўжгон... Чўпон ҳам даҳшатга тушиб, Бўри Қоранинг уйига яланғоч отда

елиб етгунигача лабларига учуқ тошиб кетибди. Дарвоза оғзида белини боғлаб ўтирган Носир полвон ўрнидан турибди.

Кейин у «жигарим!» деб дод солиб, сариқ биясини миниб чопибди. Ақасининг жасади билан Чиборнинг эгар-жабдуқларини ечиб, олиб, қирғоққа чиқаргунча маҳалла гузарлардан анча-мунча таниш-нотанишлар ҳам етиб келишибди. Бўри Қорани кигизга ўраб, уйга келтиришибди ва увада бўлган жасадини бир амаллаб ювишибди.

Ушбу маҳалланинг қабристони қадимдан Тўполоннинг у бетида — ёнбағирда эди. Замбил-тобугта солинган майитни кўпирк орқали ўша гўристонга олиб бориб, онасининг, Қорабой подчанининг қабри ёнига қўйишибди. Кейин қабр бошида қолган беш-олти чобагон Эшим оқсоқолнинг маслаҳати билан Чиборнинг ҳам сув ювиб ётган жасадини судраб келтириб, эгасидан этакроққа кўмишибди.

Кейин кимдир буларнинг қабрига бир-бир парча сурп ялов қадаб кетибди.

Айтишларича, Қуролбой билан Олчинбой кўп йиғлашибди. Райкому милициядан келган «вакиллар» марҳумни макташиб: «Содиқ коммунисти эди. Фидойи хизматчи эди...» дея баҳо беришибди. Улар кетишгандан кейин Олқор чол тиловат қилибди.

Эртаси кун етиб келган фарзандлар роса бўзлашиб бўлишгач, Носир полвондан оталарнинг моллари қаерда ва қайси чўпонларда эканини сўраб олишиб, Қерағатоғ томонларга чиқиб кетишибди...

Мана, қиссамиз ҳам адо бўлди. Яна нималарни илова қилиш мумкин экан?

Ха-я, ана баъзи бир гап-сўзлар... Масалан, марҳумнинг еттисига етиб келган Акмал билан Саодат ака қабрлар устида марҳумлар ётқизиб келинган тўқима тобултар ташлаб қўйилган, айримларининг пўстлоғи кўчиб, чирий бошлаган гўристон четида — тепалик бағрида ёнма-ён ўтириб гурун қилишар экан, Акмал туйкус бош кўтариб: «Саодат ака, инсон тақдирини ўйлаб қарасанг, ҳар битта одамнинг ҳам феъл-атворини ўрганиб олиб, унинг қандай ўлиб кетишини башорат қилиш мумкин, деб ўйлайман, — деди. — Аммо биз шундай қила олмаймиз-у, ўша таниш одамнинг вазот этганидан кейин хайрон ҳам қолмаймиз...»

Саодат ака ўйлаиб қолиб: «Гапингизда жон бор, Акмалжон, — деди. — Лекин ожизлигимиз ҳам шундадир...»

Бу гаплар ҳам ўша ёнбағирда қолиб кетганига кўп йиллар бўлди. Илло, улар ҳам қазо қилиб кетишди.

Тўполон...

Тўполон — ҳамон тўполончи дарё. Кўкламларда, айникса, ёз бошланиши олдидан қирғоқларнинг тўлдириб селлар келади. Унинг соҳилларида ҳамон наъматақлар қутуриб гуллайди, адирда эса кўпқари чопилади.

Соҳиллар Арпали даштларига туташдирик, шу даштларда югуради тулпорлар...

Бугунги кундан қараб, Арпали даштлари шаънига, қолаверса, Тўполон таърифида бир нималарни хитоб қилгинг келади-ю, овозинг чўқмайди. Бўзгинга нимадир тижиллади.

Жимгина ўтириб, ўйлагинг-ўйлагинг келади: масалан, Чиборнинг пайдо бўлиши...

Ажабо, Акмал ҳаққа ўхшайди: алоҳида бир инсоннинггина эмас, ҳайвоннинг ҳам қандай бўлиб оламдан ўтиши мумкинлигини башорат қилиш мумкиндир.

Лекин...

Тамом  
2002-2003 йиллар.  
Тошкент

# ДУҶИАМ ҶИРОҒИ

Театр. Саҳна. Юзлаб томошабинлар олдда ўз ролингни ижро этар экансан, сенга текилиб турган нигоҳлар хар бир хатти-харакатинги, юз ифодаларинги кузатиб, жон қулгои билан сени зшиттаётганини ҳи этасан. Ана, қаердандир ганим пайдо бўлиб сенга қилич санчди. Сен ўлишинг керак. Чунки асар шундай тугайди. То-мошабин нафасини ичига ютиб, сенга ич-ичидан ачинади, сенинг душманинг уларнинг ҳам душманига айланади. Кимдир ййглаб ҳам юборади. Улар спектакл руҳиятига шу қадар кириб кетадиларки, бу ер театр эканини баъзан унутиб қўядилар. Парда туширилади, яна очилади — сен неча бор ўлиб, яна тириласан. Лекин бундан ҳеч ким ажабланмайди. Чунки бу ер томошагоҳ...

Дастлаб ишни кичик-кичик ролларни ижро этишдан бошлаган Нажмиддин Ансатбоев тез орада ўз ижро маҳорати, истеъдоди билан кўзга ташлана бошлади. Энди, унга бош қаҳрамонлар роли ишониб топиширилди. Айниқса, «Бердақ» асаридаги Бердақ, «Навоий Астрабодда»даги Навоий, «Ажиниёз» операсидаги Ажиниёз образлари орқали қорақалпоқ эли ҳурматига сазовор бўлди. У «Қорақалпоғистонда хизмат курсатган артист», кейинроқ «Ўзбекистон халқ артисти» унвонларига ўзининг тинимсиз меҳнати, ижро маҳорати орқали эришди.

Нажмиддин ака 1966 йил Бердақ номидаги Қорақалпоқ халқ муסיқали театрига янги ишга келганида ижодий жамоа уни илиқ кутиб олди. Саҳна сирларини, актёрлик маҳоратини эгаллашда ўз ёрдамчини ямади.

1978 йили уни марказдаги ЁТТ (Ёш томошабинлар театри)га бош режиссёрлик вазифасига ишга тақлиф этдилар.

Кўп ўтмай Нажмиддин ака яна ўз жамоаси, ўрганган жойи — Қорақалпоғистонга қайтиб келди ва театрда бош режиссёр бўлиб 15 йил фаолият юритди. Бу давр ичида у 60 дан зиёд спектаклларни саҳналаштирди. Айниқса, «Суймаганга суйкалма» (С.Ҳўжаниёзов), «Ярали юраклар» (К. Раҳмонов), «Ўз арзасига кўра» (Ў.Умарбеков), «Тобутдан товуш» (А.Қаҳҳор), «Яланғоч қирол» (Х.Маҳмудов), шунингдек, «Майсаранинг иши» (С.Юдаков) каби асарлар томошабинлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Юртбошимизнинг «Ҳаммаиз театр томошаларини яхши кўраимиз, бироқ шундай таъсирчан асарлар яратиш замирида қанча-қанча машаққатли оғир меҳнат ётганини, бир спектакл ойлар давомида дунёга келганини кўрмаймиз», деганида кўпроқ режиссёрларнинг машаққатли меҳнатини назарда тутган бўлса, ажаб эмас.



сёрлар бутун умрларини шу саҳна ҳаётига бағишладилар.


Театр қарийиб 80 йиллик фаолият давомида 400 дан ортиқ турли жанрлардаги спектаклларни саҳналаштирган бўлса, Нажмиддин ака Ансатбоевнинг ҳам бу ззгу ишда муносиб ҳиссаси бор.

Ўзбекистон халқ артисти, Бердақ номидаги давлат мукофоти лауреати Нажмиддин ака 2001 йилдан буён шу жамоа раҳбари сифатида барча ходимлар бошини қовуштириб, кўплаб мамлакатларда гастрол сафарларида бўлиб, юртимизнинг турли байрам тадбирларида иштирок этиб, халқимиз бой маданий меросини тарғиб этишга муносиб улуш қўшиб келмоқда.

**Мунира ҲУСАНОВА**

Устозлар аъналарини давом эттириб келаятган Шомурод Отамуродов, Турсунгул Қашназарова, Маржонгул Холмуродова, Бозорбой Узоқбергенов сингари истеъдодли актёрлар Нажмиддин ака билан елкама-елка ишлаб, томошабоп асарлар яратишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ҳа, бу театр не-не улуг зотларни дунёга танитмади дейсиз. Йўлдош Маъмиров, Тўхта Раҳмонова, Гулхан Широziева, Ойимхон Шомуротова сингари таниқли санъаткорлар Абдурахмон Утепов, Йўлдош Шарипов, Тўраш Алланазаровага ўхшаган истеъдодли режис-



Геология — ер ҳақидаги фан бўлиб, унинг шаклланиши тарихи қадим замонларга бориб тақалади. У тоғ жинсларининг пайдо бўлиш жараёнлари, тарихи, тузилиши, маъданлар таркиби, физик ва кимёвий хусусиятлари, умуман олганда, бутун табиий фанларнинг йиғиндисидан иборат.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон илгаридан тоғ-кон саноати марказларидан бири бўлган. Қадим замонлардан асқонларимиз бу борада киши ақлини шоширадиган кашфиётлар қилишган. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино сингари алломаларимиз ер илмининг билимдонлари бўлганлар. Ўзбекистонда, қолаверса, жаҳонда геология фанининг ривожланишига Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Ҳамробоев, Обид Ақромхўжаев, Фани Мавлонов ва бошқа кўплаб олимларимиз ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб, айни соҳада ёрқин из қолдиришган. Ўзбекистон харитасидаги йирик саноат шахарлари бунинг далилидир. Ангрэн, Олмалик, чўллар қаърида қад ростлаган Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Муборак ва бошқа кўплаб саноат марказлари бевосита ер ости бойликлари туфайли ҳам жаҳонга танилдилар.

Ўзбекистонда тоғ-кон саноати ҳамдўстлик мамлакатларидан Россия ва Қозғоғистондаги каби олдинги ўринларда туришининг боиси ҳам ана шундадир.

...Биз тушган машина Қорақалпоқ дёёрининг Қоратов ҳудудидаги поёнсиз кум барханлари орасидаги илонизги йўлларда чайқалиб борар экан, иссиқдан нафас қайта бошлади.

Жазирамада қимирлаган жонзот кўринмайди. Бу бепоён чўлларда «бундай ҳароратта фақат биз дош бера оламиз» дегандай саксовуллар атрофга нописанд қараб туришади. Яна бироз юрганимиздан сўнг, биз «соқинлик салта-

нати» деган ўйларимиздан хижолат торта бошлаймиз.

Узоқда, сахро ўртасида улкан ер қазувчи техника, сўнг аста-секин вагон уйлар, атрофида уймаланиб юрган махсус корхона кийган сахро кезувчи, маъдан қидирувчи геологлар кўринди. Бу ерда хаёт кайнайди. Биз Қорақалпоқ дала-геология қидирув экспедицияси бошлиғи Холмўмин Ҳайтовни шу ерда учратиб, у киши билан суҳбатлашдик.

— Бизнинг Қорақалпоғистон дала геология қидирув экспедицияси 2000 йилда Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар қўмитаси саяъ-ҳаракати билан ташкил этилган. Пурвиқор тоғлару чўл-биёнонлар кезишининг ҳам ўзгача гаши бор. Кўриб турганингиздек, ёзнинг жазирамасию қишнинг қаҳратон сувуғига қарамасдан йиғитларимиз астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар мана шу вагон уйларда яшаб, қишлашади. Ўз касбларини яхши кўришгани боис бўлса керак, нолиганларини сира эшитмаганман.

— Холмўмин ака, ҳар қандай касбнинг ўзига яраша машаққати, қийинчилиги бўлади, албатта. Сизларнинг биринчи галдаги вазифаларингиз нимадан иборат?

— Биз энг аввало, ишни бирор майдоннинг геологик манбалари ва ҳисоботлари ўрганиб, иш бошлашга асос бўла оладиган маълумотларни йиғиб, шулар асосида лойиҳа ва смета ҳужжатларини тайёрлашдан бошлаймиз. Сўнгра қидирув ишлари бошланади. Бу жараёнда муайян кенгликдаги майдоннинг геологик тузилиши, ундаги маъданли ҳудудларнинг тектоник ўзгаришлари ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлик муносабатларини ўрганамиз. Бу ишлар ер ости ва ер усти лаҳмларини қазिश, қудуқлар пармалаш ва тоғ жинсларидан намуналар олиш орқали олиб борилади. Олинган намуналар лабораторияларга юборилади.

Олинган лаборатория маълумотлари асосида шу майдоннинг аниқ геологик харитаси тузилади, лойиҳа нияҳида майдон учун геологик ҳисобот ёзилиб, кейинги баҳолаш босқичига киришилади.

— Чўл-сахроларда ишлаш осон эмас. Турли хил ёввойи ҳайвонлар, захарли жониворларга дуч келишингиз эҳтимолдан холи эмас, бунга қарши қандай эҳтиёт чоралари кўришган?

— Экспедицияга чиқишдан олдин ҳар бир ишчи-хизматчиға энг аввало техника хавфсизлиги қоидалари тушунтирилади. «Дала партия»лари учун эҳтиёт чоралари кўрилади, медицина кутила-

ри, дори-дармонлар билан таъминланади. Қоракўрт ва илон захрига зидди-захар олиб юраимиз.

— Ҳозирги замонавий геология асосан нималар билан шуғулланади?

— Бугунги геология бутун ер қатламларини аниқлаш билан бирга унда кон захираси ҳосил бўлиши учун барча зарурий жараёнларни ўрганиб, барча қонуният ва назарий манбаларга асосланиб, ҳар бир тоғ жинсининг қандай ҳосил бўлиши, унинг метаморфиз ўзгариши, қайта шаклланишини аниқлаб беради. Бу эса ишларни босқичма-босқич амалиётда қўллашни талаб этади.

— Кон захираларини аниқлашда лабораторияларнинг ўрни қандай?

— У ерда жинслар таҳлил қилиниб, таркиби чўқур ўрганилади ва таҳлил натижалари бизга маълум қилинади.

— Ишчи-хизматчилар қай даражада ижтимоий муҳофаза қилинган?


— Биз ходимларимизни ҳар йили тулқ медицина кўригидан ўтказамиз. Улар ҳар баҳорда экспедиция ҳисобидан бепул муолажа оладилар. Ходимларимиз Давлат геология қўмитасига қарашли «Чотқол» санаторийсига имтиёзли йўлланма билан таъминланадилар. Оғир ишдаги ишчи-ҳодимлар хаёти ташкилот томонидан сўғурта қилинади.

— Келгусида Султон Увайс тоғларида текширув ўтказишни режалаштирган экансизлар. Сир бўлмаса, айтингчи, у ерда қандай қазилма бойликлари бор?

— Бу тоғда қимматбахо, ноқир металллар, қурилиш материаллари ва бошқа безак тошлар мавжуд. Экспедициямиз Навоий кон-металлургия комбинати билан ҳамкорликда Султон Увайс тоғи геологиясини ўрганишга қаратилган. Бу иланишлар яхши самара беради, деган ниятдамыз...

Ҳа, диёримиз заминида битмас-туганмас бойлиқлар яшириниб ётибди. Улар вақти келиб кўртимиз равнақи, турмушимиз фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз. Бу йўлда заҳмат чекаётган фидойи геологларимизга эса: «Ҳорманг, азизлар», деймиз.

Ўқтамхон Холдорова  
суҳбатлашди



## Ҳорманг, азиз геологлар!

# Ўзимнинг кўнлимга султонман,

Кенгасбой РАҲМОНОВ,  
Қорақалпоғистон халқ шоири

## МУСАББАТ

Авааллар кўриндинг чўғ бўлиб,  
Бу кунлар кетдинг-ку йўқ бўлиб,  
Қайларда юрибсан тўп бўлиб,  
Мухаббат, муҳаббат, муҳаббат...

Йўлингга қарайман сўзгумда,  
Юлдўзсиз осмондир севгим-да...  
Кетдингми, ёшларнинг кўнглинда,  
Мухаббат, муҳаббат, муҳаббат...

Сенсиз бу тириклик — бемаъни,  
Қолмайди одамнинг ғиймони,  
Бўлдинг сен қимларнинг меҳмони,  
Мухаббат, муҳаббат, муҳаббат...

Ёшиқда ёр эдинг менга сен,  
Бор эдинг, бор эдинг менда сен,  
Ункалаб кетдингми энди сен,  
Мухаббат, муҳаббат, муҳаббат...

Гердайиб юрардим сен борда,  
Гулларим кўп эди гулзорда,  
Сен кетдинг, мен қолдим озорда,  
Мухаббат, муҳаббат, муҳаббат...

Утди кўп йилларнинг қарвони,  
Ул қизлар, ҳозир... о, кайвони!  
Қомади кўнглимнинг байрами,  
Мухаббат, муҳаббат, муҳаббат...

\*\*\*

Умр сурмак бўлмади беғам,  
Ёдир сўнгги келган меҳмон ҳам,  
Ўзимгаку, буюрмас мевам,  
Гулим бор яна...

Кетдилар ёвим-да, дўстим-да,  
Мен қолдим — гадолар қасдида.  
Утим йўқ, чўғимнинг устинда  
Қулим бор яна...

Феълим ғариб, тиржаядиган,  
Кўзим ожиз, нур бўяйдиган,  
Йиғлаб туриб илжаядиган  
Ҳолим бор яна...

Кўкка олиб учди арумоқ,  
Юксакларда қанот қоққан чоқ,  
Яланғоч қолдиму, мақтанчоқ  
Тилим бор яна...

Жиянбой ИЗБОСҚАНОВ,  
Бердақ номидаги  
Қорақалпоғистон Давлат  
мукофоти совриндори

## УВОЛ

Ҳаётдан кўз юмгандай ёш қиз  
Сой бўйида синса сарви тола,  
Ут қўяди жонимга бир ҳис,  
Увол, ахир, тол умри увол!

Очилмаса агар қиз бахти,  
Қадр топмаса — бу ҳам бир увол,  
Қилмагандай вафо шоҳ тахти —  
Нозик кўнгли чекади малол.

Кўк узилса дарахт меваси,  
Инсофсизлик дердам мутлақ.  
Увола яна, шовр мероси  
Тополмаса муносиб баҳо!

Умр ҳақида ўйлайман ҳар гал:  
Бўямасин-да у увол фақат!  
Асраб келар дунёни азал  
Хайрихоҳлик, меҳру шафоат...

Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД

\*\*\*

Кунботарнинг салқин ели  
Кунчиқарга кучаётир.  
Янроқлар сап-сарик бўлиб,  
Яшил кўрки ўчаётир.

Шамол чайқаб мажнунтолини,  
Кўкрагим хувиллаб қолди,  
Муздек совуқ отар тонгни  
Согинчларим кучаётир.

Пишгани ҳам пишмагани,  
Довулларда тушмагани,  
Тингламасдан ҳеч нимани —  
Олма кўлга тушаётир.

Оплоқ сочили, оқ соқоли,  
Меҳрли ҳам қаттол қари,  
Қўлларидо уткир арра,  
Дарахтларни кесаётир.

Қайфи ошган нозанинлар,  
Қийқирришган маст келинлар,  
«Бизга бир меҳмон бўлинг!» дер,  
Пириш шароб ичаётир.

«Бахтиёр, сен барин унут!  
Тило косангни бизга тут...  
Толчи қолдирмай барин ют,—  
Ваҳ, армоним!» — делётир.

\*\*\*

Сочлари бўйра, Шамол,  
Бир толим қўйма, Шамол...  
Қирқ ўрим кокилини  
Тарқатиб ўйна, Шамол!

Қадамнинг яшил, Шамол,  
Нафасинг асила, Шамол,  
Ёхут, зар, инжулардай  
Йўлимда сочила, Шамол.

Бўйимга осила, Шамол,  
Гуллардай очила, Шамол,  
Мен айтдим, дардларимни  
Қалбимга яшир, Шамол...

Халила ДАВЛАТНАЗАРОВ

## ТУНГАЙ МАЪНАРА

Тинмай сайрар шайдоий булбул,  
Соғинарми богда гулини.  
Оқ теракнинг учидо, ана,  
Ой ҳам қотиб қолди илиниб.

Шопир-шупур шамолларми бу  
Қушлар қанотидан бошланган?  
Шудринг тўнлар майса.  
Тун эса  
Дала узра ётиб-ястанган.

Кенг осмоннинг белбоғи каби,  
Сомон йўли турар оқариб.  
Юлдузларнинг қумуш жаранги  
Сўвада ўйнар шўнғиб ва қалқиб...

## ОЗУЛА ТУНГАЙ

Тонг қушлари сайроқ бунчалар!  
Осмон ҳиди ётаркан анқиб,  
Хордиқ олар замин муштилар,  
Салмода ой кезади қалқиб.

Бўзармоқда машриқ бир гўзал!  
Шафқатларга кўзу деразам.  
Ёш юлгулар, қорабароқлар  
Гузар йўзининг бўйин бегазан.

Саватини сўраганча ой  
Оқ сўқмоқдан тумшар ер сари.  
Ҳижрондаги ошиқ кўзидай  
Сўнаётир юлдузлар бари.

Қуёш нури ёйилар кўкка,  
Қалдирчоқлар вижирлаб учар.  
Қадолади осмон баерига

# Мен юракда яшар инсонман

Тандирлардан учган тугунлар.

Ой — энг сўзла қизи омоннинг —  
Утирибди зувала ёйиб,  
Сочларини силасам унинг  
Кетар эдим ҳаммадан бойиб!.

Минайхон ЖУМАНАЗАРОВА

\*\*\*

Мен йўқотдим, изладим, топдим,  
Бехудага ўтмади вақтим.

Қуналар ўхшамайди бирови бирга,  
Укинмайман ўтган умрга.

Қоқилсам ҳам тоғнинг тошига,  
Ёлеиз чўқдим чўққи бошига,

Сен турибсан дарё бўйида,  
Мен оқялман, асло куйинида.

Дунёдаги энг азиз бахтим,  
Эрк, озодлик — тожим ҳам тахтим.

Ўзимнинг кўнглимга султонман,  
Мен юракда яшар инсонман.

\*\*\*

Севмоқ, севиламоқ айб бўлса,  
Севгининг ёйидан отинлар.  
Устимдан гап қилгандан кўра,  
Совинчининг дориға тортишлар.

Шунда ҳам кўнглингиз тўлмаса,  
Ишқининг дарёсига чўқтиринг.  
Бўлмаса, яна ҳеч бўлмаса,  
Ёрнинг кучоғида ўлдиринг.

Ободон ТУРДИМУРОДОВА

ЖУМАНАЗАРОВА КИРИТДИ  
ШАРҚИЙЛАМ

Юлдузларнинг шувласи тошган,  
Сирли эди шул сирли оқшом,  
Тушларимга қирган шахзодам,  
Оқ тулпорда мени обқочган.

Кўзларингда бормиди учқун,  
Мени бунча келади кучинг,  
Тушларимга қирган шахзодам,  
Юрагини боғлади ишқинг.

Ўртаб мени севи гулхани,  
Тулаб-тошар юрак илҳами,  
Тушларимга қирган шахзодам,  
Сўйдим сени, сўйдим пилхона.

Патийма МИРЗАБОЕВА

\*\*\*

Унут умид борагин,  
Кимдир сенга зорлигин,  
Ошиқларга айт, армон,  
Кенг оламнинг торлигин.

Унут, умид, барчасин,  
Юлма севи нарчасин,  
Бағишладим ўзинга  
Юрагининг парчасин.

Унут, барин, севилим,  
Умр сўвдек кечишин,  
Кўзларининг оти билан  
Юрагини кечишин.

Умр галма-галдир тек,  
Кўнглидаги шеърни тўк.  
Сен ёлеизсан, мен ёлеиз,  
Севгиға тўлди юрак.

Унут, орамиз олис,  
Унутмагин сен бироқ,  
Кўзларингда пилхона  
Ёлборлаган сўзларини,  
Кўзларимиз топишиб,  
Банди бўлган кезларини...

Назира МАТЕҚУБОВА

\*\*\*

Тулсам арзирли аммо,  
Кулсам арзирли аммо  
Гоҳи ҳаёлага гамдек  
Ботилиб кетишим бор.

Тўқлик мани туюлмас,  
Йўқлик мани туюлмас,  
Бир ширин сўзга фақат  
Тутилиб кетишим бор.

Ойдаи тўлмасам ҳамки,  
Малак бўлмасам ҳамки,  
Бир бекнинг юрағига  
Бирилиб кетишим бор.

Мени кўп суйма, шаҳар,  
Не десам берсанг ҳам гар,  
Бир кунни қашлоғимга  
Сотилиб кетишим бор.

Хикматилла ОЙИМБЕТОВ

МАЗНАЗАРОВА  
ШАРҚИ

Қадимий кўрк, ҳашам йўқ энди бул кун,  
Ўрнида сочилиши тупроқ, кўм ва тош.  
Сарой деворлари нураган бутқула,  
Унсиз бир қайғуда чор атроф, кўеи...

Жимлик... Ҳайларни паршон қилар  
Дунтайиб кўришиб турган кўш қабр.  
Қабрда ётганлар — ошиқ-маъшўқлар,  
Балки ботириллардир, балки бошқадир...

Сукунатдан бошқа ҳар нарса пилхон,  
Кўп сариларни ютиб ётар бунда кўм...  
Бунда дафн қилинмиш ёлеиз ва ҳажрон,  
Эй қабрлар, ассаюму алайкум!

Жимгина титранар шамол элқини,  
Қушлар кезинади чурқ этмай, долдай...  
Улар учиб кетар, дафъатан мени  
На шох, на навқарга ўхшата олмай...

Гулистон ДАВЛАТОВА

ҚИЗ ҚИРИ

Туйғулар илиниб киприк ўқиға,  
Низоҳлар юбординг кўнгли бошиға,  
«Севдим» деган сўзни тилсиз баёғлаб,  
Жонимни тобладинг ишқининг чўғиға.

Туйғуларнинг тўлқинида товланиб,  
Ожиз қушча қолгандайман овланиб,  
Такаббурилик тоғидан паст эндим мен,  
Тилсим сўзларингдан қалбим боғланиб.

Кўнглимнинг кўеи мевалд боғим,  
Сенинг кўзларингдай шувалди тоғим,  
Кўнгли саройимнинг тўрада мулоим,  
Нур сочиб, ярқираб турарсан, жоним.

Туйғуларнинг тўлқинида товланиб,  
Ожиз қушча қолгандайман овланиб,  
Такаббурилик тоғидан паст эндим мен,  
Тилсим сўзларингдан қалбим боғланиб.

қорақалпоқчадан Рустам МУСУРМОН  
таржимаси

			← Олтин																	
			Кимё ўғити																	
Ижод соҳаси		Ип ўра-ми	↑	Юк мосла-маси	Соф вази		Сай-ёра													Кема
				Жу-да			Ши-рин эмас					...	ЖОМ							Эрон валю-таси
Кур-кам жиҳоз				Сўз воси-таси	Сут маҳ-сули		Хинд санъ-аткори													
					Ол-мош															
Сўз							Тор-ли соз													Санъат
Из-зат	Алоқа техни-каси																			Жони-вор идиши
																				Озар-байжон шоири
	Овоз ёзу-ви		Куя дори		Хази-на топар		Ку-рол ...	Рус адиби	Ба-ланд бино											
																				Ла-во-зим
																				Хона
																				Ранг
							Рейн буйи шаҳри													Бўёқ ашё
							Ис-ти-ҳола													Чин
																				Хи-той сози
	Учув-чи қал поғи	Муҳ-лис																		
																				Тиз-ма тоғ

Фозилжон ОРИПОВ тўзди



Guliston

Indeks: yakka obunachilar uchun — 820  
tashkilotlar uchun — 806  
Bahosi: kelishilgan narxda.

4695. 2p

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист

Ikman Azimogob